

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Малака ошириш институти

АХБОРОТНОМАСИ

№ 4/2024

Тошкент – 2024

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий, маънавий-маърифий ва сиёсий-ҳуқуқий журнал

Бош муҳаррир: Олимжон АХМЕДОВ	Муассис: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти
Жамоатчилик Кенгаши таркиби: Нуриддин НОРМАТОВ Баходир МАТЛЮБОВ Даврон НАЗАРМУҲАМЕДОВ Умидбек НУРУЛЛАЕВ	2024 йил – ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида, лотин, кирилл ёзувида чоп этилади. Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллиф жавобгардир. Журналдан кўчириб олинган манба кўрсатилиши керак. ***
Ҳайъат аъзолари: Олимжон АХМЕДОВ Улуғбек РАСУЛЕВ Карим НОРМАТОВ Жўрабой ТОШҚУЛОВ Фарход ХАТАМОВ Музаффар ТОЖИБОЕВ Меҳмонали СУВАНҚУЛОВ Эркин МАРУПОВ	Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Ахборотномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 20 майда №1630-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.
Таҳририят: Масъул муҳаррир: Карим НОРМАТОВ Мусахҳих: Рўзибуви ҚУРБОНОВА Саҳифаловчи: Маъруф РАҲМОНОВ	Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Малака ошириш институтининг Ахборотномаси” илмий-амалий журнали 2023 йил 15 июнда ОАК раёсатининг 339/6-сон ҳамда 2024 йил 28 июндаги ОАК Раёсатининг 356/5-сон қарорларига асосан юридик ва тарих, сиёсий ва фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан докторлари (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган миллий илмий нашрлар рўйхатига киритилганлигини маълум қилади.

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Бош мақсадимиз улуғ келажакни барпо этиш учун ўзбек халқи ва ёшлар – уларнинг меъморлари бўлган устозларни кадрлаш ва улуғлаш муҳим ҳисобланади. Биз бу соҳада Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари ҳамда улар тимсолида тингловчиларимизни тарбиялашдек буюк ишларни амалга оширишимиз биринчи масала бўлиб қолади.

Маълумки, 2024 йил бошида ҳокимлар, вазирлар ва давлат ташкилотлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарларига шароити оғир 4 миллион ўғил-қиз бириктирилган эди. Манзилли режа асосида ишлашимиз натижасида ҳаётда қийинчиликка дуч келган 420 минг ёшнинг муаммоси ҳал этилди, 65 мингининг бандлиги таъминланди. Алоҳида эътиборга муҳтож бир миллион ёш спорт билан шуғуллана бошлади.

Шу тарзда тарбияси оғир, оиласи “ажрим ёқаси”да ҳамда жиноятга мойиллиги бор ёшларни тўғри йўлга бошлаш ўта зарур эди.

Меҳнат ярмаркалари ташкил қилиниб, 350 минг ёшни ишга жойлаштириш чоралари кўрилди. Шунингдек, 100 минг ёшлар қурилиш ишларига жалб қилинди.

Алишер Навоий ҳазратларининг бир машҳур сатрлари бор:

**Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзингдан истагил...**

Демак, Малака ошириш институти домлалари, ходимлари дилдаги яхши ниятлари билан жон ва руҳга тафаккур бериш учун фаолият олиб боришади. Атрофимизни ёритиб, истикболни кўзлаб яшасак, бу дунёга келиб бекор яшамаётганимизнинг белгиси бўлади.

Шундай. 2024 йил ўз ниҳоясига етиб, Янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессанс, 2025 йил “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили”да тинчлик ва осойишталик ҳамда барқарор тараққиёт учун тўла куч-ғайрат ила омонлик тилаб яшайлик!

*Долзарб мавзу***ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ****Қадрли ватандошлар!**

Аввало, ушбу қутлуғ айёмда сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, бу йилги Конституция байрамининг алоҳида руҳи ва шукухи борлигини бугун барчамиз чуқур ҳис этиб, англаб турибмиз. Бу, биринчи навбатда, мазкур айёмнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётимизда катта ўзгаришлар амалга оширилаётган тарихий бир шароитда ўтаётгани билан боғлиқ, десак, тўғри бўлади.

Айниқса, шу йил 27 октябрда Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга очиқлик ва рақобат руҳида ўтган сайловлар янгиланган Асосий қонунимизни ҳаётга татбиқ этиш йўлида ғоят муҳим қадам бўлганини яна бир бор таъкидлаш лозим. Меҳнаткаш, олийжаноб ва бағрикенг халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги хоҳиш-иродаси, бирлиги ва ҳамжиҳатлиги, сиёсий маданияти яққол намоён бўлган ушбу сайловлар натижаларига кўра, юртимизда конституциявий ҳуқуқ ва ваколатлари кучайган, масъулияти бир неча карра ортган янги вакиллик тизими шаклланиб албатта барчамизни мамнун этади.

Яна бир муҳим жиҳати – ҳокимлар бир пайтнинг ўзида маҳаллий кенгашларга ҳам раҳбарлик қилиб келган амалиётдан ушбу органларга илк бор депутатлар орасидан сайланган кенгаш раиси бошчилик қиладиган янги тизимга ўтилмоқда. Бундан ташқари, ҳокимларнинг 30 дан зиёд ваколатлари маҳаллий кенгашларга ўтказилгани ижтимоий ҳаётимизда демократия, халқпарварлик тамойиллари тобора кенг ўрин олаётганидан далолат беради.

Биз “*Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир*” деган конституциявий принципга амал қилган ҳолда, парламент ва маҳаллий кенгашлар ваколатларини кенгайтириш, уларнинг фаоллигини янада ошириш, самарали фаолият кўрсатишлари учун зарур шароитларни

яратиш, бир сўз билан айтганда, уларни чинакам халқ овозига айлантиришга қаратилган ислохотларимизни қатъий давом эттирамиз.

Хурматли дўстлар!

Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича Асосий қонунимизда муҳраб кўйилган устувор тамойилларни ҳаётимизга изчил татбиқ этиш борасида юртимизда кенг кўламли чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан сўнгги йилларда иқтисодиётимиз 2 карра ўсгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 3 минг долларга етгани, камбағаллик даражаси 23 фоиздан 11 фоизга тушгани, мактабгача таълимда қамров 74 фоиздан, олий таълимда эса 39 фоиздан ошгани, ҳеч шубҳасиз, тарихий натижадир.

Ислохотларни жадал давом эттириб, янгиланган Конституциямиз нормаларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида тadbиркорликни ривожлантириш, шу асосда аҳоли даромадларини ошириш, оила ва маҳаллаларда ўзаро ҳурмат ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Шунингдек, Асосий қонунимизда Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида белгиланганидан келиб чиқиб, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, янги уй-жойлар, тиббиёт, таълим, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, йўл ва коммуникация тармоқларини модернизация қилиш, манзилли ижтимоий ҳимояни кучайтириш биринчи даражали аҳамият касб этади. Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағлар ҳажми 2 баробар кўпайтирилиб, тиббий суғурта тизимига ўтиш ва аҳолини кафолатланган тиббий хизматлар билан тўлиқ таъминлаш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Таълим соҳасидаги дастурларимиз доирасида яқин йилларда олийгоҳларда қамров 50 фоизга етказилади. Биргина 2025 йилда боғча ва мактабларни таъмирлаш ва янгиларини қуриш учун давлат бюджетидан 4 триллион сўм маблағ ажратилади.

Яна бир муҳим йўналиш – аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш учун жами 46,5 триллион сўм маблағ

сарфланиб, 1 миллион фуқарони камбағалликдан чиқариш режалаштирилмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун янада қулай шароитлар яратиш, уларнинг ижтимоийлашувини ошириш ва умуман жамиятимизда инклюзивликни таъминлаш бўйича ишлар ҳам янги босқичга кўтарилади. Пенсия тизимини ислоҳ этиш бўйича ҳам зарур чоралар кўрилади.

Маълумки, янгиланган Бош қомусимизда фуқароларнинг экология соҳасидаги ҳуқуқлари конституциявий даражада белгиланиб, давлатнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлашга қаратилган мажбуриятлари алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди.

Кириб келаётган 2025 йилни мамлакатимизда **“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили**” деб эълон қилганимиз ва бу борада катта вазифаларни аниқ белгилаб олганимиз ана шу конституциявий қоида ва принципларни амалга ошириш учун муҳим асос бўлади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз юртдошларимни, бутун халқимизни ушбу йил бўйича Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда фаол иштирок этишга чақираман.

Ҳеч қачон унутмайлик: табиатни асраш – бу инсонни, келажакни асраш демакдир. Бебаҳо бойлигимиз бўлган серҳосил далаларимиз, зилол булоқларимиз, дарё ва кўлларимиз, тоғ ва адирларимизни асраб, боғу роғлар, яшил масканларни кўпайтирсак, Ўзбекистонимиз янада гўзал диёрга айланади, авлодларга биздан озод ва обод Ватан қолади.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Конституциямиз мамлакатимизда миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, ислохотларимизнинг ортга қайтмас тус олишини таъминлашда доимо ишончли кафолат бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Шу маънода, халқимизнинг ҳуқуқий тафаккури, хоҳиш-иродасининг ёрқин тимсоли ва амалий ифодаси бўлган Асосий Қонунимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Бу ноёб қомуснинг ҳар бир моддаси ва қондасини ўрганиш, уларга ҳурмат, меҳр ва эътибор билан муносабатда бўлиб, тўлақонли ижро этиш барчамиз учун муқаддас бурч ва мезонга айланишини истардим.

Аминманки, ана шундай юксак масъулият билан астойдил меҳнат қилиб, ислохотларимиз самарасини янада оширамиз ва олдимизга қўйган улуғвор мақсадларга албатта етамиз.

Сиз, азиз юртдошларимни Конституция куни билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Ватанимизнинг обрў-эътибори, шону шуҳрати зиёда бўлсин!

Барча ютуқ ва галабаларимизнинг ижодкори бўлган халқимиз омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
(ЎЗА. 2024 йил 7 декабрь).



8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Ўзбекистонда жамият, давлатнинг эволюцион ривожланишидан келиб чиқиладиган бўлса, янги тахрирдаги Конституцияни қабул қилиш биз учун ҳаётий зарурият эди. Бинобарин, ушбу ҳужжат давлатимиз ва халқимизнинг кейинги қадамлари, тараққиёт истикболларини белгилаб берди.

Кейинги йилларда эришилган муваффақиятлар, хусусан, инсон ҳуқуқлари, одил судлов, сўз ва виждон эркинлиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ютуқлар янги тахрирдаги Конституциямизда муҳрлаб қўйилди. Бу эса уларнинг барчасидан нафақат ҳозирги, балки келажак авлодларимиз ҳам эркин фойдаланиши кафолатланди, деганидир.

Бош қонунимизда Ўзбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани қатъий белгилаб қўйилди. Шу ўринда “ижтимоий” тушунчасига алоҳида урғу беришни истардим. Бу инсонга эътибор ва ғамхўрлик дегани. Янги тахрирдаги Конституцияда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар 3 баробар кўпайтирилди. Ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш, муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш каби ҳуқуқлари шулар жумласидандир.

Янгиланган Конституцияга кўра, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга номувофиқ ҳолда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у қўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади.

Республикамизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадларидан бири. Янгиланган Конституцияда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баробардан ортиқча кўпайди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларимиз, ҳар бир вазирлик ва идора фаолиятининг мазмунига айланиши борасида қатъий талаб қўйилди. Бу эса давлат органлари ва мансабдор шахслар ўз фаолиятини “инсон қадри учун”

тамойили асосида амалга оширишига асос бўлади. Давлат ва инсон ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликдаги ноаниқликлар, турли тушунмовчиликлар инсон фойдасига ҳал этилади.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда Конституцияга мувофиқ таъминланади. Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак. Қонунчиликда белгиланмаган мажбурият ҳеч кимнинг зиммасига ўз розилигисиз юклатилиши мумкин эмас. Бош қонунимизда акс этган ушбу нормалар оддий одамларнинг ҳаётини янада енгиллаштиради.

Бош қонунимиз юртимиз фуқароси Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилмаслигини ёки бошқа давлатларга берилмаслигини кафолатлайди. Бу ҳамюртларимизнинг доимий равишда давлат ҳимоясида эканига ишончини мустаҳкамлаб, ватанпарварлик туйғусини жўш урдиради. Шунингдек, хорижда яшаётган ватандошларимиз билан алоқаларимизни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларига ҳам давлат ғамхўрлик қилиши белгиланди. Ушбу норма чет элларда яшаётган, ишлаётган, таълим олаётган ватандошларимиз ўз юрти билан доимий алоқада бўлишига, тили, маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини сақлаб, янада ривожлантиришга, тарихий ватан – Ўзбекистоннинг обрўсини янада оширишга ҳиссасини қўшишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда ўлим жазосининг таъқиқланиши Конституция даражасида мустаҳкамланди. Бу инсонни ҳаётдан ҳатто давлат ҳам маҳрум этишга ҳақли эмаслигини кафолатлайди.

Шахсни суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб туриш мумкин эмас. Ушбу қоида инсонларни ноқонуний ҳибсга ёки асоссиз қамоққа олишга ва сақлашга йўл қўйилмасликка қаратилган. Шу тариқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ барча ҳаракатларга фақат суд қарори асосида йўл қўйилиши мустаҳкамланди. Яъни одил судловни амалга оширишда “Хабеас корпус” ва “Миранда қоидаси” институтлари янада кенгайтирилди, илк бор айбланувчи ва

судланувчиларга ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни “сукут сақлаш” ҳуқуқи берилди.

Унда ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда таъқиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақлилиги белгиланди. Ушбу қонданинг мазмун-моҳияти шундаки, фуқаролар ўз бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини, ўзгалар ҳуқуқларини бузмаган ҳолда, мустақил ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Ягона шарт фуқаролар томонидан ўзини ҳимоя қилишда қўлланиладиган усуллар ёки чораларнинг қонунчилик ҳужжатларида таъқиқланмаган бўлишидир.

Энди ҳар ким Ўзбекистон қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча мавжуд ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, мурожаат этишга ҳақли. Агар халқаро шартномада Ўзбекистон қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистонда халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши мустаҳкамланди. Мазкур қоида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси нафақат миллий қонунчиликда белгиланган нормалар, балки халқаро ҳуқуқ асосида ҳимояланишини таъминлайди. Давлат органлари ёки мансабдорлар томонидан шахсларга нисбатан ғайриқонуний қарор ёки хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олади, шахсларга етказилган зарар ўз вақтида ва тўлиқ қоплаб берилишини кўзда тутди.

Бундан буён шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда ўз ҳуқуқлари ва ушлаб турилиш асослари тушунтирилиши шарт. Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тутаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилинади. Мазкур норма тергов ва суд жараёнида фақат ишончли ва қонуний далиллардан фойдаланишни таъминлайди, натижада шахсни асоссиз равишда жавобгарликка тортилишдан ҳимоя қилади.

Бош қонунимизда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги мустаҳкамланди. Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги белгиланди. Бу жиной таъқиб остидаги ҳар қандай шахсга ёки

унинг яқин қариндошларига рухий босим ва турли таҳдидлар ўтказиш, унинг шаъни ва кадр-қимматини камситиш каби бошқа ноқонуний усуллар қўлланилишининг олдини олишга қаратилган олий ҳуқуқий нормадир.

Озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамланди. Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Энди ҳар бир шахснинг мамлакатимиз бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини эркин танлаш, юртимиздан ташқарига чиқиш ҳамда Ўзбекистон фуқароларининг ўз ватанига монеликсиз қайтиш ҳуқуқлари Бош қонунимиз даражасида мустаҳкамланди. Ушбу қоидаларнинг барчаси Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларнинг бузилиши ҳолатларига барвақт барҳам беришга хизмат қилади.

Конституцияга адвокатура институтига бағишланган ва адвокатлар фаолияти кафолатларини мустаҳкамловчи алоҳида боб киритилди. Адвокат ва унинг касбий фаолияти давлат ҳимоясида экани, адвокатнинг касбга оид ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қиммати қонун билан қўриқланиши мустаҳкамланди.

Янгиланган Конституция “шахс – жамият – давлат” тамойилига амал қилган ҳолда демократия, қонун устуворлиги, инсонпарварлик, адолат, ватанпарварлик каби миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштиради. Айниқса, қонунийлик, тенглик каби конституциявий принципларни таъминлаб беради.

Бу эса ҳар бир инсон учун Ўзбекистонда муносиб ҳаёт кечириш, ўзининг ҳаёти, соғлиғи каби бебаҳо неъматларини ишончли ҳимоя қилиш, баркамол ривожланиш орқали жамиятимизнинг муҳим аъзоси сифатида шаклланиш учун мустаҳкам замин яратилганидан далолат беради.

Пўлат БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири,
генерал-лейтенант
(“Янги Ўзбекистон”. 2024 йил 4 декабрь).

Олимжон АХМЕДОВ,
*Малака ошириш институти бошлиги,
техника фанлари номзоди, доцент, полковник*

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ

Ўзининг меҳнатсеварлиги, ҳаёт машаққатларига чидамлилиги ва мустаҳкам иродаси билан, шунингдек, дунёқарашимиз ва қадриятларимиз ўхшаш бўлгани туфайли корейслар бу заминда ўзларининг иккинчи Ватанига эга бўлди. Улар Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли ва ҳурматли фуқароларига, кўпмиллатли халқимизнинг ажралмас қисмига айланди. Биз уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшган ҳиссасини юксак баҳолаймиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон ҳукумати сўнгги 8 йилда халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича ички ишлар тизимида олиб борилаётган лойиҳалар ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Ҳукуматлари ўртасида 2014 йилнинг 17 июнида имзоланган “Беғараз ёрдам тўғрисида”ги битимга асосан олиб борилаётган ишлар жадал ривожланди.

Дарвоқе, ушбу битимнинг 3-моддаси 1-бандида Корея томони тегишли дастурлар доирасида мамлакатимизга замонавий асбоб-ускуналар, техника ва материаллар тақдим этиши ҳамда бундай дастурларни амалга ошириш учун зарур бўлган объектларни қуриш билан боғлиқ беғараз ёрдам кўрсатиши белгиланган эди.

2023 йилнинг 12 декабрида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги ўртасида ИИВ Малака ошириш институтида ички ишлар органлари ходимларини замонавий тайёрлашнинг технологиялари асосида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш имконини берадиган *салоҳиятни ошириш лойиҳасига кўра “симуляциялашган ўқув маркази”*ни ташкил этиш бўйича музокаралар баёни Ички ишлар вазири ва Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси ўртасида имзоланди.

Музокаралар баёнига мувофиқ, Корея томони Симуляциялашган ўқув марказини лойиҳалаш, уни амалга ошириш учун зарур техника, ускуна ва хомашёларни етказиб бериш, тегишли жиҳозларни йиғиш ҳамда ўрнатиш, корейлик мутахассисларни Ўзбекистонга юбориш билан боғлиқ мажбуриятларни ўз зиммасига олган. Ҳужжатга кўра, Ўзбек томонига лойиҳалаштириш учун зарурий маълумот ва жиҳозлар билан таъминлаш, Корея томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалаштириш режасини тасдиқлаш, уни амалга ошириш учун Ўзбекистонга олиб кириладиган техника, ускуна ва материалларни божхона тўлов ва йиғимлари ҳамда солиқлардан озод қилиш, корейлик мутахассисларнинг юртимизга ташрифи билан боғлиқ визаларни консуллик йиғимларисиз расмийлаштириш мажбуриятлари юкланган.

Музокаралар баёнига кўра, тасдиқланган 7 та бўлимдан иборат техник топшириқ бўлиб, лойиҳанинг мақсади, муддати ва жадвали, қиймати ҳамда уни амалга ошириш механизмлари белгиланган. “*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институтида Симуляциялашган ўқув марказини яратиш*” борасида беғараз грант лойиҳасини амалга ошириш **2023-2027 йилларга мўлжалланган** бўлиб, унинг **умумий қиймати 6 млн. АҚШ доллари**ни ташкил этади. Ушбу грант лойиҳаси доирасида ИИВ Малака ошириш институтида мавжуд бино капитал таъмирдан чиқарилиб, суд тиббиёт эксперткриминалистика лабораторияси, жиноят содир этилган воқеа жойлари симуляциялари, тергов ўтказиш амалий интерактив хоналари, экстремал шароитларда махсус автомобилларни бошқарув симулятори, “*102 – 112 - маълумотларни қабул қилиш*” ситуацион хонаси, ўқитишнинг энг замонавий ахборот коммуникация технологияларига эга презентациялар зали, виртуал симуляция ва моделлаштириш лабораториялари Корея технологияси асосида жиҳозланади.

Айтиш жоизки, лойиҳа доирасида Корея Миллий полиция агентлиги мутахассисларидан иборат делегация мамлакатимизда жорий йилнинг февраль ойида дастлабки тадқиқотлар ўтказди, натижаларга кўра, амалга ошириладиган барча ишлар юзасидан бош режа тузилди. Симуляциялашган ўқув маркази жойлашадиган бинони реконструкция қилиш бўйича Корея мутахассислари ўзбекистонлик архитекторлар билан

ҳамкорликда лойиҳанинг дастлабки чизмаларини ишлаб чиқишди. Корея томонидан таъминладиган жиҳозлар, уларни ўрнатиш бўйича бино ва хоналарнинг дизайни, ҳаракатланувчи симуляторлар учун дастурлар ишлаб чиқиш, ускуна ва жиҳозлар тафсилотлари, миқдорлари ва техник хусусиятлари, коммуникация тизимига оид техник маълумотлар тайёрланди. Шунингдек, корейлик мутахассислар томонидан вазирлик Малака ошириш институтида инструктор-ўқитувчиларни тайёрлаш мақсадида ўтказиладиган машғулотлар режаси, Корея марказий полиция академиясида Институт профессор-ўқитувчиларини тайёрлаш ўқув курсларини ташкил этиш, юқори бўғин офицерлари учун тажриба алмашиш дастури ишлаб чиқилди. Шунга кўра, жорий йил давомида Малака ошириш институтининг йигирмадан ортиқ профессор-ўқитувчилари Корея марказий полиция академиясида тренинг-ўқув машғулотларида иштирок қилди, тренинг-ўқувлари давомида Институт профессор-ўқитувчилари Кореяда жиноятчиликка қарши курашишда полиция ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими, *“102 – 112 маълумотларни қабул қилиш”* тизимига хабар келиб тушганда, полиция ходимларининг дастлабки ҳаракатлари, улар томонидан жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш тартиби, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, суд-тиббий экспертизаси тизими ҳамда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларни очиш, олдини олиш борасида илғор тажрибалар билан танишишди.

2024 йилнинг 2 октябрь куни лойиҳанинг асосий қисмларидан бўлган Малака ошириш институтида Симуляциялашган ўқув марказининг қурилишига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Қурбанов Зуфар Камилевич ҳамда Корея халқаро ҳамкорлик агентлигининг (KOICA) Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Шин Мюнг Сеоп томонидан тамал тоши қўйилди.

Жорий йилнинг 18-23 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Хавфсизлик кенгаши котибиятининг топшириқларига мувофиқ, Президент Администрацияси ва Ички ишлар вазирлиги масъул ходимларидан иборат делегация Корея Республикасига ташриф буюрди. Ташрифдан кўзланган мақсад: Кореяда жиноятчиликнинг

олдини олиш, уларга қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида полиция хизмати тажрибаси, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ўрганиш ҳамда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш назарда тутилди. Делегация Сеул шаҳрига ташриф буюрди ва Корея халқининг маданий-тарихий мероси билан танишиш доирасида Кёнбок саройи, Анъанавий санъат кўчаси ҳамда Намсан ва Мёндон объектларида фуқаролар, шу жумладан, сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш борасида полиция хизматлари фаолияти билан танишди. Жумладан, делегация Сеул шаҳри полициясининг 112 тизими, жамоат хавфсизлигини бошқариш, йўл ҳаракатини назорат қилиш ва Эксперт криминалистика марказлари фаолиятини ўрганди.

Марказ Сеул шаҳрининг жамоат жойлари ва автомобиль йўлларида ўрнатилган видеокамералар ёрдамида олинган маълумотларни кузатиб бориш ва таҳлил қилиш орқали жамоат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиб боради. Марказнинг аппарат дастурий комплекси Сеул шаҳри маҳаллий ҳокимият органлари, ёнгин хавфсизлиги, транспорт бошқаруви, соҳил бўйи хавфсизлик хизмати ва бошқа давлат идораларида мавжуд вазиятларни бошқариш марказлари билан фаол интеграция қилинганлиги ҳисобига қидирувдаги ва гумон қилинаётган шахслар, транспорт воситаларининг давлат рақами белгилари, фуқароларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари, таъқиқланган ҳудудларга кириш ҳолатлари, йўл-транспорт ҳодисалари, ёнгин хавфсизлиги ва бошқа фавқулодда вазиятларни зудлик билан аниқлаш имкониятига эгаллиги айни муддаодир. Ушбу ҳолатлар аниқланиши биланок тегишли йўриқномада белгиланган тартибда, заруриятга кўра бошқа идоралар билан ҳамкорликда кечиктириб бўлмас чора-тадбирларни ташкил этади.

Марказда полиция ходимлари икки сменалик иш тартибида, ҳар бири 44 нафар ходимдан иборат 4 та гуруҳ навбати билан хизмат олиб боради. Ҳар бир гуруҳга бош инспектор раҳбарлик қилади.

Марказнинг “112” мурожаатларни қабул қилиш ягона платформаси аҳолидан кунига 11 мингдан ортиқ ҳодиса ва жиноятларга оид хабарларни телефон кўнғироқлари, СМС, жамоат жойлари ва инфратузилма объектларига ўрнатилган “SOS” тугмалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали қабул қилади, ўртача ҳисобда хабарларнинг 83 % телефон

қўнғироқлари, 8 % СМС, 9 % бошқа манбалардан олинади. Келиб тушган хабарларнинг деярли ярми текширув ўтказиш учун полиция кучларининг воқеа жойига етиб боришини талаб қилади. Статистик маълумотларга кўра, энг кўп мурожаатлар йилнинг ёз фасли ойларига тўғри келади. 2015 йилда 112 тизими **пиллинг** (*қўнғироқ қаердан бажарилганлигини аниқлаш тизими*) хизматига уланган. Ҳозирги кунда мурожаатчи 112 хизматига қўнғироқ қилиши билан унинг турган аниқ жойи геоинформацион харитада операторга маълум бўлади. Бу эса фуқарога энг қисқа муддатда ёрдам кўрсатиш учун полиция куч ҳамда воситаларини тегишли манзилга тезкорлик билан юбориш имкониятини бермоқда. 112 тизими доирасида полиция куч ва воситаларини тақсимлаш ва бошқариш тўлиқ рақамлаштирилган бўлиб, уларнинг барчаси тизимга уланган. Марказга келиб тушган хабар ҳақидаги маълумотлар ходимларнинг планшет қурилмасига ёки хизмат автомашинасидаги борт компьютерига юборилади.

Йўл ҳаракатини назорат қилиш маркази мамлакатда йўл ҳаракати хавфсизлигига оид маълумотларни жамлаш, таҳлил қилиш ва тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда бошқа ваколатли идоралар, ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этиш фаолиятини амалга оширади. Марказга дастлабки ускуналар 1971 йилда ўрнатилган бўлиб, 2015 йилда рақамли коммуникация тизими доирасида замон талабларига мос равишда янгиланган.

Марказнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Йўл ҳаракати хавфсизлигига оид маълумотларни бошқариш. Марказ автомобиль йўлларига ўрнатилган кузатув видеокамералари, сенсорлар ва GPS тизимлари каби қурилмалар орқали йўлларда транспорт воситалари оқими ҳақидаги маълумотларни тўплайди, умумлаштиради ва таҳлил қилади.

Йўл ҳаракати назорати ва бошқаруви. Марказ маҳаллий транспорт органлари билан ҳамкорликда светофор ва бошқа йўлларни бошқариш жиҳозлари созлиги ҳамда йўл белгиларининг белгиланган талабларга жавоб беришини назорат қилиш ва таъминлаш ҳамда йўл қурилиш-таъмирлаш ишларини режалаштириш ва бажариш жадвалларини мувофиқлаштириш, оптималлаштириш ва тирбандликни камайтириш чораларини кўради. Хавфсиз транспорт муҳитини яратиш учун йўл

ҳаракати назорати камералари орқали йўл ҳаракати ҳолатини текширади ва рақамли тизимлардан фойдаланган ҳолда транспорт бошқарувини амалга оширади.

Фавқулодда вазиятларни бошқариш. Фавқулодда вазиятлар ёки йирик йўл транспорт ҳодисалари вақтида фавқулодда хизматлар билан биргаликда кечиктириб бўлмас чора-тадбирларни ташкил этади, зарарланган транспорт воситаларининг воқеа жойидан тезлик билан олиб кетилиши ва транспорт ҳаракатини тиклаш чораларини кўради.

Ахборот тақдим этиш хизмати. Марказ телевидение ва радио каналлар, веб-сайтлар, мобиль иловалар ва йўл бўйига ўрнатилган дисплей экранлари орқали реал вақт режимида ҳайдовчилар учун тирбандликлар, йўллардаги вазиятни акс эттирувчи хариталар, йўлларнинг ҳолати, бахтсиз ҳодисалар, муқобил йўналишлар, ҳаракатланиш учун мақбул вақт кабилар ҳақидаги ахборотларни доимий равишда тақдим этиб боради.

Марказ сутка давомида доимий фаолият кўрсатиб, 4 сменали иш тартиби ўрнатилган. Ҳар бир сменада 5 нафар ходим (*4 та оператор 1 та раҳбар*) хизмат олиб боради. Йўлларда тирбандликлар ва уларни келтириб чиқарувчи омиллар аниқлангач, Марказ ходимлари томонидан геоинформацион харита орқали воқеа жойига энг яқин йўл-патруль экипажи аниқланиб, хабардор қилинади ҳамда тегишли кўрсатмалар берилади.

Йирик оммавий тадбирлар давомида фавқулодда ҳолат юз берганда Президент, Бош вазир, расмий хорижий делегация аъзоларининг йўлларда тез ва хавфсиз ҳаракатланиши учун транспортлар ҳаракати Марказ томонидан масофадан туриб, ўта қатъий тартибга солинади. Шунингдек, жабрланувчи ёки ҳимояга муҳтож фуқароларга полиция томонидан беғараз бериладиган “*ақлли соат*”лар ва уларни қўллаш орқали эришилаётган ижобий натижалар билан таништирилади. Корея полициясида сўнгги йилларда жорий этилган робототехникалар, шаҳарлардаги кузатув камераларининг видеотасвирларни таҳлил қилиш ҳамда прогнозлаш дастури презентация қилинади.

Замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда йўлларда хавфсизликни таъминлаш, чорраҳаларни тартибга солиш юзасидан эришилган ютуқлар билан таништирилади. Илмий

криминалистика соҳасида амалга оширилаётган янги тадқиқотлар кўрсатиб берилади.

Корея Миллий полицияси агентлигига (КМПА) ташриф давомида Халқаро ҳамкорлик бюроси бош директори Ли Жун Хеонг ва Халқаро ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи Кан Хи Гин билан бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ва Корея Миллий полиция агентлиги ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг ҳозирги кундаги ҳолати ва истиқболдаги вазифалари хусусида батафсил фикр алмашинди.

Маълумот учун: КМПА 19 та бюро ва 55 та бўлимдан иборат. Шунингдек, 18 та вилоят ва шаҳарлар, 259 та ҳудудий станциялар ва 626 та участка ҳамда 1417 та полиция пунктларида фаолият олиб боради.

Делегация Корея Марказий полиция академиясига ташриф буюрди, Академия президенти вазифасини вақтинча бажарувчи, генерал Санг Гил Канг жаноблари ва масъул ходимлар билан учрашув бўлиб ўтди. Корея марказий полиция академияси 1987 йил 18 сентябрь куни Чунгжу шаҳрида ташкил этилган. Академия номзодларни полиция бўлинмалари учун бошланғич профессионал тайёргарликдан ўтказувчи ягона таълим муассасаси ҳисобланади. Ўқиш муддати 9 ой (34 ҳафта) бўлиб, ҳар бир ўқув йиғинида 2200 нафар ўқувчи, 19 та модул бўйича малакали профессор-ўқитувчилар томонидан назарий, мустақил таълим ва амалий шаклда жами 1 270 соатга мўлжалланган ўқув дастури асосида ўқитилади. Академияда 129 нафар илмий ходимлар ва 164 нафар (шундан, 79 нафари полиция ходими) фаолият олиб боради.

Учрашув давомида делегация аъзолари Академия фаолияти, ўқув жараёни, тингловчилар ошхонаси ва ётоқхонаси, жанговар тир ва автодромлар ҳамда тингловчиларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар. Шунингдек, Академиянинг махсус жисмоний тайёргарлик марказида курсантларнинг тайёргарлик жараёнлари амалий жиҳатдан намоиш этилди. Турли хил фавқулодда вазиятларда тўғри ва тезкор ҳаракат қилиш, қонуний ва тўғри қарор қабул қилиш бўйича амалий машғулотлар Ситуацион полигонидида олиб борилди.

Делегациянинг навбатдаги ташрифи Корея Миллий полиция университети, Корея полиция кадрларини ривожлантириш институти ҳамда Полиция тергов академиясида бўлди. Ушбу ўқув юртлирида

курсантларнинг ўқ олиш тайёргарлиги бўйича қўлланилаётган методикаси билан таништирилди. Делегация аъзолари томонидан ўқ олиш тайёргарлигини амалга ошириш Симуляция марказида жорий этилган методика амалий синаб кўрилди. Учувчисиз қурилмаларнинг энг замонавийлари устида олиб борилаётган тадқиқотлар намоёниши этилди. Мутахассислар томонидан яратилган дронлар ўзининг тезкорлиги, 1 км. масофадан бошқарилиши, олинган маълумотларнинг юқори даражада сифатли узатилиши, шамол каби турли қаршиликларга чидамлилиги ва энг муҳими энергия манбаи тугаши олдида ўзи учган дислокация жойига аниқ етиб келиши каби афзалликлари бизда катта таасурот қолдирди.

Корея Миллий полиция тизими таълим жараёнида жорий этилаётган янги виртуал технологиялари, эксперт криминалистика соҳасида ўта мураккаб ҳолатларда бармоқ изларини олиш бўйича янги дастури бизга маъқул бўлди. Глобал ривожланаётган кибержиноятларга қарши курашиш, жиноятларнинг олдини олиш ва очиш бўйича Тергов академиясида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, Суд экспертизаси марказлари фаолиятлари билан амалий равишда таништириб ўтилди.

Делегация аъзоларимиз Корея Миллий полиция музейига ташриф буюришди. Муҳим жиҳатлардан бири ёш авлодни болаликдан полиция хизмати фаолияти билан яқиндан таништириш орқали уларни полицияга меҳр қўйиши ҳамда Ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги делегация аъзоларининг диққатини ўзига тортди (*Корея томонининг маълумотига кўра, ҳар жума кунлари музейга мактабгача таълим тарбияланувчилари ҳам ташриф буюради*). Шунингдек, ташриф давомида Корея Республикаси Миллий суд экспертизаси хизматининг Теджондаги бўлими директори, Миллий суд экспертизаси хизмати президенти, Теджон университети президенти, Миллий суд экспертизаси хизмати қошидаги Суд экспертизаси ва тиббиёт институти директори лавозимларида фаолият кўрсатаётган профессор Со Жунгсок билан учрашув давомида Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) лойиҳалари доирасида Ўзбекистонда энг янги талабларга жавоб берадиган суд-тиббиёт экспертиза марказини барпо этиш ва мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим тизимини йўлга қўйиш масалаларида фикр алмашилди. Очиғини

айтиш керак, истиқболда Корея Миллий полиция агентлиги тасарруфидаги таълим муассасаларида мутахассис кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим тизими ҳамда илмий-тадқиқотлар ўтказиш, томонлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш бўйича ҳамкорликни самарали йўлга қўйиш мақсадида:

• *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти ҳамда Корея Миллий полиция университети, Полиция тергов академияси ва Раҳбар кадрларни тайёрлаш институти билан ҳамкорликни ўрнатиш;*

• *Кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таълим технологиялари ҳамда мамлакат ички ишлар органлари ҳамда Корея полиция тизимида илмий-тадқиқотлар ўтказилиши, томонлар ўртасида ўзаро тажриба алмашишга қаратилган самарали чоралар кўриш ва ўрнатилган тартиб ҳамда қоидаларга амал қилган ҳолда Меморандум лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва таклиф киритиш;*

• *Корея полиция ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида турли хил вазиятларда ижтимоий ҳимояга муҳтож, хусусан гунг, кар-соқов фуқаролар билан полиция ходимларининг мулоқотга киришиш методикасини ўргатиш бўйича таълим дастури асосида Малака ошириш институтида ҳам ўқув курсларини ташкил этиш таклиф этилди.*

Фахр ва ғурур билан таъкидлаш керак: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарорига асосан 3-иловадаги Ички ишлар органларида кадрлар салоҳияти даражасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар «Йўл харитаси»нинг 16-бандида: Халқаро полиция тизимида рақобатбардош кадрларни танлаш, хизматга қабул қилиш, тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида илғор хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда ички ишлар органларида кадрлар билан таъминлаш соҳасини такомиллаштириб бориш ҳамда қуйидаги йўналишларда илғор тажрибаларни ўрганиш учун хорижий давлатларга амалий ташрифларни ташкил этиш;

кадрларни танлашда Германия, Франция ва Корея Республикалари ҳамда уларни тайёрлашда Япония ва Туркия Республикасига хизмат сафарларини амалга ошириш орқали улар тажрибасини ўрганиш;

ўрганишлар натижаси ўлароқ илғор тажрибаларни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимида жорий этиш чораларини кўриш тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-122-сон қарори 2-иловасига кўра, ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 21-банди: Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти ўқув жараёнига хорижий етакчи таълим муассасаларининг замонавий криминалистик экспертиза соҳасидаги малакали педагоглари ва мутахассисларини шартнома асосида жалб этган ҳолда ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмаларининг барча ходимларини қисқа муддатли малака ошириш курсларида ўқитишни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 майдаги ИИВ Ситуацион-таҳлилий маркази фаолияти билан танишиш жараёнида берилган топшириқларга кўра, эксперт-криминалистика соҳасидаги мутахассисларни тайёрлайдиган профессор-ўқитувчиларни замонавий экспертиза турлари бўйича етакчи хорижий муассасаларда малакасини ошириш;

Стратегик истиқболга назар ташласак, КМПА 2050 йилгача ривожланиш дастурини ўрганиб чиққан ҳолда, мазкур йўналишда илмий ҳамкорликни йўлга қўйишда Вазирлик Криминология тадқиқотлар институти КМПАнинг тегишли таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши;

Корея Марказий полиция академиясида жорий этилган VR технологияларни КОИКА лойиҳаси доирасида Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтида барпо этилаётган “Симуляциялашган марказ”га ўрнатиш, VR тажриба ўтказиш симуляция лабораториясини яратиш ва таълим жараёнига татбиқ этиш;

Ўзбекистон ҳарбий таълим тизимида сунъий интеллект ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда мазкур соҳа бўйича ўқитиш ишларини самарали равишда ташкил этиш мақсадида Корея Республикаси Куюнгпук Миллий университетининг “Ахборот технологиялари” кафедраси филиалини ташкил этиш ҳамда юқори илмий-педагогик маҳоратга эга бўлган профессор-ўқитувчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш;

2025-2026 йилларда Малака ошириш институтида *“Полиция органларида профессионал ходимлар негизини яратишда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг устувор йўналишлари: муаммо ва ечимлар”* мавзусида ҳамкор давлатларнинг турдош таълим муассасалари иштирокида юқори савиядаги халқаро конференция ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида Корея тажрибаси асосида суд-тиббиёт экспертиза марказини барпо этиш ва соҳа мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим тизимини йўлга қўйиш учун Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) маблағларини жалб этиш юзасидан лойиҳа ишлаб чиқиш, келишиш ва таклиф киритиш ўта муҳим ҳисобланади.

Шундай қилиб, икки қардош мамлакатлар ўртасида ички ишлар соҳаси учун мутахассис кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳозирги даврнинг долзарб муаммоси бўлиб, Ўзбекистон – Корея давлатларининг ўзаро дўстлик ришталарини ўта муҳим ва метиндек мустаҳкам негизга асосланган ҳолда миллий ривожланиши давом этаверади. *Зеро, жаҳон ҳамжамиятида халқлар, давлатлар дўстлиги, ҳамкорлиги ҳамда режалаштирилган шерикликка таянган ва суянган ҳолда тараққий этиши бугуннинг талабидир,* деганларида муҳтарам Президентимиз минг бор ҳақ эдилар.

Замонлар ўтади, ойлар, йиллар ўтаверади, халқлар дўстлиги ва ўзаро халқаро муносабатлари абадий, боқий бўлишига ишонамиз!

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада икки қардош Ўзбекистон Кореянинг ҳарбий таълим муносабатлари ўз ифодасини топган ҳамда истиқболлари таҳлил этилган.

В данной статье нашли свое отражение и определены перспективы двух братских узбекско-корейских отношений военного образования.

This article reflects the military education relations between the two brotherly nations, Uzbekistan and Korea, and outlines their prospects.

Илмий мақолалар

Анвар АХМЕДОВ,
ИИБ Академияси мустақил изланувчиси

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА РАЎБАТЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Мамлакатимизда давлат органлари тизимини такомиллаштириш, уларнинг куйи бўғинларини аҳолига янада яқинлаштирган ҳолда мустаҳкамлаш, барча даражадаги тузилмаларнинг вазифалари ва функцияларини аниқ белгилаш, замонавий хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда куч ва воситаларни оқилона тақсимлашга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар мамлакатимизда давлат органларининг ролини ошириш, уларни ҳар бир ходим томонидан ўз хизмат бурчи – *“Халқ манфаатларига хизмат қилиш”*ни сўзсиз бажарадиган ижтимоий йўналтирилган халқчил тузилмага айлантириш имконини берди.

Давлат бошқарув органлари фаолиятини самарали ташкил этиш, уларни халқчил тузилмага айлантириш, ходимларнинг меҳнат фаолиятини тизимли ташкил этиш ҳамда меҳнат натижадорлигини оширишда раўбатлантириш усулларида кенг фойдаланиш масаласи муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Давлат бошқарувида қўлланиладиган бошқарув усуллари, шу жумладан раўбатлантириш усуллари таҳлил қилинганида, улар чуқур илмий ва назарий асосларга эга эканлиги маълум бўлди. Профессор О.Мухаммаджонов: *“давлат бошқаруви усуллари – давлат томонидан бошқарув соҳасидаги вазифаларни ҳал қилиш усуллари”*, дея таърифлаб, бошқарув сифатини яхшилаш, унинг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан бошқарув усуллариини такомиллаштиришга боғлиқ, деган фикрни билдирган. Шунингдек, давлат ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш йўлида ҳамда вазифа ва функцияларни бажариш учун турли хил усуллардан фойдаланишини, улар орасида кенг тарқалгани маъмурий

усуллар бўлиб, улар ишонтириш ва мажбурлаш усуллари эканлигини баён этган [1].

Ғарб менежментининг бугунги замонавий назарияси бошқариш функцияларини таснифлашда, энг аввало унинг асосий (умумий) функцияларига устуворлик беради, булар қуйидагилар:

режалаштириш;

ташқил қилиш;

тартибга солиш;

мувофиқлаштириш;

назорат;

рағбатлантириш, яъни мотивлаш ёки мотивация бериш [2].

Бундан кўринадики, давлат бошқарувида ишни самарали ташқил этиш ҳамда натижага йўналтирилган бошқарувни ташқил этишда рағбатлантириш усуллари муҳим ўринни эгаллайди. Шу сабабли бошқарувни амалга оширишда улардан фойдаланиш ўзининг ижобий натижаларини бериши табиий.

Ҳозирги кунда олимлар, тадқиқотчилар томонидан бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари кенг ўрганилмоқда. Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари – бу ишлаб чиқарувчи ва айрим шахсларга уларнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва психологик хусусиятларига таъсир этиш билан бошқариш воситасидир. Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари қўллаш корхонада юз бераётган ижтимоий ҳодисаларни чуқур ўрганиш ходимлар нерв системаси кайфиятига таъсир этувчи психологик (руҳий) омилларни билишни талаб этади [4].

Ишонтириш усулини рағбатлантириш усули сифатида руҳий ундаш усуллари мазмунига киритиш мумкин. Чунки, ушбу усул одамларнинг онги ва иродасига таъсир кўрсатишнинг универсал усули бўлиб, ижтимоий бошқарувда муҳим ўрин тутди.

Бошқарув фаолиятида ишонтириш ва мажбурлаш турли шаклларда намоён бўлади, бу эса ижтимоий бошқарув усуллари аниқроқ турларини ажратишга имкон беради.

Ишонтириш усули раҳбарлар фаолиятининг энг асосий усулларида бири ҳисобланиб, бунда ижрочиларнинг талаб даражасидаги иш

(хизмат) фаолиятини таъминлашга ундовчи турли усуллар комплекси қўлланади.

Ишонтириш усули тарбия ва тушунтириш, намунали хулқни рағбатлантириш ва ижобий намуналарни кўрсатиш фаолиятнинг турли шаклларида амалга оширилади. Бундан ташқари, ишонтириш огоҳлантириш – олдини оловчи ҳаракатлар, маълум қилиш, тарғибот-ташвиқот, ундаш ва шу каби шаклларда ҳам амалга оширилади.

Ишонтириш усули ижрочиларда иш (хизмат) фаолиятининг керакли меъёрларини мустаҳкамлашга, ўзларининг ҳаракатларини давлат органлари (ташкилий тузилмалар) манфаатлари билан уйғунлаштиришга хизмат қилади. Ишонтиришнинг асосий турлари (чоралари) қуйидагилардир: тушунтириш, муҳокама қилиш, тарғиб қилиш, огоҳлантириш, ижобий тажрибани (намуналарни) кўрсатиш, ахборот тарқатиш, рағбатлантириш.

Ижтимоий ундаш усуллари ижрочиларнинг шахсий манфаатларига мос ҳолда у ёки бу ҳаракатларни танлаш имконияти берилган ижрочиларнинг шахсиятига билвосита таъсир кўрсатиш усуллари ҳисобланади, яъни ижрочиларнинг қизиқишлари ёки манфаатлари ташкилий тузилманинг умумий мақсадига қўшиб қўйилади.

Таъкидлаш жоизки, ижрочилар фаолиятини ҳар қандай вазият ҳам фаоллаштирмайди, балки ижрочиларнинг ўз фаолиятларига нисбатан ижобий ички туйғусини кўзғатадиган вазиятларгина бу фаолиятни фаоллаштириши мумкин. Шу боисдан раҳбарлар шундай шароитлар яратишлари керакки, ижрочилар раҳбарларнинг мақсадларига мос келадиган ҳаракатларни ўзлари танлаб олсин. Бошқача айтганда, рағбатлантириш раҳбарлар томонидан ижрочиларга хизмат ҳаракатларининг у ёки бу вариантларини шахсан танлашлари учун керакли ҳолат (вазият)ларни яратишдан иборат.

Ушбу усулларни қўллашда раҳбарлар иш фаолиятида шундай шароитлар яратишлари лозимки, ижрочилар ўзларининг иш фаолиятларидаги ижобий ютуқлари учун ёки бўлмаса фаолиятидаги камчиликлар учун турлича моддий ва маънавий рағбатлар орқали мос ҳолда рағбатлантирилиши ёки жазоланиши керак.

Давлат органлари ташкилий тузилмаларининг раҳбарлари моддий рағбатлантириш сифатида хизмат фаолиятида юқори натижаларга эришганлик, мажбуриятларини намунали тарзда бажарганлик, бенуқсон хизмат қилганлик ҳамда тизимни ривожлантириш ва такомиллаштиришга катта ҳисса қўшганлик, ўз бурчини бажариш чоғида мардлик ва жасорат кўрсатганлик, шунингдек бошқа алоҳида хизматлари учун ходимларнинг лавозимига мос пул мукофотлари, самарали олиб борилган муайян иш стажи учун қўшимча ҳақлар (ойлик маошига), турли устама ҳақлар тўлаш каби усуллардан, маънавий рағбатлантириш сифатида миннатдорчилик ва ташаккурномалар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан таъсис этиладиган фарқловчи идоравий белгилар билан тақдирланишга тақдим этилиши мумкин.

Президентимиз Ш.Мирзиёев *«ўсиб келаётган авлодни бузғунчи гоялардан ҳимоя қилишга, ёшларнинг жиноий фаолиятга, авваламбор, терроризм ва диний экстремизмга жалб этилишининг олдини олишга етарлича эътибор қаратилмаяпти, ички ишлар органларининг тарбиявий ўрни сезилмаяпти»* деб айтган эди [3].

Ходимларнинг юксак маънавиятли ва баркамол шахс сифатида шаклланиши, Ватанга муҳаббат ҳамда ижобий ахлоқий фазилатлари, интизом ва қонунчиликка қатъий риоя қилиш, огоҳлик ва сергаклик, хизмат бурчига онгли ва виждонан ёндашиш, мустақил фикрлаш, фуқароларга нисбатан ҳурмат билан муомалада бўлиш, давлат органлари фаолиятига оид норматив ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Муҳаммаджонов О. Юридик энциклопедия // <http://old.xushnudbek.uz/davlat-bosh-aruvi-usullari/>.
2. Рустамбоев М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва президентлик институти. –Т.: 2002.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва

қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли фармони // Lex.uz.

4. <https://staff.tiame.uz/storage/users/14/presentations/NDRIKO6FPLgKNnss7JCBv xPg1bdVqnrJm9mDOvdb.pdf>.

РЕЗЮМЕ

Давлат бошқарув органлари фаолиятини самарали ташкил этиш, уларни халқчил тузилмага айлантириш, ходимларнинг меҳнат фаолиятини тизимли ташкил этиш ҳамда меҳнат натижадорлигини оширишда рағбатлантириш усулларида кенг фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Давлат бошқарув органлари фаолиятини самарали ташкил этиш, уларни халқчил тузилмага айлантириш, ходимларнинг меҳнат фаолиятини тизимли олиб бориш ва натижадорлигини оширишда кенг фойдаланиш ҳамда рағбатлантириш усуллари мақолада таҳлил қилинган.

Важно эффективно организовать деятельность органов государственного управления, преобразовать их в человекоориентированную структуру, системно организовать работу сотрудников, использовать методы стимулирования для повышения производительности труда. В статье анализируются организации работы на общественных началах для организации управления, ориентированного на результат.

It is important to effectively organize the activities of government bodies, transform them into a people-oriented structure, systematically organize the work of employees, and use incentive methods to increase labor productivity. Effective organization of the activities of government bodies, their transformation into a person-oriented structure, systematic organization of the work activities of employees, widespread use of methods for stimulating increased productivity. In the article is analyzed methods for effectively organizing work on a voluntary basis of administration and incentive methods for organizing results-oriented management.

Улугбек РАСУЛЕВ,
Первый заместитель начальника
Института повышения квалификации, полковник

ОПЫТ ПОЛИЦИИ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В ОБЛАСТИ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ ТОРГОВЛЕ ЛЮДЬМИ

Современная торговля людьми, также именуется как Траффикинг (от англ. trafficking – торговля людьми) представляет собой, по сути, рабство, сопровождающееся нарушением прав и свобод человека, являющееся преступлением как против личности, так и против государства¹. На сегодняшний день торговля людьми является глобальной проблемой XXI века, которая существенно влияет на жизнь граждан, стабильность и вызывает все большую озабоченность международного сообщества².

Сложившаяся в Республики Узбекистан криминогенная ситуация требует поиска новых форм и методов противодействия торговле людьми, используя при этом не только отечественный, но и зарубежный опыт. Исследование показывает, что опыт полиции зарубежных стран в противодействии торговле людьми демонстрирует широкий спектр подходов, которые варьируются в зависимости от национальных правовых систем, уровня международного сотрудничества и специфики проблемы в каждом государстве.

Изучение опыта противодействия торговле людьми в Великобритании показал, что эта страна является в основном страной приема жертв торговли людьми, имеющих как иностранное происхождение (трудящиеся-мигранты и дети, путешествующие без сопровождения), так и национальное. Жертвами торговли людьми и принудительного труда становятся, в основном, граждане Великобритании (78% из них моложе 18 лет), Албании, Польши, Нигерии, Вьетнама, Румынии, Литвы и других стран (всего 123 страны происхождения жертв торговли людьми)³.

¹ Торговля людьми. www.un.org/ru/rights/trafficking.

² Лукач Н.М. Международный опыт преодоления глобальной проблемы торговли людьми // Век глобализации. 2016. № 4. С. 78.

³ https://migrationdataportal.org/data?cm49=826&focus=profile&i=stock_abs_&t=2020.

Великобритания остается в числе мировых лидеров по количеству выявленных жертв, проведенных исследований и наличию продвинутых правовых и координационных механизмов, обеспечивающих выявление, уголовное преследование, предупреждение преступлений в этой сфере и оказание помощи жертвам⁴.

В русле своих международных обязательств, в 2014 году Великобритания приняла «Стратегию по борьбе с современным рабством», программный документ, определивший четыре приоритетных направления работы в этой области: уголовное преследование виновных, предотвращение преступлений, защита уязвимых категорий населения от эксплуатации и снижение ущерба от совершенных преступлений за счет выявления пострадавших и оказания им помощи и поддержки. По поручению МВД Великобритании, противодействие современному рабству с того времени становится одним из главных в работе Национального агентства по борьбе с преступностью (National Crime Agency, NCA). Это ведущее английское ведомство по борьбе с организованной преступностью, торговлей людьми, торговлей оружием и наркотрафиком, киберпреступностью и экономическими преступлениями (в том числе транснациональными), и оно обладает полномочиями расследовать любое преступление. Под эгидой Агентства создан Центр по противодействию торговле людьми, в задачи которого входят разработка рекомендаций по комплексу мер и методов расследования преступлений, руководств для оперативных сотрудников по выявлению и расследованию случаев современного рабства, обмен информацией с партнерскими организациями в Великобритании и за рубежом, а также перенаправление жертв современного рабства-граждан Европейского союза для оказания им помощи в рамках Национального механизма перенаправления⁵.

Борьба с транснациональной торговлей людьми требует активного международного сотрудничества, и Великобритания участвует в ряде международных инициатив. Британские правоохранительные органы тесно сотрудничают с Европолом, Интерполом и правоохранительными

⁴ Грачева В.Г. Обзор законодательства и правоприменительной практики Великобритании, Германии, Италии, США, Франции и Швеции в области противодействия торговле людьми и принудительному труду // Международная организация по миграции. 2020г. – С.-26.

⁵ <https://www.teamwork-against-trafficking-for-labour-exploitation.nl/examples/ukhtc>.

структурами других стран. Совместные операции и обмен информацией с зарубежными коллегами позволяют британской полиции выявлять международные преступные сети и предотвращать трансграничные случаи торговли людьми. Особое внимание уделяется взаимодействию с государствами Европейского союза и странами, которые являются основными источниками жертв торговли людьми.

Так же важным направлением работы правоохранительных органов является взаимодействие с неправительственными организациями, которые занимаются поддержкой жертв. Полиция тесно сотрудничает с благотворительными фондами и другими социальными службами для обеспечения жертвам необходимой помощи, включая предоставление убежища, медицинской и психологической помощи. Правоохранительные органы периодически проводят тренинги и программы повышения квалификации для своих сотрудников, направленные на улучшение навыков выявления и работы с жертвами торговли людьми.

Таким образом, деятельность правоохранительных органов Великобритании в противодействии торговле людьми включает активное использование законодательных механизмов, международное сотрудничество, координацию с другими государственными органами и оказание помощи жертвам. Эти меры направлены на пресечение торговли людьми, преследование виновных и защиту наиболее уязвимых групп населения.

Деятельность правоохранительных органов Германии в противодействии торговле людьми основывается на многоуровневом подходе, включающем уголовное преследование, межведомственное сотрудничество и защиту жертв.

Вопросами уголовного преследования торговли людьми и принудительного труда в Германии занимается Федеральное бюро уголовной полиции, которое является главным органом взаимодействия с немецкими и зарубежными правоохранительными и судебными органами. Бюро осуществляет обмен информацией и содействует сотрудничеству в вопросах расследования и судопроизводства. В исключительных случаях, по запросу компетентных властей земель, Бюро может самостоятельно провести расследование преступления межрегионального или

международного формата, требующего проведения следственных действий за рубежом или там, где подразделения на уровне земель не хватает потенциала для эффективного расследования.

Федеральное бюро проводит регулярные тренинги два или три раза в год для следователей федерального и земельного уровня, специализирующихся на торговле людьми и эксплуатации во всех ее формах, и семинары для сотрудников консультативных центров, полицейских и представителей других ведомств, участвующих в противодействии этим преступлениям. Кроме того, Бюро готовит ежегодный Доклад о ситуации с торговлей людьми в Германии, включая в него статистические данные по количеству и результатам расследованных уголовных дел на основе данных, предоставленных полицейскими подразделениями земель.

В деятельность правоохранительных органов Германии по предупреждению торговли людьми в основном входят мероприятия направленные на повышения осведомленности населения, например, на уровне земель и муниципалитетов функционируют консультативные центры для трудящихся-мигрантов, бесплатно предоставляющие информацию по социальным и трудовым правам независимо от миграционного статуса иностранца и наличия контракта. Так же в данном направлении правительственные структуры и НПО проводят тренинги и учебные курсы с целью повышения квалификации следователей, судей, прокуроров и других сотрудников правоохранительных органов в противодействии торговле людьми. Федеральное бюро уголовной полиции на своем информационном интернет-портале размещает информацию о современных тенденциях торговли людьми, руководства, методики расследования.

Франция тоже активно борется с такой проблематикой, как торговля людьми. В частности, с 2013 года функционирует Межведомственная миссия по защите женщин от насилия и борьбе с торговлей людьми (MIPROF)⁶, для того чтобы спасти и защитить жертв торговли людьми. Также, Франция приняла «Национальный план», который обеспечивает

⁶ Борьба с торговлей людьми. URL: <https://www.diplomatie.gouv.fr/ru/politique-etrangere/droits-de-l-homme/lutte-contre-la-traite-des-etres-humains>.

вынесение темы торговли людьми на общественное обсуждение, разработку стратегии выявления жертв торговли людьми для обеспечения их защиты и оказания им реальной помощи, гарантирование безоговорочной защиты несовершеннолетних детей⁷.

Анализ деятельности полиции Франции в противодействии торговле людьми показал, что она основана на интегрированном подходе, включающем уголовное преследование, защиту жертв и международное сотрудничество. Во Франции борьбой с торговлей людьми занимаются как специализированные подразделения полиции, так и жандармерии, которые работают под руководством Министерства внутренних дел. Одной из основных структур является Центральное управление по борьбе с торговлей людьми (Office Central pour la Répression de la Traite des Êtres Humains, OCRTEH) Министерства внутренних дел, которое специализируется на борьбе с преступными сетями, занимающимися эксплуатацией людей.

Законодательная база Франции включает ряд нормативных актов, направленных на пресечение торговли людьми, таких как Уголовный кодекс Франции (Code Pénal)⁸, который содержит статьи, касающиеся наказания за действия, связанные с эксплуатацией людей с целью сексуальной или трудовой эксплуатации. Франция также является участником международных соглашений и директив Европейского союза, включая Директиву 2011/36/EU⁹ о предотвращении торговли людьми, что позволяет стране применять комплексные меры для борьбы с этим явлением.

Французская полиция активно сотрудничает с международными организациями, такими как Интерпол и Европол, что позволяет эффективно бороться с транснациональными преступными сетями, вовлечёнными в торговлю людьми. Это сотрудничество позволяет проводить совместные операции, обмениваться информацией и координировать действия по ликвидации организованных групп,

⁷ Там же.

⁸ <https://www.frameip.com/code-penal/#1-8211introduction-aucode-penal>.

⁹ Directives 2011/36/EU on trafficking in human beings and 2011/92/EU on combating the sexual abuse and sexual exploitation of children and child pornography, and replacing Council Framework Decision 2004/68/JHA. <https://db.eurocrim.org/db/en/doc/1513.pdf>.

занимающихся эксплуатацией людей на территории Европы и за её пределами¹⁰.

Особую роль в противодействии торговле людьми играет деятельность по защите и реабилитации жертв. Полиция Франции тесно взаимодействует с государственными и неправительственными организациями, которые оказывают помощь жертвам, предоставляя им временное жильё, медицинскую и психологическую поддержку, а также юридическую помощь. Жертвы торговли людьми во Франции могут рассчитывать на правовую защиту, включая возможность получить статус временного убежища и доступ к программам реинтеграции.

Французская полиция также уделяет большое внимание профилактическим мерам, включая кампании по повышению осведомлённости среди населения. Эти кампании направлены на предупреждение торговли людьми и предоставление информации о способах идентификации жертв и их помощи. Правоохранительные органы проводят специализированное обучение сотрудников, которое включает в себя повышение квалификации в области расследований и взаимодействия с жертвами, чтобы улучшить их способность эффективно реагировать на случаи торговли людьми.

При Министерстве внутренней безопасности США с 2004 года функционирует Центр по борьбе с незаконным ввозом мигрантов и торговлей людьми (Human Smuggling and Trafficking Center)¹¹, в задачи которого входит сбор и передача классифицированной информации оперативным подразделениям правоохранительных органов США, политическим деятелям и соответствующим зарубежным партнерам. Кроме того, Центр проводит оценку ситуации с торговлей людьми и нерегулярной миграцией в контексте борьбы с терроризмом, готовит аналитические отчеты, взаимодействует с зарубежными организациями и аналогичными структурами в других странах, работающими в сфере противодействия незаконному въезду. Помимо этого, а также в силу специфики торговли людьми как криминологического процесса, связанного с другими формами организованной преступности, этой

¹⁰ <https://www.europol.europa.eu/media-press/newsroom/news/human-trafficking-action-week-219-criminals-arrested-and-1-374-victims-identified>.

¹¹ <https://www.ice.gov/investigations/human-smuggling-trafficking-center>.

тематикой занимаются Федеральное бюро расследований, Служба по борьбе с оборотом наркотиков, Служба федерального маршала США, Иммиграционная и таможенная служба и другие органы власти в рамках своих компетенций.

В рамках своей государственной политики США сформировала свою практическую модель борьбы с торговлей людьми. Это модель состоит из предупреждения, защиты и преследования¹². Суть модели заключается в том, что борьба с торговлей людьми не должна ограничиваться только его пресечением либо опекой жертвы, а должна носить комплексный характер, воздействуя на причину и последствия правонарушения, предполагая меры наказания нарушителя (пособника) и реабилитацию пострадавших лиц.

Преследование подразумевает введение уголовной ответственности, обязательное для всех сторон Палермского протокола. Поэтому значение судебного преследования отражено и в подходе правоохранительных органов США.

Защита означает подход, в котором предоставление потенциальному свидетелю поддержки оказывается не только в течение того времени, которое требуется для получения от него показаний при проявлении активности в судебном заседании, а также предполагает удовлетворение потребностей и выполнение обязательств, выходящих за рамки того или иного уголовного дела (доступ к приютам и набору услуг, а в определенных случаях обеспечение иммиграционной поддержки).

Предупреждение подразумевает разработку политических принципов и практические методы, направленные на пресечение современного рабства в момент его зарождения. Меры по предупреждению должны приниматься с учетом основных уязвимых мест в правовых системах (терпимость в рамках системы государственных закупок и заключения контрактов, ограничительная практика выдачи виз, недостаточно строгий надзор за исполнением трудового законодательства).

Особую роль в противодействии и профилактике торговли людьми играют регулярные и отвечающие современным вызовам тренинги для всех государственных служащих, так или иначе соприкасающихся с проблемой – в том числе, для правоохранительных органов, судей,

¹² <https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennye-modeli-protivodeystviya-torgovle-lyudmi/viewer>.

военных (с учетом участия воинских подразделений США в миротворческих операциях), трудовых инспекторов и др.

Анализ и изучение зарубежного опыта в противодействии торговле людьми позволяет нам сформулировать следующие предложения. Во-первых, необходимость организации и проведения на базе Института повышения квалификации МВД Республики Узбекистан постоянных курсов по повышению квалификации сотрудников оперативных подразделений для расширения их знаний и навыков в области предупреждения, выявления и раскрытия этих преступлений. Во-вторых, дальнейшее развитие международного сотрудничества в области борьбы с торговлей людьми в соответствии с международными правовыми актами, которое в свою очередь позволит более эффективно осуществлять обмен информацией и координирование действий (оперативно-розыскных мероприятий) между правоохранительными органами разных стран. В-третьих, активизировать работу с негосударственными неправительственными организациями. Данная работа позволит более эффективно осуществлять общую и виктимологическую профилактику данного преступления. В-четвертых, налаживание активного взаимодействия с НЦБ Интерпол для координации совместных операций, использование имеющихся баз данных, обмен информацией и оперативную поддержку, с целью повышения своих возможности по предупреждению, выявлению и раскрытию подобных преступлений, одновременно защищая жертв и уязвимых лиц.

РЕЗЮМЕ

Мақолада одам савдосига қарши курашиш соҳасида хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинди. Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бу борадаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

В статье проанализирован опыт зарубежных в области противодействия торговле людьми. Сформулированы предложения для совершенствования деятельности правоохранительных органов Узбекистана в этой области.

The article analyses the experience of foreign countries in counteraction and law enforcement practice in the field of combating human trafficking. Proposals for improving the activities of law enforcement agencies of Uzbekistan in this area are formulated.



Хусан ТУРАББАЕВ,
*Малака ошириш институти Юридик фанлар
кафедраси доценти, ю.ф.н.*

ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШДА ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

*Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий
маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга
мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш,
бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-
қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки
кундалик қоида ва одатга айланиши шарт.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Бугунги кунда республикамызда суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат¹³ барпо этиш ва фукаролик жамиятини шакллантириш борасида ислохотлар амалга оширилмокда. Ҳуқуқий демократик давлатнинг энг муҳим белгилари бўлган қонун устуворлигини таъминлаш ва юксак даражадаги ҳуқуқий онг ва маданиятга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш – бу ислохотларнинг ўзагини ташкил этмокда.

Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданият соҳасида илмий фаолиятни ўрганиш илмий тадқиқотчилар учун анъанавий тусга айланди. Яъни, ҳуқуқий тарбия масаласи кўпгина олимларни илмий тадқиқот ишларининг объекти сифатида хизмат қилган ва хизмат қилмокда. Ҳақиқатда ҳам айни вақтда ушбу масала мамлакатимизнинг ривожланишидаги асосий долзарб муаммолардан бири бўлиб қолди.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш “шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий шакллантириш бўйича ҳуқуқий маърифий тадбирлар ва учрашувларни кенгайтириш, халқимиз тарихи, дини, миллий кадриятларини ёш авлод онгида шакллантириш орқали ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш каби долзарб вазифалар турган бир

¹³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йил 30 апрель. 1-моддаси.

пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармонининг қабул қилиниши айни муддаодир¹⁴.

Ҳуқуқий онг – қисқача қилиб айтганда ҳуқуқ ва қонунчиликка оид одамларнинг тасаввурлари, уларнинг ҳис-туйғулари, амалий тажрибалар таъсирида пайдо бўлган ҳуқуққа нисбатан муносабатини ифодалайди.

Ҳуқуқий маданият эса – фуқароларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиши, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақидаги тушунчаларини талқин қила олиши ҳамда улардан тўғри фойдалана олишидир.

«Тарбия» атамаси кундалик ҳаётда инсоният муомаласида кўп маротаба такрорланадиган ижтимоий категориядир. Жамиятдаги барча тарбияларнинг ягона тизимини ижтимоий тарбия ўзида мужассам этади. Ижтимоий тарбия ўз ичига сиёсий тарбия, маданий тарбия, маънавий тарбия, экологик тарбия, эстетик тарбия, шунингдек, ҳуқуқий тарбия ва бошқа тарбия турларини қамраб олади.

Ижтимоий тарбия тизимида тарбиянинг бошқа турлари сингари ҳуқуқий тарбия алоҳида аҳамият касб этади. Ҳуқуқий тарбия ижтимоий тарбиянинг ахлоқий, эстетик, маънавий ва бошқа шу каби турларининг негизида шаклланади ва ривож топади. Яъни, ҳуқуқий тарбия ижтимоий тарбиянинг барча турлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Жумладан, юксак ривожланган ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган ҳар бир давлатнинг асрий орзуси бу ўз аҳолисининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтиришдир. Ҳар қандай давлатнинг ижтимоий ривожланиши фуқароларининг ҳуқуқий маданияти билан боғлиқ бўлади. Зеро, юксак даражада ривожланган ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ажралмас белгисидир. Юксак даражадаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият эса ҳуқуқий тарбиянинг маҳсули. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришда ҳуқуқий тарбия асосий ўринни эгаллайди.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармони.

Биринчи Президентимиз И.А. Каримов ҳам юқоридаги фикрларни исботи тарзида «Хуқуқий маданиятни юқори даражада бўлиши хуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир»¹⁵ деб ўзининг дастуриламал асарида таъкидлаб ўтади.

Буюк мутафаккир Абдулла Авлоний ҳам «*Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир*» деб бежиз таъкидламаган. Чунки «хуқуқий онг, хуқуқий тарбия ва хуқуқий маданият» каби бир-бири билан узвий алоқада бўлган ва бир-бирини тўлдириб турувчи ушбу мантиқий изчилликда ва кетма-кетликда жойлашган ўхшаш категориялар жамиятнинг хуқуқий тизимининг ҳолати ва аҳволидан дарак беради.

Шахс хуқуқий онги энг аввало хуқуқий тарбия таъсирида шаклланади. Хуқуқий тарбия батартиблилик ва интизом даражасининг ошишига, бурч ҳиссининг мустаҳкамланишига ва шахснинг хуқуқий маданиятини юксалишига ёрдам беради.

Хуқуқий тарбия мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир, яъни уни бир маъноли қилиб таърифлаб бўлмайди. Хуқуқий тарбиянинг таърифи бу жараённинг қайси томонини, жумладан, умумижтимоий жиҳатини, хуқуқнинг ижтимоий амал қилиш тизими сифатида ёки давлатнинг ижтимоий бошқариш, хуқуқбузарликнинг олдини олиш элементи сифатидаги вазифасини ва шу кабиларни тадқиқ қилишимизга боғлиқ бўлади.

Хуқуқий тарбия деганда шахснинг онгига ташкилий сураатда ва аниқ мақсадни кўзлаб таъсир кўрсатишнинг махсус юридик тури тушунилади.

«Хуқуқий тарбия» категорияси олимлар томонидан турлича талқин қилинган ва изоҳлар берилган. Жумладан, ю.ф.д., профессор У.Таджихановнинг изоҳлашича «**хуқуқий тарбия** – шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг хуқуқий онгига кўрсатиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган, ташкиллаштирилган, бошқариладиган, олдиндан режалаштирилган ва махсус ишлаб чиқилган хуқуқий тарбия усуллари воситасида амалга ошириладиган педагогик таъсир жараёнидир»¹⁶.

¹⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.1. –Т., Ўзбекистон. – 1996. Б. 322.

¹⁶ Саидов А.Х., Таджиханов У.Т.. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т., 2001 й. Т.2. 187-б.

Шунингдек, ю.ф.д., профессор А.Х. Саидов ҳам ҳуқуқий тарбияга кенг маънода фикр билдиради, яъни «**ҳуқуқий тарбия** фуқароларнинг онги ва руҳиятига таъсир қилишга қаратилган, режалаштирилган, бошқариладиган, уюштирилган, тизимли, мақсадга йўналтирилган, ҳозирги замон ҳуқуқшунослиги тасарруфида мавжуд бўлган турли хил ҳуқуқий тарбия шакллари, воситалари ва услубларидан фойдаланиб, фуқаролар онгида чуқур ва барқарор ҳуқуқий билимлар, эътиқодлар, эҳтиёжлар, қадриятлар, қонунга мос феъл-атвор, одатларни шакллантириш жараёнидир»¹⁷.

Ҳуқуқий онг бу мавжуд ҳуқуқий воқеликнинг аксидир ва ҳар бир субъект уни қандай қабул қилиши ва талқин қилишидир. Ҳуқуқий ҳаёт назарияси ва амалиёти учун муҳим бўлган ушбу концепция шу билан боғлиқдир ҳам индивидуал, ҳам гуруҳли билиш жараёнлари билан, шунингдек жамиятнинг ҳуқуқий соҳасидаги аксиологик доминантлар сифатида¹⁸.

Юқорида ҳуқуқий тарбияга берилган изоҳларни таҳлил қилган ҳолда, бизнинг фикримизча **ҳуқуқий тарбия**-бу давлат органлари, нодавлат органлари, мансабдор шахслар ва алоҳида шахслар гуруҳининг аҳолини ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган махсус фаолияти ҳисобланади.

Тарбия жараёнларининг йўналишларини фарқлашда қўлланиладиган муҳим мезонлардан бири - онг шаклларининг турлича эканлиги. Чунки, алоҳида олинган тарбия жараёнларининг ҳар қайсиси, инсон онгининг ҳамма томонларини эмас, фақат унинг айрим кўринишларини қамраб олади. Масалан, сиёсий тарбия - сиёсий онгни; маънавий тарбия - маънавий онгни; эстетик тарбия - эстетик онгни қамраб олади ва ҳ.к.

Ҳуқуқий тарбия икки хил вазифани бажаради. *Биринчиси* - тарбияланувчиларга маълум миқдордаги ҳуқуқий билимлар, кўникмалар ва малаканинг берилиши. *Иккинчиси* – тарбияланувчиларда ҳуқуқий ғоялар, ҳиссиётлар, эътиқодни шакллантириш. Шу вазифалардан келиб чиқиб ҳуқуқий тарбияда фуқаролар ҳуқуқий онгини шакллантириш қуйидагича

¹⁷Ўша ерда. 188-б.

¹⁸ Т. В. Корчагина, А. И. Николаев Вестник. МГПУ ■ серия «Юридические науки» Государство и право: теоретические и исторические аспекты УДК 340 DOI: 10.25688/2076-9113.2021.44.4.05.

кечади: *биринчидан*, асосий ҳуқуқий қоидалар тизимини билиш, уларнинг мазмунини ва моҳиятини тўғри тушуниш, *иккинчидан*, ҳуқуқни, қонунларни, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни чуқур ҳурмат қилиш, *учинчидан*, ҳуқуқий билимларни амалда мустақил қўллай олиш; *тўртинчидан*, ўз одатларини олинган ҳуқуқий билимлар билан мослаштириш; *бешинчидан*, ҳуқуқий нормаларни ҳар қандай бузилишларига нисбатан қатъий мурасасизлик кўникмасини ҳосил қилиш.

Ҳуқуқий тарбия жараёни одамлар орасида муайян муносабатлар орқали амалга ошади. Шу боис ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тарбия доирасига киради. Унда тарбияланувчилар (шахслар, ижтимоий гуруҳлар) ҳуқуқий онгининг шаклланиши рўй беради. Ҳуқуқий тарбия жараёнида кишиларнинг муайян ҳуқуқий билим даражасига эга бўлишига эришиш мақсад қилиб қўйилади. Уларнинг шахсий эътиқодидан келиб чиқадиган қонунга, ҳуқуққа бўлган ҳурматни шакллантириш ҳуқуқий тарбиянинг ўзагини ташкил этади.

Бу йиғиндига кирувчи ҳуқуқий онгининг таркибий қисмлари шахсга нисбатан керакли психологик ва мафкуравий йўл-йўриқларни ташкил қилади, унинг ўз ҳуқуқий билимларини турмушда фаол тадбиқ қила олишга имконият яратади. Мана шу тайёргарлик даражаси ҳуқуқий тарбия ишларининг самарадорлигини кўрсатадиган асосий кўрсаткичдир¹⁹.

Ҳуқуқий тарбия - бу шахсга нисбатан ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий кўрсатмаларни, қонунга итоаткор хулқ-атвор кўникмалари ва одатларини шакллантирувчи, уюшган, бир тизимли, аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда таъсир кўрсатишдир.

Шуни таъкидлаш керакки, яқин ўтмишда ҳам ҳуқуқий тарбияга у ҳақиқатда сазовор бўлиши керак бўлганидек даражада эътибор берилмас эди. Педагогикага доир дарсликларда шахснинг ақлий камолоти, меҳнати, жисмоний, маънавий, эстетик тарбияси ҳақида сўз борар эдию, лекин ҳуқуқий тарбия хусусида эслатилмасди. Тарбиявий ишнинг мустақил йўналиши тарзида ҳуқуқий тарбия йўналишининг ажратиб қўйилмаслиги ўсиб келаётган авлоднинг айрим қисми ҳуқуқий онги даражасига салбий таъсир кўрсатмай қолмади.

¹⁹ Саидов А.Х., Таджикханов У.Т Давлат ва ҳуқуқ назарияси.Т.2. –Т.: «Адолат», 2001. 343-б.

Шубҳасиз, ҳуқуқий, сиёсий, ва маънавий онгнинг ўзаро боғлиқлигини эсдан чиқармаслик керак, лекин шуни ҳам назарда тутиш лозимки, уларни бир-бири билан қўшиб юбориш мумкин эмас. Тарбиявий ишнинг ўзига хос йўналишидаги ҳуқуқий тарбиянинг мустақиллиги аввало унинг мазмуни билан боғлиқдир. Ҳуқуқий тарбия онгнинг мустақил ҳисобланган-ҳуқуқий онгни шакллантиради, бу эса тарбиянинг ўзига хос шакллари ва усуллари излаб топиш ва қўлланиш заруриятини тақозо этади.

Тарбиячилар зарур ҳажмдаги ҳуқуқий билимлар билан қуролланган бўлиши ва тарбияланувчиларда ҳуқуқий онгни шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш услубиётини эгаллаши лозим.

Ҳуқуқий тарбия тамойиллари сирасига илмийлик, амалиёт билан узвийликни, ўзига хосликни ҳам киритиш мумкин.

Ҳуқуқий тарбиянинг илмийлиги уни амалга ошириш жараёнида ҳозирги замон ҳуқуқий ва бошқа фанлар, аввало, ҳуқуқий фаолият, шахс тарбияси (социология, руҳшунослик, педагогика ва бошқалар) билан бевосита муносабатдор ютуқлардан фойдаланишни ифодалайди. Айни замонда ҳуқуқий тарбиянинг илмийлиги унинг мавжуд ҳолатини акс эттирмайдиган субъективизм билан, ҳуқуқий воқеликни баҳолашда мафкуравий андозалардан фойдаланиш билан сиғишмайди.

Ҳуқуқий тарбиянинг амалиёт билан муносабатдорлиги тизим ечиладиган ҳуқуқий масалаларни мавжуд воқелик ҳодисалари билан узвийлаштириш зарурлигини ифодалайди.

Мустақил давлатимиз ривожланишининг истиқболи ҳар томонлама билимли, юқори малакали ёшлар қўлидадир. Бунинг учун ёшлар юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлишлари, ҳуқуқни пухта билишлари лозим. Бозор иқтисодига ўтиш ҳамда суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат қуриш қонунчилиқни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, аҳолини ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш ва унинг ҳуқуқий онгини ривожлантиришга боғлиқдир. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони катта аҳамиятга эга. Мазкур фармоннинг 1-илоvasи бўлиб «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепцияси қабул

қилинган ҳамда 2-иловасида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини 2019 йилда самарали амалга ошириш» бўйича «Йўл харитаси»да 90 га яқин комплекс чора-тадбирлар белгилаб берилган²⁰.

Юқоридаги фармоннинг концепциясига асосан тегишли вазирликлар маъсул ижрочи этиб белгиланган. Бу тадбирларнинг асосий мақсади шахс, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усуллари жорий қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, юридик таълимни, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш йўлида ёшларни тарбиялашда, ҳуқуқий онгини ривожлантиришда ҳуқуқий таълимни кучайтириш ва бу жараёни методик жиҳатдан таъминлаш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларини тарғиб қилиш, оммабоп ҳуқуқий адабиётлар ва дарсликларни тайёрлаш ҳамда бошқа кўпгина вазифалар қўйилган. Бунинг натижасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсатининг устун йўналиши бўлганлиги боис бир қатор амалий ишлар қилинди. Ёшларнинг ҳуқуқий онгини ривожлантиришда телевидение, радио ва матбуотнинг ўрни ўта муҳимдир. Бу ўринда Адлия вазирлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг «ҳуқуқ ва бурч» юридик журнали, «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси, «Постда» газетаси, «Фуқаролик жамияти» ва «Адвокат» журналлари ва бошқа нашрлар аҳоли ҳуқуқий онгининг ўсишига муҳим ҳисса қўшмоқда.

Юридик амалиётда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида; чунончи ишонтириш, огоҳлантириш, рағбатлантириш, мажбурлаш ва жазолаш каби бир қанча ҳуқуқий тарбия усуллардан фойдаланиланиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқий маданият – кишиларнинг ҳуқуқий билим даражаси, ҳуқуққа нисбатан онгли муносабат, ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишни ифодаловчи атама. Ҳуқуқий маданиятнинг жамият ривожига тутган ўрни ва аҳамияти Президентимиз томонидан белгилаб берилган.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармони.

Ҳуқуқий маданият мамлакатимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш саъй-ҳаракатлари билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳар бир фуқаронинг қонунларга қатъий риоя этиши, қонун бўйича яшаши ва меҳнат қилишини тақозо этади. Ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш учун барча фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий онгини ўстириш, дунёқарашини кенгайтириш, маънавиятини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқий маданият макон ва замонда фарқланиб, ҳозирда ва истикболда амалга оширилиши лозим бўлган манфаатлар кўлами билан ўлчанади.

Хулоса қилиб айтганда, фармонда белгилаб берилган жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги муҳим йуналиш ва вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш, ҳуқуқшунос ва зиёлилардан масъулият ҳамда фидойиликни талаб этади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: *«Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир»*.

РЕЗЮМЕ

Мақолада шахс маданияти ва онгига ҳуқуқий билимларни узлуксиз равишда сингдириб бориш жараёни таҳлил қилинган ҳамда барча тушунчаларга таъриф берилган.

В статье раскрывается вопросы формирования правовой культуры, анализа индивидуальных качеств правозащитников и законодателей, а также определения критериев ведения переговоров.

In the article, the author reveals issues related to legal norms and living conditions of members of society, legal norms and rules of members of society. Legal education is a means of legal propaganda, legal education and activities, training, education, membership in the community of human rights defenders, formation of legal culture, analysis of individual human rights defenders and legislators, as well as determining the criteria for conducting negotiations.

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида
жорий йил якунлари ва 2025 йилга асосий режалар
юзасидан видеоселектор йиғилиши ҳамда етакчи
тадбиркорлар билан мулоқотдан:**

- Туризм соҳасида катта ишлар қилинди. Тадбиркорларнинг **6,5 триллион** сўм сармояси билан **24 минг** ўринли меҳмонхоналар ишга тушди;
- Келгуси йилда меҳмон ўринлари яна **30 мингга** ошади. Тадбиркорлар **10 триллион сўм** инвестиция киритишга тайёр;
- 2024 йил ишга тушган **17 та** йирик савдо ва туристик масканга қўшимча яна **25 та** шундай мажмуа қўшилади;
- Мамлакатимизга дунёнинг нуфузли “Swissotel”, “Sheraton”, “Ritz-Carlton”, “Novotel”, “Pullman”, “Marriott”, “Ibis”, “Mercure” каби **23 та** меҳмонхона брендлари кириб келяпти.

(ЎЗА. 2024 йил 28 декабрь).

Zafarbek BOBOQULOV,
Malaka oshirish instituti bosh inspektori

ILMIY SALOHİYATLI MUHITNI YARATISHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Zamonaviy jamiyatdagi iqtisodiy, ijtimoiy-siyosiy o‘zgarishlar va texnologik taraqqiyot bugungi zamonaviy ta’lim tizimining rivojlanishiga sezilarli ta’sir ko‘rsatmoqda. Doimiy o‘zgarib turadigan ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlar va global o‘zgarishlar oliy ta’limning ustuvor vazifalarini zamon talablariga moslashtirish hamda shunga mos ravishda muqobil milliy ta’lim tizimini yaratish jamiyatning zaruriy vazifalaridan biriga aylanib qolmoqda.

Hozirgi globallashuv va bozor iqtisodiyoti sharoitida yuksak salohiyatli, bilimli, mas’uliyatli, raqobatbardosh kadrlarni yetishtirish har qachongidan dolzarb masalaga aylangan. Har qanday davlatni iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishida yuksak malakali kadrlar muhim o‘rin tutishi hech kimga sir emas.

Yangi O‘zbekiston sharoitida yangilanishlar va izchil islohotlar olib borilayotgan bir davrda ichki ishlar organlari faoliyatini takomillashtirib borish ham mutlaqo yangicha mazmun-mohiyat kasb etmoqda. Xususan, ichki ishlar sohasini chinakam xalqchil tuzilmaga aylantirish, yangicha zamonaviy mexanizmlar joriy etish borasida sezilarli o‘zgarishlar amalga oshirilmoqda. Bunda, eng avvalo, ichki ishlar organlarini aholining turli qatlamlari bilan bevosita muloqot olib bora oladigan yuksak ilmiy salohiyatli kadrlar bilan bosqichma-bosqich ta’minlab borish xodimlarning professionalligini oshirib borishi bilan birga, ularning manzilli ishlashi, yuzaga kelgan muammolarni o‘z joyida va vaqtida hal etishiga hamda huquqbuzarliklarning barvaqt oldini olishga yordam beradi. Zero, Prezidentimiz ta’kidlaganlaridek, bugungi kunda “ichki ishlar organlari uchun professional kadrlar tayyorlash bo‘yicha samarali tizim yaratilgan”ligi alohida e’tirofga sazovordir.

Ichki ishlar organlaridagi ilmiy salohiyatli kadrlar o‘z sohalarida chuqur bilimlarga ega bo‘lganligi sababli, ular yangi muammolarni aniqlashda mutaxassis bo‘lishadi. Ular mavjud bilimlar va tajribalarni tahlil qilish orqali

yangi muammolarni aniqlay oladi va ularning ahamiyatini tushunib yetishadi. Muammolarni tahlil qilishda analitik yonlashuv va fikrlash qobiliyatlaridan foydalangan holda yuzaga kelgan muammoning sabablari va yechimlarini aniqlash, uni chuqur tahlil qilish va o'rganadi. Muammolarni yechimida turli xil yondashuvlarni qo'llab, o'z bilim va tajribalari, ijodiy fikrlash qobiliyatlaridan foydalanishadi.

Yurtimizda tinchlik va osoyishtalikni ta'minlab borish maqsadida izchil islohotlar amalga oshirilmoqda. O'zbekiston o'tgan o'ttiz yil davomida asrlarga tatigulik taraqqiyot yo'lini bosib o'tdi. Tadrijiy rivojlanish va xronologik nuqtai nazardan mana shunday qisqa davrda mamlakatimiz jahon hamjamiyatida munosib o'rin egallagan Vatanimiz, o'zining olamshumul yutuqlari bilan bir necha bor xalqaro e'tiroflarga ham sazovor bo'ldi. Har bir qo'lga kiritgan yutuq zamirida va oliyjanob xalqimizning mashaqqatli mehnati hamda ta'lim tizimida olib borilayotgan islohotlarning samarasi yotadi.

Bugungi kunda, ichki ishlar organlaridagi ijobiy o'zgarishlar yurtimizda amalga oshirilayotgan islohotlarning samarasidir. Xususan, ichki ishlar organlari xodimlarining huquqbuzarliklarni oldini olishi, jamoat tartibini saqlashi va fuqarolar xavfsizligini ta'minlashi hamda ichki ishlar organlarini ilmiy salohiyatli kadrlar bilan to'ldirib borish borasidagi amaliy ishlar tubdan yaxshilanib bormoqda. Natijada, ichki ishlar organlarining xalq orasidagi obro'yi va mavqeyi har qachongidan oshib, ularning aholi hamkorligi va jonli muloqotining kuchayib borishiga erishilmoqda. Zero, Prezidentimiz ta'kidlaganlaridek, "Agar davlat tayanadigan asosiy ustun qonun bo'lsa, uning kuchini amalda namoyon etadigan eng samarali tizim bu – ichki ishlar sohasi, desak, ayni haqiqat bo'ladi" [2]. Shubhasiz ushbu e'tiroflar ichki ishlar xodimlarining qonun ustuvorligini ta'minlash yo'lida fidoyiligini oshirishga, ularning o'z professionalligi va salohiyatini oshirishiga xizmat qiladi.

Ichki ishlar organlarini har jihatdan professional kadrlar bilan ta'minlash borasida mutlaqo yangi bosqichga qadam qo'yilmoqda. Yangi O'zbekiston sharoitida yangi ichki ishlar organlarida islohotlarning samarali amalga oshirilish borasida ichki ishlar xodimlari oldiga o'ziga xos dolzarb talablarni qo'ymoqdaki, bu ularning yetuk, salohiyatli, vatanparvar va fidoiy bo'lishiga zamin yaratmoqda. Shu bilan birga, har bir xodimning muntazam kasbiy malakasini oshirish, ularning oliy ta'limdan keyingi ta'limda mustaqil

tadqiqotchi sifatida faoliyat yuritib ilmiy daraja va ilmiy unvonlarni olishiga imkoniyatlar yaratilmoqda. Bu o'z navbatida xodimlarning axloqiy kompetensiyasini rivojlantirib, professionalligini oshirishga hamda har bir huquqbuzarlikni nafaqat kasbiy professional, balki ilmiy nuqtai nazardan ham tahlil qilinib, o'ziga xos metodik taklif va tavsiyalarni ham ishlab chiqishga imkon yaratmoqda. Bu ichki ishlar xodimlarining ilmiy salohiyatini yuksalib borishiga imkon berishi bilan birga, ularga ilmiy faoliyat bilan muntazam shug'ullanib borish kabi ulkan mas'uliyatni yuklaydi.

Insoniyat taraqqiyotga erishib borar ekan tadrijiy rivojlanish jarayonida har bir sohada yuqori malakali mutaxassisga ehtiyoj sezgan. Shu sababli, yuksak salohiyatli yetuk kadrlarni tayyorlash har doim eng muhim va dolzarb vazifalardan biri sifatida e'tirof etilgan. Chunonchi, ichki ishlar organlarida ham davlatimiz islohotlarini to'la amalga oshirish va uni rivojlantirish uchun yetuk, professional va ilmiy salohiyatli kadrlarga ehtiyoji ortib bormoqda. Ushbu ehtiyojlarni qondirish qolaversa, ichki ishlar tizimini professional kadrlar bilan to'ldirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Ichki ishlar organlari kadrlari bilan ishlash va ularning xizmatini tashkil etish tartibini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3413-son qarori qabul qilindi [3]. Ushbu qaror ichki ishlar organlari rahbarlari oldiga ichki ishlar safini axloqiy va kasbiy xislatlarga ega bo'lgan ilmiy salohiyatli kadrlar bilan to'ldirish vazifalarini yuklamoqda. Natijada, ichki ishlar organlari kadrlar zahirasini o'z sohasini yaxshi biladigan, tezkor ammo xato va kamchiliklarsiz qarorlar qabul qila oladigan professional, ilmiy salohiyatli kadrlar bilan to'ldirib borishga alohida ahamiyat berildi. Shuningdek, "Ichki ishlar organlari xodimlarini tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 16-avgustdagi PQ-3216-son Qarori ichki ishlar organlari faoliyatini tubdan yangi bosqichga olib chiqdi. Natijada, ichki ishlar organlari xodimlarining muntazam malaka oshirishi tashkil etilib, mutaxassislik kafedralarida ilmiy salohiyatga ega bo'lgan ilmiy daraja va unvonli xodimlarning jalb etilishiga hamda ilmiy faoliyat bilan shug'ullanuvchi malakali kadrlarning ko'payib borishiga olib keldi. Bir so'z bilan aytganda salohiyatli kadrlar tayyorlashning o'ziga xos noyob tizimi yaratildi.

Bugungi kunda, ichki ishlar organlarida muvaffaqiyatli faoliyat olib borish shaxsiy tarkibning kasbiy salohiyati va bilim saviyasini oshirish qolaversa, ilmiy salohiyatli kadrlarni shakllantirish ma'naviy yuksak, jonkuyar, xalq bilan muloqot qila oladigan xushmuomala, fidoiy va bag'rikeng, buyuk ajdodlar bilan faxrlanadigan oliyjanob fazilatli xodimlarni shakllantirishga xizmat qiladi.

Vatan manfaati uning istiqboli yo'lida xizmat qilish sharaflı burchdir. Vatanparvar kishi o'z baxtini ona-Vatan ravnaqida ko'radi. Shunday ekan, ichki ishlar organlari xodimlarini yuksak axloqiy madaniyatli, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga sodiqlik ruhida tarbiyalanishida ilmiy salohiyatning o'rnı beqiyosdir. Zero, ichki ishlar organlari xodimlarining professionalligi va o'z xizmat vazifasini samarali bajarishida ilmiy salohiyatning ahamiyati beqiyosdir.

Mamlakatimizda ma'naviy-ma'rifiy islohotlarga davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida qaraladi. Yurtimizda ma'naviy-ma'rifiy muhitni yanada yaxshilash, asrlar davomida sayqallanib kelayotgan an'ana va qadriyatlarimizni targ'ib etish borasida ko'plab chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Barcha sohalar singari, ichki ishlar organlari shaxsiy tarkib o'rtasida ham ma'naviy-ma'rifiy ishlarni sifat jihatdan yangi bosqichga ko'tarish, xodimlarning bilim saviyasini yanada oshirish, yuksak ma'naviyatli, vatanparvar, o'z kasbiga sadoqatli va fidoyi xodimlarni shakllantirishga alohida e'tibor qaratilmoqda.

2021-yil 2-apreldagi "Ichki ishlar organlarida ma'naviy-ma'rifiy ishlarni tashkil etish konsepsiyasi"ga muvofiq ichki ishlar organlarida ma'naviy-ma'rifiy ishlarni samarali tashkil etish tizimini yanada takomillashtirish hamda xodimlarning ma'naviy va ilmiy salohiyati hamda mafkuraviy immunitetini kuchaytirish, ularning ongida Vatan taqdiri hamda kelajagi uchun daxldorlik tuyg'usini yanada mustahkamlash kabi maqsadlar ko'rsatib o'tilgan [4]. Yurtimiz tinchligi va undagi qonun ustuvorligini ta'minlashda soha xodimlaridan juda katta mas'uliyat talab etiladi. Aynan ushbu mas'uliyatli vazifalarni mard, vatanparvar, fidoyi, o'z burchiga sodiq yetuk salohiyatli xodimlarga amalga oshira oladi. Shuning uchun ham mazkur konsepsiyada ichki ishlar organlari xodimlariga qo'yiladigan asosiy talablar qatorida muomala madaniyatiga rioya etish, murojaat qilgan shaxsni e'tibor bilan tinglash, holatga xolisona, burchiga vijdonan yondashish orqali shaxsiy namuna ko'rsatishi

alohida qayd etilgan. Zero, bugungi taraqqiyot ichki ishlar xodimlaridan xalq manfaatlari, yurt tinchligi va Vatan ravnaqi yo'lida fidoyilik bilan xizmat qilishni talab qilmoqda.

Xulosa qilib aytganda, ichki ishlar organlari faoliyatini takomillashtirish, qolaversa ichki ishlar xodimlari orasida ilmiy salohiyatni yuksaltirishda hukumatimiz tomonidan qabul qilingan qonun va qarorlarga muvofiq xodimlarni moddiy rag'batlantirish, ularning ilmiy faoliyatlarini munosib baholash ichki ishlar organlari xodimlari orasida ilmiy tadqiqot bilan shug'ullanuvchi va ilmiy salohiyatli kadrlar ulushini oshirishga xizmat qilmoqda. Bu esa mavjud ehtiyojlar va ilmiy salohiyatdan kelib chiqib ichki ishlar vazirligi tizimida ilmiy faoliyat bilan shug'ullanuvchi ilmiy kengashlar faoliyatini yo'lga qo'yishga zamin yaratadi.

Ichki ishlar organlari xodimlarini ilmiy salohiyatini oshirish ijtimoiy, tashkiliy, huquqiy va didaktik jihatdan turli toifadagi mutaxassislarining malakasini oshirishga hamda tizimda ilmiy tadqiqot jarayonlarining to'g'ri yo'lga qo'yilishiga, ichki ishlar faoliyatidagi ilmiy izlanishlar va ishlanmalarni ilmiy asoslashga xizmat qiladi. Shuningdek, ichki ishlar xodimlarining ilmiy salohiyatini oshirish tizimni boshqarishni to'g'ri tashkil etishda yangicha yondashuvlardan foydalanish, ilmiy tadqiqotlarning amaliy natijalarini ishlab chiqish va huquqni muhofaza qilish organlari faoliyatini tartibga solishni takomillashtirishning yo'llari va vositalarini amaliyotga tatbiq etib boradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ички ишлар органлари ходимларига йўллаган табриги. 25.10.2023. <https://president.uz/oz/lists/view/6794>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ички ишлар органлари ходимларига йўллаган табриги. 24.10.2020. <https://www.xabar.uz/jamiat/shavkat-mirziyoyev-ichki-ishlar>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2017 йил 29 ноябрдаги Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3413-сон қарори. <https://lex.uz/uz/docs/3430641>.

4. Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси. <https://lex.uz/docs/5353841>.

REZYUME

Mazkur maqolada ichki ishlar organlarida ilmiy salohiyatli kadrlar tayyorlashning ijtimoiy-falsafiy asoslari yoritilgan. Hozirgi globallashuv va bozor iqtisodiyoti sharoitida yuksak salohiyatli, bilimli, mas'uliyatli, raqobatbardosh kadrlarni yetishtirish har qachongidan dolzarb masalaga aylangan. Ichki ishlar organlarini har jihatdan professional kadrlar bilan ta'minlash borasida mutlaqo yangi bosqichga qadam qo'yilmoqda.

В данной статье описаны социально-философские основы подготовки кадров с научным потенциалом в органах внутренних дел. В условиях современной глобализации и рыночной экономики воспитание высокопотенциальных, ответственных, конкурентоспособных кадров стало актуальным вопросом. Наступает совершенно новый этап в обеспечении органов внутренних дел профессиональными кадрами по всем направлениям.

This article describes the socio-philosophical basis of training of personnel with scientific potential in internal affairs bodies. In the conditions of the current globalization and market economy, the cultivation of high-potential, knowledgeable, responsible, competitive personnel has become an urgent issue more than ever. A completely new stage is being taken in terms of providing internal affairs bodies with professional personnel in all aspects.

Ўткирбек ОТАЕВ,
*Касбий тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли катта
ўқитувчиси, подполковник*

**ЖИНОЯТ ҚОНУНИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ
ДОИРАСИДА ЭКСТРАТЕРРИТОРИАЛ ЁКИ ДАХЛСИЗЛИК
ТАМОЙИЛИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексида чет эл давлатларининг дипломатик вакиллари ва бошқа дахлсизликка эга бўлган фуқароларининг жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги масалани яъни бундай тоифадаги шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган тақдирда, халқаро ҳуқуқ нормалари қоидаларига асосан ҳал қилинишини белгилайди. Одатда бу қоида экстратерриториал (худуддан ташқари) ёки дипломатик дахлсизлик ва консуллик дахлсизлиги тамойили сифатида қаралади. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 11-моддаси 4-қисми фақат дипломатик дахлсизлик тушунчаси билан чекланмайди, жиноий ҳуқуқ нормасининг тегишли қисмини сўзма-сўз талқин қилиш нафақат хорижий давлатларнинг дипломатик вакиллари, балки жиноий юрисдикциядан дахлсизликка эга бўлган бошқа фуқаролар ҳам Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилмаслигини англатади. Бу эса Ўзбекистон Республикаси жиноий қонунчилигининг амалдаги ҳудудийлик тамойилидан қонуний истисно қилиш ҳолатларини белгилайди, ҳамда давлат томонидан берилган вазифаларни бажарувчи айрим шахсларни жиноий жавобгарликка тортишда, ҳуқуқий дахлсизлик берилиши ҳақидаги замонавий жаҳон концепциясини ифода этади. Бу тамойилга асосан, жиноий дахлсизликдан фойдаланиш ҳуқуқи берилган шахс содир этган жиноятининг характери ва ижтимоий хавфлилиги даражасидан қатъий назар, қайси давлат манфаатларига хизмат қилган бўлса, унинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқий дахлсизликдан қуйидаги чет эл фуқаролари фойдаланишлари мумкин.

- дипломатик дахлсизликка эга шахслар;

- консуллик дахлсизлигига эга шахслар;
- давлат раҳбарлари ва давлат расмий делегация аъзолари;
- халқаро ташкилотлар аъзолари;
- махсус миссия аъзолари.

Дипломатик дахлсизлик тамойили - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган айрим чет эл фуқаролари учун жиноят қонунининг амал қилиш доирасида ҳудудийлик тамойилидан истисно ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 11-моддаси 1-қисмида белгиланган норманинг рақобатига рухсат беради. Жиноят кодексининг 11-моддаси 1-қисми Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган барча шахсларни Ўзбекистон жиноят қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортишни назарда тутди. Дипломатик дахлсизлик тамойили қадимги даврларда, элчилар институти ва уларнинг шахсий дахлсизлиги ҳақидаги қоида вужудга келган вақтдан пайдо бўлган. Дипломатларнинг дахлсизлиги ва уларнинг алоҳида мақоми XVII-XVIII асрларда айниқса Европа мамлакатларида дипломатик ваколатхоналар ташкил этила бошланиши билан мустаҳкамланиб, ривожлана борган. Бу назарда тутилган нормалар 1946 йилдаги «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг имтиёз ва дахлсизликлар тўғрисида»ги конвенцияси, 1961 йилдаги «Дипломатия муносабатлари тўғрисида»ги Вена конвенцияси, 1973 йилдаги «Халқаро ҳимояланган шахсларга, шу жумладан дипломатик ходимларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисида»ги конвенция ва бошқа халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланади. Бундай имтиёзлар дипломатик элчихоналар, консуллик ваколатхоналари, давлатларнинг расмий делегациялари, халқаро ташкилотлар зиммасига юкланган вазифаларни нормал бажариши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида берилади.

Дипломатик ваколатхона ходимларига — ваколатхона бошлиғи ва Ташқи ишлар вазирлигининг шундай мақомга эга бўлишини тасдиқловчи ҳужжат берилган шахсий таркиб аъзолари ва ходимлари киради.

Ваколатхона шахсий таркиби аъзоларига — дипломатия ходимлар, ваколатхонанинг маъмурий техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари киради.

Дипломатия ходимларига — дипломатик унвонга эга бўлган ваколатхона ходимлари киради. Дипломатия ходимларига бериладиган **хизмат унвонларига** қуйидагилар киради:

- Фавқулодда ва Мухтор Элчи;
- 1-даражали Фавқулодда ва Мухтор Вакил;
- 2-даражали Фавқулодда ва Мухтор Вакил;
- 1-даражали маслаҳатчи;
- 2-даражали маслаҳатчи;
- 1-даражали биринчи котиб;
- 2-даражали биринчи котиб;
- 1-даражали иккинчи котиб;
- 2-даражали иккинчи котиб;
- учинчи котиб;
- Атташе²¹.

Юқоридаги халқаро нормалар, дипломатик ва бошқа дахлсизликларга эга бўлган шахслар томонидан чет эл давлати ҳудудида содир этган жинойтлари учун, улар жойлашган мамлакати қонунига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилмаслигини белгилаб беради. Дипломатик мансабдор шахс томонидан жиноят содир этилган тақдирда, у мезбон давлат қонунчилигига мувофиқ ҳибсга олиниши ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Қоидага кўра бундай шахс **"номақбул шахс" (persone non grata)** деб эълон қилинади ва давлатдан чиқариб юборилади.

Дипломатия миссиялар қуйидагиларни амалга оширади:

- жўнатувчи давлатни, қабул қилувчи давлатда вакиллигини қилиш;
- қабул қилувчи давлатда, юборувчи давлат ва унинг фуқаролари манфаатларини халқаро ҳуқуқ рухсат этилган даражада ҳимоя қилиш;
- қабул қилувчи давлат ҳукумати билан музокаралар олиб бориш;
- қабул қилувчи давлатдаги шароит ва ўзгаришларни барча ҳуқуқий воситалар билан аниқлаш ва уларни юборувчи давлат ҳукуматига маълум қилиш;

²¹ «Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабаларни белгидаш тўғрисида»ги қонуни. 1992 йил 3 июль 650-ХП-сон. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон 350-модда.

- аккредитация қилувчи давлат ва қабул қилувчи давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни рағбатлантириш ва уларнинг иқтисодиёт, маданият ва фан соҳасида ўзаро муносабатларини ривожлантириш. Дипломатик ваколатхоналар зиммасига юкланган функцияларни нормал бажариши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида берилади²².

Юқорида таъкидланганидек, дипломатик ва консуллик ваколатхоналари ҳудуди юбуровчи давлат ҳудуди эмас. Бу ҳудуд қабул қилувчи давлатнинг ҳудудий маконида қолади. Бу ҳолат дипломатик ваколатхона эгаллаб турган бинолар, юбуровчи давлатга тегишли ёки ижарага олинганлигидан қатъий назар ўзгаришсиз қолади. Дипломатик ходимларни ташиш масаласи ҳам худди шундай ҳал қилинади. Шу билан бирга, қабул қилувчи давлатнинг жиной-ҳукукий юрисдикцияси бинолар, транспорт ва дипломатик ходимларнинг ўзларига тааллуқли бўлмайди. Дипломатик ваколатхонанинг расмий ва тураржой бинолари дахлсиз ҳисобланади. Қабул қилувчи давлат ҳокимияти ваколатхона раҳбарининг розилигисиз ушбу биноларга кириши мумкин эмас. Миссия бинолари, уларнинг жиҳозлари ва уларда жойлашган бошқа мол-мулклари шунингдек ваколатхонанинг транспорт воситалари тинтув ўтказиш, олиб қўйиш ва мажбурлов чоралари каби ҳаракатлардан ҳимояланган бўлади. Дипломатия ходимлари гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас аммо ўз ихтиёри билан гувоҳ сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга. Дипломатик ходимнинг шахси дахлсиздир, у ҳеч қандай шаклда ҳибсга олиниши ёки қамокда сақланиши мумкин эмас. Шу билан бирга халқаро тажрибада дипломатик ходимнинг шахси аниқлангунга қадар яъни ушбу шахс дипломатик мақомини тасдиқловчи тегишли ҳужжатга эга бўлмаганда, бундай ходимнинг ҳаракат эркинлиги вақтинча чекланиши мумкин. Шунингдек дипломатнинг ҳаракатларига қарши зарурий мудофага рухсат берилади. Шунинг билан бирга тегишли давлат ҳудудида ўрнатилган қонунларга барча шахслар, шу жумладан дипломатик ходимлар ҳам риоя қилишлари шарт. Масалан: йўл ҳаракати қоидалари бузилган тақдирда, дипломатия дахлсизлигига эга шахс, шахсий дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. Бироқ, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари дипломатик рақамларга эга автомашинани тўхтатиб,

²² 1961 йилдаги «Дипломатия муносабатлари тўғрисида»ги Вена конвенцияси 3-моддаси.

қоидабузарлик факти тўғрисида дипломатга хабар бериш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатлар дипломатнинг шахсий дахлсизлигини бузишга қирмайди. Дипломатик ходим мезбон давлатнинг жиноий юрисдикциясидан дахлсизликка эга.

Шу билан бирга, қабул қилувчи давлат аккредитация қилувчи давлатдан дипломатик ходимларининг дахлсизлигидан воз кечишни сўраши мумкин. Бунда “Дипломатия ходимлари дахлсизлики қонунга мувофиқ юборувчи давлат томонидан рад этилиши мумкин”²³. Ушбу қоида халқаро ҳуқуқ нормаларига зид эмас. Шунини таъкидлаш лозимки, дипломатия ходимининг жиноят учун жавобгарликдан мезбон давлат қонунчилигига мувофиқ дахлсизлиги, ушбу шахсни аккредитация қилувчи томоннинг жиноий юрисдикциясидан тўлиқ озод эканлигини англатмайди. Юборувчи давлат аккредитация қилинган давлат ҳудудида содир этган ижтимоий хавфли қилмиши учун, жиноят қонунининг фуқаролик тамойилига асосан ўзининг дипломатик мансабдор шахсини миллий қонунларига кўра жиноий жавобгарликка тортиши мумкин. Бироқ, давлатларнинг ўз дипломатларини дахлсизлигидан воз кечиши, уларни миллий қонунчилигига кўра жиноий жавобгарликка тортиши халқаро амалиётда жуда кам учрайди.

Дипломатик ваколатхона ходимлари билан бир қаторда жиноий юрисдикцияга нисбатан дахлсизлик, қабул қилувчи давлат фуқаролигида турмаган ваколатхона ходимларининг оила аъзоларига ҳам берилади. Бироқ, бундай дахлсизлик ваколатхонанинг хизмат кўрсатувчи персонали ходимлари оила аъзоларига берилмайди. Иммунитетга эга бўладиган ваколатхона ходими статусига курсер яъни дипломатик почтани ташиш учун тайинланган расмий шахс ҳам эга бўлади. Дипломатик курсер доимий ёки бир мартага, яъни муайян почта маълумотини етказиш билангина мазкур ҳуқуқий ҳолатга эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ваколатхонага маиший хизмат кўрсатувчи ходимлар ҳам бор. Маъмурий техник ходимлар таркибига ваколатхона шахсий таркиби аъзолари киритилади. Уларнинг вазифаси ваколатхонага маъмурий техник томондан хизмат кўрсатишдан иборат. Маъмурий техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар фақат хизмат вазифаларини бажараётган вақтда дахлсизликка

²³ 1961-йилдаги “Дипломатия муносабатлар тўғрисида”ги Вена конвенциясининг 32-моддаси.

эга бўладилар. Дипломатик дахлсизлик ваколатхонанинг маъмурий техник ходимларига ва улар билан бирга яшовчи оила аъзоларига, агар улар қабул қилувчи давлатнинг фуқароси бўлмаса ёки у ерда доимий яшовчи бўлмаса қўлланилади. Улар томонидан ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда содир этган ҳаракатлари бундан мустасно ҳисобланади ва уларга нисбатан қабул қилувчи давлатнинг фуқаролик, жиноий ва маъмурий юрисдикциясидан дахлсизлик қўлланилмайди. Қабул қилувчи давлатнинг фуқароси ёки доимий резиденти бўлмаган миссиянинг хизмат ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида қилган ҳаракатларига нисбатан дахлсизликдан фойдаланадилар. Миссия ходимининг уй ишчилари, агар улар қабул қилувчи давлат фуқароси бўлмасалар ёки у ерда доимий истиқомат қилмасалар, фақат қабул қилувчи давлат рухсат берган даражада имтиёз ва дахлсизликлардан фойдаланишлари мумкин.

Шу билан бирга, қабул қилувчи давлат ушбу шахслар устидан ўз юрисдикциясини ваколатхона функцияларини бажаришга нотўғри аралашмасдан амалга ошириши керак. Шахснинг дахлсизлиги у мамлакатга кирган пайтдан бошлаб, ўз лавозимини эгаллашга киришаётганда ёки ушбу давлат ҳудудида бўлса, ташқи ишлар вазирлигига тайинланганлиги тўғрисида хабардор қилинган пайтдан эътиборан фойдаланади ва мамлакатни тарк этган пайтда ёки бунинг учун тегишли вақт ўтгандан кейин тугайди.

Консуллик дахлсизлиги тўғрисидаги асосий халқаро ҳужжатдан бири 1963 йилдаги «Консуллик муносабатлари тўғрисида»ги Вена конвенциясидир.

Консуллик муассасаси ходими – бу консуллик вазифасини адо этувчи ва ташқи ишлар вазирлиги томонидан берилган махсус ҳужжатларга эга бўлган ҳар қандай шахс ҳисобланади (масалан, консуллик муассасаси раҳбари). Консул (бош консул, вице-консул, консуллик ходими) деганда юборувчи давлатнинг қабул қилувчи давлатда ушбу давлат фуқаролари ва ташкилотларининг манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи мансабдор шахс тушунилади. Консул аккредитация қилувчи давлатнинг сиёсий манфаатларини ифодаламайди, фақат шахслар ва ташкилотларнинг шахсий манфаатларини ифодалайди. Бунинг натижасида консуллик дахлсизлиги жиноий юрисдикциядан дипломатик дахлсизлигига қараганда

анча чекланган ҳисобланади. Бундай шахслар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлардан озод этувчи дахлсизликка эга бўладилар. Ўзбекистон Республикасида консуллик курьерига ҳам дипломатик курьерга берилган ҳуқуқий мақом берилади. Консуллик бинолари жойлашган жойидан қатъий назар дахлсиздир. Уларнинг дахлсизлиги фақат консуллик муассасаси фаолияти учун фойдаланиладиган қисмигагина татбиқ этилади. Қабул қилувчи давлат ҳокимияти консуллик биносининг ушбу қисмига фақат консуллик муассасаси раҳбари, у томонидан тайинланган шахс ва юборувчи давлат дипломатия ваколатхонаси раҳбарининг розилиги билан кириши мумкин. Консуллик функцияларини бажариш пайтида содир этилган ҳаракатларга нисбатан қабул қилувчи давлатнинг жиноий юрисдикцияси тегишли эмас. Консуллик куръери ҳам ўз вазифаларини бажариш чоғида шахсий дахлсизликдан фойдаланади ва ҳеч қандай шаклда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Шундай қилиб, консуллик муассасаларининг барча мансабдор шахслари ва уларнинг ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида содир этган қилмишлари учун қабул қилувчи давлат томонидан жиноий жавобгарликка тортилмайди. Бундай шахслар, фақат оғир жиноятлар содир этганда, ваколатли органларнинг қарори билан қамоққа олиниши ёки шахсий эркинликлари бошқача шаклларда чекланиши мумкин. Ўзига нисбатан жиноий иш қўзғатилган консуллик мансабдор шахси ваколатли органларга келиши лозим. Шунга қарамай, иш юритишда у ўзининг расмий мавқеини ҳисобга олган ҳолда ҳурмат қилиниши ва унинг консуллик функцияларини бажариши учун имкон қадар кам тўсиқ қўйилиши керак. Консуллик муассасасининг ҳар қандай ходими ҳибсга олинган ёхуд унга нисбатан жиноий иш қўзғатилган тақдирда қабул қилувчи давлат консуллик муассасаси раҳбарини дипломатик каналлар орқали дарҳол хабардор қилиши керак. Консуллик ходимлари гувоҳлик беришлари шарт. Агар консуллик мансабдор шахс гувоҳлик беришдан бош тортса, унга нисбатан мажбурлаш ёки жазо чоралари қўлланилиши мумкин эмас.

Халқаро ташкилотлар ва улар ходимларининг дахлсизлиги бу - Халқаро ташкилотлар ва халқаро ҳимоядан фойдаланадиган шахсларнинг дахлсизликлари ва имтиёзларининг ҳуқуқий асосини кўплаб халқаро

конвенциялар, низомлар, халқаро ташкилотлар ва қабул қилувчи давлатлар ўртасидаги шартномалар ташкил этади. Жумладан: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1946 йилдаги «Имтиёз ва дахлсизликлар тўғрисида»ги конвенция, 1947 йилдаги «Ихтисослашган идораларнинг имтиёзлари ва дахлсизликлари тўғрисида»ги конвенция, 1973 йилдаги «Халқаро ҳимояланган шахсларга, шу жумладан дипломатик ходимларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисида»ги конвенция, 1975 йилдаги «Умуминсоний характердаги халқаро ташкилотлар билан муносабатларда давлатларнинг вакиллиги тўғрисида»ги Вена конвенцияси, 1980 йилдаги «Ҳамкорликнинг айрим соҳаларида фаолият юритувчи давлатлараро иқтисодий ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми, имтиёзлари ва дахлсизликлари тўғрисида»ги конвенция, 1994 йилдаги «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унга алоқадор ходимларнинг хавфсизлиги тўғрисида»ги конвенция ва бошқалар.

Ушбу нормаларга мувофиқ юқори мансабдор шахслар, уларнинг бинолари, транспортлари, ёзишмалари, халқаро ташкилотлар архивлари тўлиқ дахлсиздир Бу ҳолатда жиноий юрисдиксиядан дахлсизлик дипломатик дахлсизликка ўхшайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида бундай дахлсизлик БМТ Бош котибига, унинг ўринбосарларига, Халқаро суд судьяларига ва бошқаларга берилган. Давлатларнинг умуминсоний характердаги халқаро ташкилотлардаги доимий вакиллари дипломатик дахлсизликка ўхшаш дахлсизликка эга бўлади. Миссия раҳбари ва миссия ходимлари мезбон давлатнинг жиноий юрисдиксиясидан дахлсизликка эга²⁴. Шу билан бирга, дипломатик ваколатхона раҳбари ёки ваколатхона ходимларининг қабул қилувчи давлат юрисдикциясидан дахлсизлиги уни юборувчи давлат юрисдикциясидан озод этмайди. Ушбу қоида халқаро ташкилотларнинг бошқа мансабдор шахслари ва хизмат ходимларига, давлатларнинг бошқа вакилларига ҳам татбиқ этилади. Қабул қилувчи давлат қонунларига кўра жиноий жавобгарлик ушбу шахсларнинг фақат хизмат вазифаларини бажариш пайтида содир этган ҳаракатлари учун келиб чиқмайди. Масалан: шахсий саёҳати вақтида йўл ҳаракати

²⁴ 1975 йилдаги Умумжаҳон характердаги халқаро ташкилотлар билан муносабатларда давлатларнинг вакиллиги тўғрисидаги Вена конвенциясининг 30-моддаси.

қоидаларини бузган бу шахслар, қабул қилувчи давлат жиноят қонунчилигига мувофиқ умумий асосда жавобгар бўладилар.

Халқаро ҳукуматлараро ташиқлотларнинг ходимлари сифатида Ўзбекистонда аккредитациядан ўтказилган ташиқлотларнинг вакиллари тан олинади. Бундай мансабдор шахслар ва уларга тақдим этиладиган дахлсизликлар рўйхати халқаро шартномалар ва битимларга мувофиқ белгиланади. Ўзбекистон жиноий юрисдикциясидан сақловчи дахлсизликка эга бўлган бошқа шахсларга Ўзбекистон Республикаси худуди орқали транзит равишда ўтувчи, учинчи давлатдаги элчихона бошлиқлари, дипломатик таркиб ва уларнинг оила аъзолари киради. Шундай дахлсизлик давлатлараро музокараларда, халқаро конференцияларда ва йиғилишларда қатнашиш ёки бошқа расмий топшириқлар билан Ўзбекистон Республикасига келадиган хорижий давлатларнинг вакиллари, парламент ва ҳукумат делегациялари аъзолари, уларни кузатиб боровчи шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган оила аъзоларига ҳам берилади.

Махсус миссиялар дахлсизлиги - замонавий глобаллашув даврида давлатлараро муносабатларнинг фаоллашуви билан тавсифланади. Халқаро тажрибада давлатлар ижтимоий-иқтисодий, илмий, маданий, ҳуқуқий, ҳарбий ва бошқа соҳалар бўйича кўплаб делегациялар алмашишади. Бундай делегациялар вакилларининг ҳуқуқий мақоми халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик билан тартибга солинади. Бунда асосий ҳужжатлардан яна бири 1969 йилдаги «Махсус миссиялар тўғрисида»ги халқаро конвенциядир. Ушбу ҳужжатда махсус миссияни бошқа давлатга жўнатиш шарти белгиланган. Унга қўшимча равишда давлатлар ўртасида ваколатхоналар ва делегацияларнинг мақоми тўғрисида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида тузиладиган икки ва кўп томонлама шартномалар ҳам кириши мумкин. Бундай шартнома аъзолари қабул қилувчи давлат қонунларини бузса, мезбон давлатларнинг жиноий юрисдикцияси доирасидан озод этилади. Муайян бир давлат, ўзга давлатга дипломатик ёки бошқа келишилган ўзаро маъқул йўллар орқали олган розилиги асосида махсус миссия вакилини юбориши мумкин.

Бунда, фақатгина қабул қилувчи томоннинг розилиги билан делегация махсус миссия мақомини олади ва жўнатувчи давлат билан қабул қилувчи давлат ўртасидаги ўзаро келишувда белгиланган вазифаларни бажариши мумкин. Махсус миссия, унинг ходимлари, бинолари, транспорти, ёзишмалари дипломатик ходимлар билан бир хил дахлсизликка эга бўлади. Миссия аъзоларига, маъмурий ва техник ходимларга, шунингдек хизмат кўрсатувчи ходимларга ҳамроҳ бўлган оила аъзолари ҳам дипломатик ваколатхоналар билан боғлиқ ишлардаги каби дахлсизликка эга бўладилар. Дипломатик ходимларда бўлгани каби, жўнатувчи давлатнинг махсус миссиядаги вакиллари ва унинг дипломатик ходимлари, шу жумладан бундай давлатнинг раҳбари ва бошқа юқори мансабдор шахслари қабул қилувчи давлатнинг жиноий юрисдикциясидан дахлсизлиги уларни юборувчи давлат юрисдикциясидан озод этмайди. Демак, жўнатувчи давлат махсус миссия аъзоларини фуқаролик тамойилига мувофиқ, махсус миссияда бўлган вақтида, бошқа давлатда содир этган жинояти учун ўз қонунларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортишга ҳақли.

Бу борада **давлат раҳбарининг дахлсизлиги** масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мезбон давлат раҳбари шунингдек ушбу давлатга расмий ташриф буюрган бошқа давлат раҳбарлари халқаро ҳуқуқ томонидан тан олинган имтиёз ва дахлсизликлардан фойдаланади. Улар ўз давлатининг ҳамда қабул қилувчи давлатнинг жиноий юрисдикциясидан тўлиқ дахлсизликка эга. Миллий қонунчиликнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг умумий қонидаси шундаки, давлат раҳбари ўз лавозимида бўлган вақтида жиноий юрисдикциядан тўлиқ дахлсизликка эга. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қонунига кўра «Ўзбекистон Республикаси Президентининг шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади»²⁵. Давлат раҳбари фақат лавозимидан четлаштиришнинг махсус тартиби (импичмент) натижасида жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Давлат раҳбари лавозимини тарк этгач, собиқ давлат раҳбарининг дахлсизлиги масаласи миллий қонунчиликда турлича ҳал этилади.

Демократик давлатларнинг умумий қонидаси собиқ давлат раҳбарининг жиноят содир этгани учун жиноий юрисдикциядан дахлсизлигидир Халқаро

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 107-моддаси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон).

жиноят ҳуқуқининг ушбу энг муҳим тамойили дунёнинг кўплаб давлатлари томонидан қабул қилинган бўлиб, улар ўз давлат раҳбарларини содир этган жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортмайдилар. Бироқ бу қоида барча давлатларга хос эмас, бундан истисно ҳолатлар ҳам мавжуд. Жумладан, давлат раҳбарининг дахлсизлиги халқаро жиноятларга нисбатан тан олинмайди. Давлатларнинг халқаро амалиётида шахснинг давлат раҳбари бўлган даврида тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши содир этган жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида, собиқ давлат раҳбарларини экстрадиция қилиш ҳолатлари кам бўлсада мавжуд. Масалан: Геноцид ва уруш жиноятларини содир этишда айбланган Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевич иши, Ироқда унинг собиқ раҳбари Саддам Ҳусайн ва унинг атрофидагиларга қарши содир этилган ҳарбий жиноятлар, инсониятга қарши жиноятлар ва геноцидда айбланган суд жараёнлари ва бошқалар.

Расмий ички дахлсизлик мансабдор шахсларни ўз давлатининг жиноий юрисдикцияси дахлсизлигидан иборат. Ўзбекистон Республикасида бундай дахлсизлик қонун ҳужжатларига мувофиқ Олий мажлис депутатлари ва сенаторларига, Конституциявий суд, Олий суд судьяларига, шунингдек бошқа юқори лавозимли мансабдор шахсларга нисбатан қўлланилади. Шундай қилиб, Олий мажлис депутати ўз ваколатларининг бутун муддати давомида дахлсизликка эга ва жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Олий мажлис депутатининг дахлсизлиги улар эгаллаб турган турар-жой ва хизмат биноларига, улар фойдаланадиган шахсий ва хизмат транспортига, алоқа воситаларига, ҳужжатларига шунингдек ёзишмаларига тааллуқлидир.

Бундай ҳолларда жиноий юрисдикциядан дахлсизлик берилиши жамоат арбобларига ўз хизмат вазифаларини бажариши учун нормал шароитларни таъминлашдан иборатдир. Улар жавобгарликка фақат Олий Мажлис тегишли палатасининг уларни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги розилиги билан жалб қилинишлари мумкин. Суд томонидан белгиланган тартибда жиноят содир этилган жойда ушлаб туриш ҳоллари ёки бошқа шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун миллий қонунчилик талаб қиладиган ҳолларда сўроқ қилинганлиги бундан мустасно.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз мумкинки, жиноят қонунининг амал қилиш доирасида экстратерриториал (худуддан ташқари) ёки

дипломатик дахлсизликлар тамойилини жиноят кодексининг ҳудудийлик тамойилидан мустасно қилиш, дахлсизликдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас деган маънони келтириб чиқармаслиги керак, фақат уни ушбу мамлакат суди томонидан кўриб чиқиш имкониятини чегаралайди. Бунда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ аккредитация қилган давлат ваколатхона бошлиғи ва унинг оила аъзолари ёки ваколатхона шахсий таркибининг бошқа аъзосини «*persone non grata*» деб эълон қилиши мумкин, бу қарорни қабул қилган давлат ўз ҳаракатларини изоҳлаб беришга мажбур эмас. Аккредитация қилувчи давлат бундай шахсни чақириб олиши ёки ваколатхонада унинг фаолиятини тўхтатиши лозим. Агар аккредитация қилувчи давлат уни чақириб олишдан бош тортса ёки фаолиятини маълум муддатга тўхтатмаса, ваколатхона жойлашган давлат бундай шахсни ваколатхона ходими сифатида тан олмаслик ҳуқуқига эга. Шундай экан жиноят кодексининг 11-моддаси 4-қисмида белгилаб қўйилган жавобгарликка тортиш ҳақидаги масала халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳал қилинади. Бу қоида жиноят кодексида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига мутлақо мос келади.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада жиноят қонунининг амал қилиш доирасида экстратерриториал (худуддан ташқари) ёки дипломатик ва бошқа дахлсизликлар тамойилининг айрим назарий ва амалий жихатларига илмий асосланган таклиф ҳамда тавсиялар берилган.

В статье представлены научно обоснованные предложения и рекомендации по некоторым аспектам принципа экстерриториального или дипломатического и иных дахлсизликов в рамках уголовного закона.

This article provides scientifically based suggestions and recommendations on some aspects of the principle of extraterritorial or diplomatic and other immunities within the framework of the criminal law.

Шокир АЛБЕКОВ,
Старший преподаватель цикла физической подготовки
Институт повышения квалификации

РОЛЬ ПАТРИОТИЗМА В ФОРМИРОВАНИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КАЧЕСТВ И ЭТИКИ КУРСАНТОВ СЛУШАТЕЛЕЙ В ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНАХ

Патриотизм является одним из ключевых факторов, формирующих ценности и идеалы общества. Патриотизм есть моральный принцип, содержанием которого является любовь к своей родине, стране, народу и культуре. Патриотизм проявляется в разнообразных поступках и действиях людей: в освоении исторического и культурного наследия своей страны и своего народа, в соблюдении национальных традиций и обрядов, привязанности к «малой родине» - месту своего рождения или жительства, в защите своей страны от нападения врагов, заботе об интересах страны и народа, в приверженности ценностям своей культуры и т.д. Патриотические чувства и действия высоко ценятся в любом цивилизованном обществе.²⁶

В правоохранительных органах, патриотизм играет важную роль в формировании профессиональных навыков и этики у курсантов. Он способствует развитию высокого уровня ответственности, преданности службе и принципов справедливости. В настоящей статье мы рассмотрим источники патриотизма, его значение для будущих правоохранителей и методы развития патриотических ценностей среди курсантов.

1. Определение патриотизма и его основные аспекты.

Роль патриотизма в обществе и правоохранительных органах является значительной и многогранной. Патриотизм олицетворяет любовь и преданность своей стране и ее ценностям, а также стремление к благополучию и процветанию общества. В обществе патриотизм имеет несколько основных ролей:

²⁶ Мельникова Л.А., Сулонов П.Е. Профессиональный патриотизм как основа патриотического воспитания курсантов образовательных учреждений МВД России. //Перспективы науки и образования, 2013.

- **Единство и солидарность:** Патриотизм способствует объединению и сближению людей в обществе. Он создает чувство принадлежности и взаимопонимания между гражданами, что способствует формированию единого фронта при решении общих проблем и вызовов.

- **Защита интересов и безопасности:** Патриотизм мотивирует граждан защищать свою страну от внутренних и внешних угроз. Он способствует формированию и поддержанию правоохранительных органов, которые обеспечивают общественную безопасность и защищают права и свободы граждан.

- **Экономическое развитие и процветание:** Патриотизм может стимулировать экономическое развитие и процветание общества. Граждане, проявляя патриотические чувства, могут поддерживать местные предприятия, покупая продукцию и услуги внутри страны, что способствует росту национальной экономики и созданию рабочих мест.

В правоохранительных органах патриотизм также играет важную роль:

- **Профессионализм и этика:** Патриотизм способствует формированию высоких моральных и этических стандартов среди правоохранителей. Он мотивирует их служить обществу и бороться с преступностью, соблюдая законы и права граждан.

- **Безопасность и защита:** Патриотизм является важной мотивацией для правоохранительных органов в защите граждан и обеспечении общественной безопасности. Он вдохновляет правоохранителей на выполнение сложных и опасных задач в интересах своей страны и ее жителей.

- **Сотрудничество и солидарность:** Патриотизм способствует сотрудничеству и солидарности между правоохранительными органами различных уровней и с другими государственными органами. Это способствует более эффективной работе и координации в решении сложных преступных угроз национальной безопасности.

2. Влияние патриотизма на профессиональные качества курсантов.

Развитие ответственности и преданности службе является важной составляющей профессионализма в правоохранительных органах. Эти

качества играют значительную роль в обеспечении эффективного выполнения служебных обязанностей и в повышении доверия общества к правоохранителям. Ответственность включает в себя понимание и осознание своих обязанностей, исполнение своих обязательств с высоким качеством и соблюдение профессиональных стандартов и законов. Чтобы развивать ответственность, правоохранители должны постоянно совершенствовать свои навыки и знания, быть готовыми к принятию сложных решений и принимать ответственность за свои действия.

Преданность службе означает глубокую приверженность выполнению своих обязанностей и достижению целей, связанных с общественной безопасностью и защитой прав граждан. Правоохранители, проявляющие преданность службе, высоко ценят ценности и миссию правоохранительных органов и готовы посвятить свою энергию и усилия на благо общества. Развитие ответственности и преданности службе требует постоянного обучения и самосовершенствования. Правоохранители должны активно участвовать в профессиональном развитии, посещать тренинги, семинары и конференции, чтобы расширять свои знания и навыки. Они также должны быть готовы к работе в сложных и стрессовых условиях, быть гибкими и приспособленными к меняющимся требованиям своей профессии. Коллегиальность и поддержка внутри службы также играют важную роль в развитии ответственности и преданности службе. Взаимодействие и сотрудничество с коллегами помогают правоохранителям решать сложные задачи и преодолевать трудности вместе, а также укреплять их преданность целям и ценностям организации.

Развитие тактических и стратегических навыков является критической составляющей для успешного выполнения задач в правоохранительных органах. Эти навыки помогают правоохранителям разрабатывать и реализовывать эффективные планы действий в различных ситуациях, а также принимать взвешенные решения, основанные на анализе и оценке ситуации. Тактические навыки относятся к навыкам, необходимым для решения задач на оперативном уровне. Это включает умение анализировать ситуацию, прогнозировать возможные развития событий и эффективно реагировать на них. Тактические навыки также включают умение координировать действия

с коллегами, использовать доступные ресурсы и технологии, а также применять тактики, которые максимизируют успех в конкретных операциях. Стратегические навыки, с другой стороны, относятся к навыкам, необходимым для разработки общих планов и целей. Это включает умение анализировать широкий контекст и построение долгосрочных стратегий, основанных на оценке рисков и потенциальных выгодах. Стратегические навыки также включают умение управлять ресурсами, разрабатывать политики и стратегические планы, а также координировать действия внутри и вне организации. Развитие тактических и стратегических навыков требует постоянного обучения и практики.

Правоохранители должны участвовать в тренингах и семинарах, изучать передовые методы и техники в своей области. Они должны также анализировать и изучать случаи из прошлого, чтобы извлекать уроки и применять их в будущих операциях. Кроме того, развитие тактических и стратегических навыков требует опыта и менторства.²⁷ Правоохранители должны стремиться работать с более опытными коллегами и извлекать уроки из их опыта. Они также должны быть готовы принимать риски и пробовать новые методы, чтобы развивать свои навыки и приспосабливаться к меняющимся условиям. Таким образом, развитие тактических и стратегических навыков играет важную роль в повышении эффективности и успешности правоохранительных органов. Эти навыки помогают правоохранителям адаптироваться к сложностям и преодолевать вызовы, с которыми они сталкиваются в своей работе. Они также способствуют постоянному развитию и усовершенствованию в профессиональной сфере.

Развитие этики и профессиональной интегритета²⁸ играет фундаментальную роль в правоохранительных органах. Этика и профессиональная интегритет определяют стандарты морали, этики и ответственности, которые должны соблюдать правоохранители в своей работе с обществом. Этика в правоохранительных органах связана с нормами и принципами, определяющими правильное и неправильное поведение. Правоохранители должны придерживаться высоких стандартов этического

²⁷ Менторство - профессионал, который передаёт свои знания, умения и практический опыт другому, менее опытному или начинающему специалисту.

²⁸ Интегритет - территориальная целостность или территориальная неприкосновенность.

поведения, таких как честность, уважение, справедливость и правовая культура. Они должны относиться к каждому индивиду на основе справедливости и равенства перед законом. Профессиональная интегритет включает в себя сохранение честности, корректности и надежности в рамках профессиональной деятельности. Правоохранители должны быть преданными своим обязанностям и защищать интересы общества, даже в ситуациях, когда это требует личных жертв и противоречит личным интересам. Они должны действовать в соответствии с законами и правилами, соблюдать конфиденциальность и быть непредвзятыми в своей работе.

Развитие этики и профессиональной интегритета требует постоянной самоконтроля и самосовершенствования. Правоохранители должны постоянно оценивать свои поступки и принимать ответственность за свои ошибки. Они должны также стремиться к развитию навыков и знаний, связанных с этикой и профессиональной интегритетом, чтобы быть лучшими профессионалами. Кроме того, правоохранители должны находиться в окружении сотрудников, которые разделяют те же высокие стандарты этики и профессионального поведения. Коллегиальность и взаимодействие с коллегами помогают поддерживать и развивать этические и профессиональные ценности в рабочей среде. И, наконец, этика и профессиональная интегритет должны быть поддержаны руководством и организацией в целом. Правоохранительные органы должны создавать политики и программы, которые поддерживают этическое поведение и профессиональную интегритет, и активно бороться с любыми формами коррупции, нарушениями этики и злоупотреблениями. Таким образом, развитие этики и профессиональной интегритета является неотъемлемой частью работы правоохранительных органов. Оно помогает укрепить доверие общества к правоохранителям и обеспечить справедливость и законность в стране. Продвижение этических стандартов и профессиональной интегритета должно быть постоянным приоритетом правоохранительных организаций.

3. Методы развития патриотических ценностей среди курсантов.

Включение патриотической тематики в образовательные программы является важным элементом формирования национального сознания и гражданской идентичности у курсантов. Патриотическое воспитание

помогает укрепить любовь и привязанность к своей стране, ее истории, культуре и ценностям. Чтобы добиться этого, патриотическая тематика может быть включена в различные аспекты образовательных программ. Например, исторические уроки могут подчеркивать достижения и важные события в истории страны, а также рассказывать о героях и лидерах, которые способствовали ее развитию. Литературные произведения могут включать тексты о патриотизме и гражданской ответственности, чтобы внушить уважение к своей стране и ее ценностям. Обучение гражданскому образованию также может включать патриотическую тематику, чтобы учащиеся понимали свои права и обязанности как граждане и чувствовали ответственность за благополучие своей страны. Важно помнить, что патриотизм не должен противоречить космополитическим ценностям и уважению к другим культурам и народам. Он должен просто способствовать укреплению чувства принадлежности и гордости за свою страну. Включение патриотической тематики в образовательные программы также может способствовать развитию гражданского долга и активного участия в общественной жизни. Это включает понимание важности голосования, участия в общественных дебатах и распространения положительных изменений в своей стране. Однако важно обратить внимание на то, что патриотическая тематика не должна быть односторонней и искажать исторические факты. Она должна представлять разные точки зрения и способствовать обсуждению, анализу и критическому мышлению. В целом, включение патриотической тематики в образовательные программы помогает укрепить национальное сознание и гражданскую идентичность у курсантов. Оно способствует формированию лояльных, ответственных и активных граждан, готовых вносить положительные изменения в свою страну и общество.

Организация патриотических мероприятий и мероприятий, посвященных истории и культуре страны, играет важную роль в укреплении патриотических чувств и национального сознания у населения. Эти мероприятия помогают людям лучше понять и оценить свою родину, ее достижения, культурное наследие и ценности. Такие мероприятия могут включать парады, концерты, фестивали, выставки и культурные мероприятия, посвященные истории и культуре страны. Например, день

независимости или национальные праздники могут быть отмечены грандиозными парадами и торжественными мероприятиями, чтобы отметить важные этапы в истории страны. Музеи и галереи могут проводить специальные выставки, посвященные историческим событиям или знаменитостям, чтобы познакомить посетителей с наследием и достижениями своей страны. Такие выставки могут включать артефакты²⁹ и предметы искусства, которые иллюстрируют исторические события и культурные достижения.

Также можно организовывать лекции, семинары или круглые столы, посвященные истории, политике, культуре и традициям страны. Это поможет людям углубить свои знания о родине, а также провести обсуждения и ответить на вопросы, чтобы лучше осмыслить историю и культуру своей страны. Образовательные учреждения также могут организовывать специальные мероприятия, включая тематические уроки, изучение исторических и культурных материалов, а также конкурсы и проекты, связанные с историей и культурой страны. Это поможет курсантам углубить свои знания, развить патриотические чувства и укрепить связь с их национальной идентичностью. Важно, чтобы организация таких мероприятий была всесторонней и отображала множество аспектов истории и культуры страны, а также учитывала разнообразие изображений, мнений и опыта людей. Таким образом, мы можем создать включающую и здоровую патриотическую среду, которая способствует пониманию и уважению к разным культурам и народам.

Призыв к личному примеру и вовлеченности педагогического персонала играет ключевую роль в формировании патриотических чувств и национального сознания у курсантов. Педагогический персонал должен проявлять примеры патриотизма, любви к своей стране и уважения к ее истории и культуре. Прежде всего, педагогический персонал должен сам быть хорошо осведомленным о истории и культуре своей страны. Они должны быть в курсе значимых событий, достижений и героев, а также понимать основные ценности и традиции страны. Это позволит им передавать эти знания и ценности своим ученикам. Вовлеченность

²⁹ Артефакт- любой искусственно созданный объект, имеющий как определённые физические характеристики, так и знаковое, символическое содержание.

педагогического персонала в организацию и проведение патриотических мероприятий также играет важную роль. Они могут принимать активное участие в планировании и проведении парадов, концертов, выставок и других мероприятий, посвященных истории и культуре страны. Это демонстрирует курсантам их приверженность и вовлеченность в патриотическое воспитание. Кроме того, педагогический персонал должен поддерживать диалог и обсуждения с учащимися на тему патриотизма, истории и культуры страны. Они могут стимулировать интерес к историческим событиям, поощрять участие в обсуждениях и способствовать развитию осознанного и критического мышления. Это поможет курсантам лучше понять значение истории и культуры своей страны.

Личный пример педагогического персонала также является важным фактором в формировании патриотических ценностей у курсантов. Они должны проявлять патриотические чувства в своей речи, поступках и отношении. Это включает уважение к национальным символам, участие в общественной жизни и добровольчестве, а также ответственное отношение к своим гражданским обязанностям. Видя такие примеры у своих учителей, курсанты будут вдохновлены и мотивированы следовать этому примеру.

Педагогический персонал может предпринять следующие мероприятия и инициативы для вовлечения курсантов в патриотическую деятельность:

1. Организация патриотических клубов или групп: Педагоги могут создать специальные клубы или группы, в которых курсанты будут обсуждать и исследовать историю и культуру своей страны. В этих клубах можно проводить дебаты, конкурсы, презентации и другие мероприятия, чтобы курсанты могли активно участвовать и выразить свое патриотическое отношение.

2. Организация патриотических конкурсов: Педагоги могут организовывать конкурсы, связанные с историей, культурой и значимыми событиями страны. Это могут быть конкурсы сочинений, рисунков, презентаций или даже патриотических песен. Это способствует

вовлечению курсантов, позволяет им продемонстрировать свои знания и выразить свои чувства по отношению к своей стране.

3. Организация экскурсий: Педагоги могут организовать посещение исторических и культурных мест, музеев, памятников и мемориалов, связанных с историей и культурой страны. Это поможет курсантам на практике увидеть и ощутить значение исторических событий и достижений своей страны.

4. Включение патриотической тематики в учебный план: Педагоги могут включать патриотическую тематику в учебный план, чтобы курсанты получили более глубокие знания о своей стране. Это может быть изучение истории, культуры, героев и важных событий своей страны. Это поможет формированию патриотических ценностей у курсантов и укреплению их национальной идентичности.

5. Организация праздников и мероприятий, посвященных национальным праздникам: Педагоги могут активно участвовать в организации праздников, связанных с национальными праздниками. В этих мероприятиях курсанты могут проявить свою творческую инициативу, например, выступить с песнями, танцами, поэзией и т.д., чтобы отметить важность и гордость за свою страну.

Патриотизм играет существенную роль в формировании профессиональных качеств и этики у курсантов в правоохранительных органах. Он способствует развитию высокого уровня ответственности, преданности службе, этики и профессиональной интегритета. Для эффективного развития патриотических ценностей среди курсантов, необходимо включать патриотическую тематику в образовательные программы, организовывать патриотические мероприятия и стимулировать вовлеченность педагогического персонала.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada vatanparvarlikning huquqni muhofaza qilish organlarida kursantlarning kasbiy fazilatlari va odob-axloq qoidalarini shakllantirishga ta'siri o'rganiladi. U vatanparvarlik sohasidagi mavjud adabiyotlar va tadqiqotlar tahlili hamda uning huquqni muhofaza qiluvchi organlar o'rtasidagi kasbiy

mahorat va axloq bilan bog'liqligiga asoslanadi. Maqolada vatanparvarlik tushunchasi, uning huquqni muhofaza qiluvchi organlardagi o'rni va ahamiyati, shuningdek, vatanparvarlik qadriyatlarining kursantlarning kasbiy mahorati va o'dob-axloqini rivojlantirishga ta'siri ko'rib chiqiladi. Tadqiqot shuningdek, bo'lajak huquqni muhofaza qiluvchi organlar xodimlari o'rtasida vatanparvarlik qadriyatlarini targ'ib qilish bo'yicha tavsiyalar va amaliy takliflarni o'z ichiga oladi.

Данная статья исследует влияние патриотизма на формирование профессиональных качеств и этики курсантов в правоохранительных органах. Она основана на анализе существующей литературы и исследований в области патриотизма и его связи с профессионализмом и этикой среди правоохранительных органов. В статье рассматривается понятие патриотизма, его роль и значение в правоохранительных органах, а также влияние патриотических ценностей на развитие профессиональных навыков и этики курсантов. Исследование также включает рекомендации и практические предложения по продвижению патриотических ценностей среди будущих правоохранителей.

This article explores the impact of patriotism on the formation of professionalism and ethics among law enforcement cadets. It is based on the analysis of existing literature and research in the field of patriotism and its relationship to professionalism and ethics among law enforcement agencies. The article examines the concept of patriotism, its role and importance in law enforcement agencies, and the impact of patriotic values on the development of cadets' professional skills and ethics. The study also includes recommendations and practical suggestions for promoting patriotic values among future law enforcement officers.

*Илмий ахборот***Кенжабай БЕЙСЕНОВ,*****Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультети
Махсус фанлар цикли ўқитувчиси, подполковник*****ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА МАҲКУМЛАР
БИЛАН ПСИХОЛОГИК ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Маҳкумлар томонидан такрорий жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг хулқ-атворларини психологик жиҳатдан ўрганиш, кўникиш даврида мослашишга руҳий жиҳатдан ёрдамлашиш, тарбиявий ишнинг самарадорлигини ошириш ва соҳавий хизмат ходимларига зарур маълумотларни етказиб бериш мақсадида, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар ўртасида психологик ишларни олиб боровчи психолог хизмати ташкил этилган.

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар билан психологик ишларни ташкил этишга тўхталишдан олдин, қуйидаги тушунчаларга таъриф бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир: **психолог** (юнонча: ψυχή.-руҳ, λόγος - билим) – тадқиқот ва амалий вазифаларни ҳал қилиш учун, шунингдек, психологик ёрдам, қўллаб-қувватлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида инсон фаолиятининг турли соҳаларида шахснинг руҳий ҳодисаларини ташкил этишнинг намоён бўлиши, усуллари ва шаклларини ўрганиш билан шуғулланадиган мутахассис³⁰; **тренинг-бу** ўз олдига кўплаб мақсадларни қўядиган ва охир-оқибат инсоннинг ижтимоий ўзаро таъсири самарадорлигини оширишга олиб келадиган психологик ёрдамнинг гуруҳ шакли³¹; **психопрофилактика-бу** руҳий касалликлар пайдо бўлишининг олдини оладиган ва руҳий саломатликни сақлашга ёрдам берадиган чора-тадбирлар ва усуллар тизими³²; **стресс-** инглизча сўздан олинган бўлиб танглик, зўриқиш, босим, деган маъноларни англатади. Оддий тилда тушкунликка берилиш, дейилади. Бу баъзида оз фурсатда, айрим вақтларда эса узоқ жараёнларда кечиши мумкин. Иккала

³⁰ <https://ru.wikipedia.org/wiki/Психолог>.

³¹ <https://www.b17.ru/article/561381/>

³² <https://blog.wikium.ru/chto-takoe-psihiprofilaktika>.

ҳолатда ҳам инсонга зарар етказади. Яъни ақлий фаолиятнинг сустлашиши, юрак уриши тезлашиши, қон томирлари кенгайиши, ички касалликлар— ошқозонда яллиғланишлар келиб чиқишига таъсир кўрсатади. Стресснинг салбий томонларидан яна бири мияни тормозлантириб, фикрлардан маъно топа олмайдиган инсонга айлантириб қўйиши мумкин³³; **депрессия** -руҳий касаллик бўлиб, у одамда ҳаётга бўлган умидсизлик, одамларга бўлган ишончсизлик, тушкунлик, ёлғизлик, стресс, тўхтовсиз хавотирланиш ва шу каби ёмон ҳиссиётларни уйғотиши мумкин; **психологик консультация** – маҳкум билан дўстона алоқа ўрнатиш, маҳкумга ўз ичидаги дардлари ва қийнаётган муаммоларини айтиб олишига имконият яратиш, биргаликда муаммога тўғри ёндашиш, маҳкумнинг консультациядан кутаётган натижаларини аниқлаш, муаммонинг ечим вариантларини ишлаб чиқиш, маҳкумга тўғри келадиган мос вариантни танлаш, аниқланган муаммоларнинг ечимини топиш.

Темперамент – бу инсонларнинг хулқига онгли таъсир қилувчи жинслари, маданиятлари ва бошқа омиллари асосида генетик таъсир қилинган меросий қирраларнинг туғма мойилликлари, тенденциялари, тахминлари ҳамда йўллариidir. Инсонлар тўрт хил темперамент хусусиятларига бўлинадилар: **холериклар** (кучли, иродали); **Меланхоликлар** (ожиз, иродасиз); **сангвиниклар** (кучли, иродали, ҳаракатчан); **флегматиклар** (кучли, иродали, босик). Ҳар бир темперамент ўзига хос характер хусусиятига эга. Масалан, **холериклар** Экстроверт (муомалага киришувчан) бўлибгина қолмай беқарордир. Уларнинг қўзғалиши тез ва тезда портлаши мумкин. **Сангвиниклар** ҳам экстроверт инсонлар сирасига киргани билан аммо улар барқарордир. Уларнинг асаб тизими яхши ривожланган. **Меланхолик** инсонлар эса интровертлардир (мулоқотга киришимсиз). Чунки, улар пессимистик фикрлар билан ҳаёт кечиришади. Улар ҳам холериклар каби беқарордир, яъни ўзгарувчан, бирозгина қийинчилик ёки танқидга бардоши етмайди. **Флегматиклар** ҳам ўзига хос хусусиятларга эга шахслардир. Улар интроверт инсонлар сирасига кирадилар. Шу билан биргаликда барқарор, яъни асаб тизими яхши ривожланган. Тезда қўзғалиши қийин. Кўриб турганингиздек ҳар бир темпераментнинг ўзига хос хусусияти мавжуддир. Шу билан биргаликда

³³ <https://uza.uz/uz/posts/stressni-nimalar-keltirib-chiqaradi>.

ҳар бирида бир-бирига тескари бўлган хусусиятлари ҳам бор. Психологларнинг таъкидлашича инсон фақатгина учтагача темпераментга мансуб бўлиши мумкин экан. Лекин, ўзимнинг амалиётчи психолог сифатидаги тажрибамда тўрттагача темпераментга мансуб инсонларни ҳам учратганман. Бу вақтинчалик ҳолат бўлиб, инсон ижтимоий муҳит, вақт давомида айнан маълум бир типга мослашиб бораверади. Яъни ўзига хос характер хусусият шаклланади³⁴.

Психологлар учун жазони ижро этиш муассасалари ички ҳудудидан алоҳида иш юритиш ҳамда руҳий енгиллаштириш ва тренинглар ўтказиш учун хоналари ажратилган. Психологнинг иш юритиш хонасида компьютер столи, стул, компьютер, темир сейф, китоб ва кийим жавони, парда, гилам ва бошқа жиҳозлар бўлиши лозим.

Руҳий енгиллаштириш ва тренинглар ўтказиш хонасида стол ва 12–15 киши учун мўлжалланган стуллар, юмшоқ ўриндиклар, психоаналитик кушетка, китоб жавони, интерактив доска, муסיқа эшитиш мосламаси ва аквариум, хонага мос парда, гилам, шахснинг руҳиятига ижобий таъсир этувчи расмлар бўлиши лозим³⁵.

Психологлар маҳкумлар ўртасида ўтказиладиган психологик тадбирлар жазони ижро этиш муассасаларининг соҳавий хизмат ходимлари билан узвий ҳамкорликда амалга ошириладилар. Амалга ошириладиган психологик тадбирлар натижалари ҳақида ҳар ойда ҳисобот тузилиб юқори турувчи идораларга тақдим этиладилар. Маҳкумлар билан ўтказилган психологик тадбирлари бўйича ҳужжатлар психологнинг сейфида сақланади ва маҳкум тўғрисидаги индивидуал маълумотларни бошқа шахслар томонидан маҳкумга қарши ишлатиши мумкинлигининг олдини олиш мақсадида маҳкум шахсининг сир сақланиши таъминланади.

Маҳкумлар ўртасида ўтказиладиган психологик ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг руҳиятидаги ўзгаришларни аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш мақсадида психолог жазони ижро этиш муассасалари ички ҳудудида фуқаролик кийимида хизмат олиб борадилар.

³⁴ <https://www.samdu.uz/cy/news/>.

³⁵ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар билан тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида” 284 сонли буйруқ.

Психолог маҳкум шахсини индивидуал психологик хусусиятларини ўрганиш орқали ташхис қўйиб, бу бўйича тавсиялар ишлаб чиқади ва маҳкумлар билан яқка тартибда тарбиявий ишларни олиб бориш дафтарига психологик портрети бўйича қисқача маълумотларни киритади.

Жазони ижро этиш муассасаларида психолог томонидан шахсни жамиятдан ажратилган шароитга мослаштириш, депрессия ва стресс ҳолатларидан чиқиб кетиш, шахслараро муносабатларни ўрнатиш ва маҳкумларни озодликка тайёрлаш бўйича тадбирларни амалга оширадилар.

Психологнинг махсус усуллари ва хизматига тааллуқли айрим ҳолатлар сирини бошқа шахслар томонидан билиб олинishiга йўл қўйилмайди, шунингдек, психологик суҳбат, текширув ва шахсни ўрганиш жараёнида олинган шахсий маълумотларни тарқатилмаслик чораларини кўрадилар.

Тергов ҳибсхоналарида психолог сақланаётган шахслар билан психологик суҳбатлар ўтказиши ва жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни қилган жиноятига бўлган муносабатини аниқлаш, маҳкумларнинг руҳий ҳолатини ўрганиш, агрессия, депрессия, стресс ҳолатидан чиқиб кетишига кўмаклашиш, маҳкумлар орасида соғлом руҳий муҳит яратиш, ҳар бир маҳкум характериға хос бўлган ижобий ёки салбий, лидерлик хусусиятлари мавжуд маҳкумларни аниқлаш, маҳкумларнинг фикрлаш доираси, қобилиятлари ва қизиқишларини ўрганиш, шунингдек, ички тартиб қоидаларни бузишға мойил, ўз хатти-ҳаракатларини бошқаришға қийналадиган маҳкумлар билан психологик ишларни кучайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

Психолог маҳкумларнинг психологик ҳолати (кайфияти, руҳиятидаги ўзгаришлар, агрессивлик, стресс ва бошқалар), билиш жараёнлари (сезги, идрок, хотира, диққат, тафаккур, хаёл), индивидуал хусусиятлари (темперамент, характер, қобилият, қизиқишлар), оилавий аҳволи (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари, қариндошлари билан муносабати, турмуш тарзи), хулқ-атворидаги ўзгаришлар (атрофидагиларға муносабати, юриш-туриши, хатти-ҳаракатлари, туркумда ўзини тутиши ва бошқалар)ни ўрганиб, психологик тарғибот, психопрофилактика,

психодиагностика, психокоррекция ва психоконсультация ишларини олиб боради.

Маҳкумларнинг психологик портретларини яратишда психологик ташхис қўйиш, алоҳида эътибор талаб қиладиган гуруҳларга аъзо бўлган шахслар (маҳкумлар)ни ҳар томонлама объектив ўрганиш орқали индивидуал психологик хусусиятларини аниқлашда психодиагностикадан фойдаланиладилар.

Ушбу ишларни амалга оширишда махсус психодиагностик методлар (кузатиш, суҳбат, анкета, эксперимент биографик метод, тест ва бошқалар) қўлланиладилар.

Психологик консультация жараёнида маҳкумларга муаммоли вазиятларда ечим топишга ёрдам берилади. Психологик консультациянинг асосий вазифалари эмоционал кўмак ҳамда маҳкумларни хавотирга солаётган жараёнларни ўрганиш, муаммога психологик ёндашиш, маҳкумларда масъулият ҳиссини ошириш, ҳаётга реал ва ҳаётий маслаҳат бериш кабилардан иборат бўлади.

Психокоррекциянинг мақсади – шахснинг ижтимоий-психологик қарашларини мақсадга йўналтирган ҳолда ўзгартириш, ўзини-ўзи бошқариш, назорат қилиш, мулоқотга киришиш малакаларини шакллантириш, шахс муносабатларини ривожлантириш ва шахслараро муносабатлардаги нуқсонларни тузатиш (коррекция қилиш), ноқулай психологик муҳит ва омилларга чидамлилиқни ошириш.

Маҳкумларнинг руҳий ҳолатини яхшилаш, соғлом фикрларни шакллантириш, янги муҳитга мослашишида кўмаклашиш, низоларнинг олдини олишда ёрдам бериш, руҳий тушкун ҳолатдан чиқиб кетишида ҳамда соғлом руҳий муҳитни шакллантириш мақсадида психологик тренинг машғулотлари ўтказилади³⁶.

Психологик тренинг ташкил этишда дастур тузилади ва ушбу дастур асосида маҳкумларнинг ёши, муаммоси, фаоллик даражасига эътибор қаратилади. Психолог режа асосида маҳкумлар ўртасида яқка тартибда, гуруҳ билан ва оммавий шаклда психологик тадбирлар олиб боради.

³⁶ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар билан тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида” 284 сонли буйруқ.

Маҳкумлар ўртасида ўтказиладиган психологик ишлар жазони ижро этиш муассасаларининг соҳавий хизмат ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилади.

Маҳкумлар ўртасида психологик ишлар, психологик методлар таҳлили асосида олиб борилади, жазони ижро этиш муассасаларининг соҳавий хизмат ходимларига психологик тавсиялар берилади.

Жазо муддатини ўтаётган маҳкум ҳуқуқбузарлик содир этганда, унинг руҳий ҳолати ўрганилиб, психологик хулосалар берилади.

Маҳкумларни ўрганиш жараёнида психолог томонидан жазони ижро этиш муассасалари соҳавий хизмат ходимларига оғзаки тарзда тавсиялар, маслаҳатлар, йўлланмалар берилади.

Психолог жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган барча маҳкумларнинг психологик портретларини яратиб боради ва маҳкумнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига бириктириш учун жазони ижро этиш муассасаларининг махсус ҳисоб бўлимига тақдим этадилар.

Психолог жазони ижро этиш муассасаларининг соҳавий хизматлари (тезкор, тартибот, тарбия, даволаш-профилактик ёрдам кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва махсус ҳисоб бўлими)дан маҳкумнинг шахси ва ҳуқуқига оид ахборот ҳамда маълумотларни оғзаки ёки ёзма олиши мумкин.

Психолог жазони ижро этиш муассасалари маъмурияти номидан маҳкумнинг қамоққа олингунга қадар яшаган, даволанган, меҳнат қилган жойидаги ташкилотларга маҳкумга оид керакли маълумотларни сўраб муурожаат этиши ҳам мумкин.

Маҳкумни жазони ўташ муддатида илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ёки манзил-колониясига жазо муддатини ўташи учун ўтказиш ёхуд сақлаш шароитини ўзгартириш масаласини кўриб чиқишга тақдим этиш ишлари юзасидан психолог томонидан психологик тавсифномалар берилади.

Психолог томонидан жазони ижро этиш муассасаларидан озод бўлган маҳкумлар билан тарбиявий ишларни давом эттириш учун, маҳкум танлаган яшаш ҳудудидаги ички ишлар органлари, маҳкум озод этилганидан сўнг ўн кун муддат ичида психологик хабарномалар юборилади.

Тузалиш йўлига ўтмаган, негатив ҳисобда турувчи, руҳиятида оғиши бор, ҳукукбузарлик содир этган маҳкумлар ҳамда хавфли рецидивистлар билан суҳбатлар олиб борадилар. Тузалиш йўлига ўтмаган, негатив ҳисобда турувчи, руҳиятида оғиши бор маҳкумлар ҳамда ўта хавфли рецидивистлар билан олиб борилган психологик ишларни қайд этиш дафтарига психолог томонидан ёзиб борилади.

Маҳкумларни озодликка тайёрлашда психологик ёрдам кўрсатиш ва руҳий ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш бўйича ўтказилган психологик тадбирлар ўтказилади. Маҳкумларни озодликка тайёрлашда психологик ёрдам кўрсатиш ва руҳий ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш бўйича ўтказилган психологик тадбирлар натижаларини қайд этиб бориш дафтарига психолог томонидан ёзиб бориладилар.

Муассасага янги келган маҳкумларнинг руҳий ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича психологик тадбирлар ўтказилади. Муассасага янги келган маҳкумларнинг руҳий ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича ўтказилган психологик тадбирларни қайд этиш дафтарига психолог томонидан ёзиб борилади.

Психолог маҳкумларни психологик муурожаатлари бўйича қабул қилади ва келтирилган маҳкумларни психологик муурожаатлари бўйича қабул қилиш дафтарига қайд этиб борадилар.

Психолог томонидан маҳкумга оид зарур маълумотларни олиш бўйича жазони ижро этиш муассасаларининг соҳавий хизматлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан олиб борадиган ёзишмалари, шунингдек, маҳкумларнинг руҳий ҳолатини махсус психологик услублар асосида ўрганиш, тренинглар ва тадбирлар ташкил қилиш натижалари ва улар юзасидан расмийлаштириладиган ҳамда тўпланадиган ҳужжатларни умумлаштириб бориши учун алоҳида-алоҳида йиғма жилд юритади.

Хулоса ўрнида, жазони ижро этиш муассасаларида психолог томонидан маҳкумлар билан психологик ишларни ташкил этишда қуйидаги ишларни амалга ошириши керак: янги келган ҳар бир маҳкумга индивидуал тарзда ёндашиб, психологик хусусиятларини ўрганиш, онгини ижобий тарафга ўзгартириш, содир этган жиноятидан пушаймон бўлиш ҳиссини уйғотиш бўйича психологик ишларни олиб бориш; тузалиш йўлига ўтмаган, негатив ҳисобда турувчи, руҳиятида оғиши бор,

хукукбузарлик содир этган маҳкумлар ҳамда хавфли рецидивистлар, кучли руҳий зўриққан маҳкумлар билан мунтазам равишда психологик тадбирлар ўтказиш; маҳкумлар билан бузғунчи ғояларнинг шахс руҳиятига салбий таъсири юзасидан ишлар олиб бориш, уларга маънавий-маърифий, диний қадриятлар ҳамда Ватанга садоқат ҳиссини оширишда таъсир кўрсатадиган самарали усулларни қўллаш; маҳкумларнинг руҳий ҳолатини яхшилаш, соғлом фикрларни шакллантириш, янги муҳитга мослашишида кўмаклашиш, низоларнинг олдини олишда ёрдам бериш, руҳий тушкун ҳолатдан чиқиб кетишида ҳамда соғлом руҳий муҳитни шакллантириш мақсадида психологик тренинг машғулотларини ташкиллаштириш; ўтказилган психологик ишларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, алоҳида ёндашиш лозим бўлган маҳкумлар бўйича соҳавий хизмат ходимларига тавсиялар бериш, психолог мунтазам равишда шахс психологиясига ижобий таъсир кўрсатиши, руҳий зўриқишни ечиши, характерни аниқлаши ва бошқа шу йўналишдаги янги усул ва услубларни ўрганиш бўйича доимий малакасини ошириши ҳамда касбига оид махсус ўқув курслар ва семинар-машғулотларда қатнашиши керак.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар билан психологик ишларни ташкил этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилган.

В данной статье даны научно обоснованные предложения и рекомендации по организации психологической работы с осужденными в исправительных учреждениях.

This article provides scientifically substantiated proposals and recommendations for the organization of psychological work with convicts in penal institutions.

Хусан МУСЛИМОВ,
*Малака ошириш институти Жанговар тайёргарлик
цикли ўқитувчиси, майор*

**УЧУВЧИСИЗ УЧАДИГАН АППАРАТЛАРДАН
КУЗАТУВ ОЛИБ БОРИШДА ФОЙДАЛАНИШ ҲАМДА
УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИ**

Учувчисиз учадиган аппаратларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида яъни, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 ноябрь кунидаги “Ўзбекистон Республикасида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ВМҚ-658-сон Қарорида **“учувчисиз учадиган аппарат** – учувчисиз парвозни амалга оширадиган ёки тўлиқ бошқа жойдан масофадан туриб бошқариладиган ёхуд дастурлаштирилган ва парвозда тўлиқ автоном бўлган ҳаво кемаси (ҳаво кемалари моделлари ва ўйинчоқ ҳаво кемалари моделлари бундан мустасно). Учувчисиз учадиган аппарат ўзида одатда яхлит тизим сифатида фойдаланиладиган учувчисиз ва масофадан бошқариладиган ҳаво кемаларини бирлаштиради” дея таъриф берилган³⁷.

Дронларга ўрнатилган илғор техник воситалар ёрдамида фойдали маълумотларни осонгина тўплаш мумкин бўлади. Бу кузатув объектидан юзлаб метр масофада туриб сизга керакли бўлган махфий маълумотларни ёзиб олиш имконини беради. Бунда юқори аниқликдаги микрофонлар ва камералар жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Бундай маълумотларни йиғиш эса табиийки, ер юзидаги барча мамлакатлар аҳолиси учун жуда катта хавф-хатарни юзага келтиради.

Кичик ҳажмли учувчисиз учадиган аппаратлар ва микро-кичик ҳажмли учувчисиз учадиган аппаратлар жамоат хавфсизлигига, мамлакат тинчлиги ва осойишталигига балки мамлакатнинг ҳарбий хавфсизлигига шу жумладан, тоифаланган объектларга шиддат билан таҳдид соладиган технология бўлиб қолмоқда. Бундай учувчисиз

³⁷ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, яъни Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 ноябрь кунидаги “Ўзбекистон Республикасида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ВМҚ-658-сон Қарори

учадиган аппаратлар одатда дронлар деб аталади, чунки уларнинг ҳажми жуда ҳам кичик, вазни эса енгил бўлади. Умумий дронларнинг узунлиги ва кенглиги 1 метрдан катта бўлмайди, энг максимал учадиган оғирлиги 15 килограммдан кам бўлади. Бундай кичик ҳажмли учувчисиз учадиган аппаратларни халта ёки сумкада осонгина олиб юриш мумкин бўлади. Мазкур дронларнинг яна бир афзаллик томони уларнинг нархлари арзонлигидадир.

Аксарият учувчисиз учадиган аппаратларга ўрнатилган аккумулятор батареялари 50 километрдан ортиқ масофани учиб ўтиш имконини беради. Агар учувчисиз учадиган аппаратларга такомиллаштирилган янада самарали бўлган двигателлар ҳамда сиғими нисбатан катта аккумулятор батареялар ўрнатилса, бу кўрсаткич анча яхшиланиши ва самарадорликни ошириши мумкин бўлади. Ҳозирги кунга келиб, учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш ва бошқаришда сунъий йўлдошдан фойдаланиш имконини берувчи технологияларни қўллаш ривожланиб бормоқда. Бу ўз ўрнида диспетчерга учувчисиз учадиган аппаратлар билан нафақат визуал алоқа, визуал алоқадан ташқарида ҳам алоқа қилиш имконини яратади. Масалан, 600 метр баландликда ҳаракатланаётган учувчисиз учадиган аппарат орқали деярли 80 километр радиусни кузатиш ёки маълумот олиш мумкин. Агарда сунъий йўлдош алоқасидан фойдаланилса, бу диспетчер учун учувчисиз учадиган аппаратни бошқариш масофасини сезиларли даражада ошириш имконини яратади. Сенсорлар ва маълумотларни узатиш линиялари технологияси такомиллаштирилса, учувчисиз учадиган аппаратлар махфий маълумотлар хавфсизлигига жуда катта таҳдид солиши мумкин. Ахборотни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш учун учувчисиз учадиган аппаратларнинг кузатув ёки жосуслик фаолиятдан хабардор бўлиши жуда муҳим омил саналади.

Учувчисиз учадиган аппаратларни аниқлаш усуллари мавжуд бўлиб, бутун дунё олимлари томонидан муҳокама қилинган технологик тенденцияларни умумлаштирувчи усулларнинг қисқача тавсифи мавжуд. Бунда асосий эътибор аниқ ва қисқа вақт оралиғида операцион маълумот бера оладиган кичик ҳажмли учувчисиз учадиган аппаратларга қаратилган. Бундан ташқари, уларни ташиш жуда ҳам

қулай, ҳар қандай ҳудудда осонгина ишга тушириш мумкин бўлади, шунингдек, уларни аниқлаш анча қийинчиликлар туғдиради.

Видеокамералар орқали аниқлаш усулида видеокамералар учувчисиз учадиган аппаратларни 100 метр масофадаги диапазон оралиғида аниқлаш имконини беради. Бу анча қисқа масофа. Бу усулнинг ўзига хос камчилиги эса об-ҳаво билан боғлиқ. Масалан: агар об-ҳаво булутли бўлган ҳолатда қалин туман ва тунда видеокамера воситалари етарли самара бермайди. Бунинг сабаби эса дронлар 16 м/с ёки 58 км/соат тезликда ҳаракатланади. Агар қушлар парвоз вақтида қанотларини силкитмасдан бир меъёрда ҳаракатланаётган бўлса, бунда камералар дронлар ва қушларни бир-биридан ажратиб олишда қийинчиликка учрайди. Бу усул нотўғри қарашларни келтириб чиқариши мумкин. Бироқ, сунъий интеллектдан фойдаланиб, компьютерни кўриш технологияси орқали ҳаракатни таҳлил қилиш ёрдамида фото ёки видеокамера тасвирларида учувчисиз учадиган аппаратларни қушлардан осон фарқлаш мумкин бўлади.

Термик аниқлаш усулидан 100 метр масофагача фойдаланиш мумкин. Бу ҳам ўз ўрнида об-ҳаво шароитларига боғлиқ бўлади. Шунингдек, учувчисиз учадиган аппаратларнинг электр моторларини термик ҳимоя қилиш орқали термик аниқлаш усулининг самарадорлигини камайтириш мумкин³⁸. Аксарият учувчисиз учадиган аппаратлар пластик ва углерод толасидан ташкил топган. Мазкур ҳолат ўз навбатида, термик аниқлаш бўйича биров муаммоли вазиятни юзага келтиради. Инфрақизил нур орқали ишловчи камераларнинг кичик ўлчамдаги қушларни аниқлаш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Бу чалғитма сигналларнинг юқори частотасини ҳосил қилади.

Радиочастота сигналини доимий равишда қабул қилиш зарурлиги туфайли, радиолокация қурилмаларини аниқлашнинг яна бир муаммоси вужудга келади. Радио узатгични шаҳар жойларга, инсонларнинг иш ва яшаш жойларига ўрнатиш соғлиқ учун жиддий хавф туғдиради. Бундан ташқари, радио узатгич 24/7 режимида узлуксиз ишлашини таъминлаш эса катта миқдорда электр энергиясини ҳамда молиявий ҳаражатларни

³⁸ “Радар ёрдамида мини дронларни аниқлаш” <https://eandt.theiet.org/content/articles/2014/12/radars-to-prevent-drone-aircraft-collisions-already-in-testing/> (16.04.2021).

талаб этади. Бу эса ўз навбатида, маблағ билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради.

Кичик ҳажмли учувчисиз учадиган аппаратларни пассив радар орқали аниқлаш усули Канаданинг Оттава шаҳрида қўлланилган. Оттава шаҳридаги Кемп-Форчун (Семп-Forchun) тоғли ҳудудидаги дам олиш масканида телевизион сигнал узатувчи қурилма мавжуд. Бу қурилма кичик ҳажмли учувчисиз учадиган аппаратларнинг кузатиш ва маълумот олиш фаолиятини аниқлаш учун хизмат қилиб келмоқда. Мазкур қурилмани ўз навбатида ахборот инфратузилмасининг муҳим объектлари яқинида радар сифатида ҳам қўллаш мумкин бўлади. Барча иншоотлар телевизион узатиш минорасидан камида 17 километр радиусда жойлашган. Телевизор сигналидан фойдаланган ҳолда пассив радар кичик ҳажмли учувчисиз учадиган аппаратларни аниқлай олади. Қуйидаги биринчи жадвалда COTS-технологияларининг (Commercial Off The Shelf) учувчисиз учадиган аппаратларини аниқлаш имкониятларини баҳолайдиган ҳисоб-китоб натижалари келтирилган.

Аэропортларга етиб келган ҳамда у ердан учиб кетаётган самолётларнинг ва объектнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳали-ҳамон долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Аэропортлардаги самолётларнинг учиши учун мўлжалланган йўлақларда учувчисиз учадиган аппаратларни кузатув ва маълумот олиш учун объект яқинида кузатиш ҳолатлари сезиларли даражада кўпайган. Ушбу дронларнинг бундай объект яқинида кўриниш бериши эса самолётлар ҳаракати учун ҳақиқий таҳдидга айланмоқда.

Тоифаланган объектлар яқинида рақамли телевидение сигналларини узатиш орқали пассив радар ёрдамида кичик ҳажмли учувчисиз учадиган аппаратларини аниқлаш:

1-жадвал

Узатгичнинг жойлашуви	Кэмп-Форчун, Квебек
Телевизион узатгичнинг қуввати, (ЭИИМ. СИНҚ) <i>(Самарали изотропик нурланиш қуввати)</i>	311 кВт
Видеосигнал частотаси, ϕ	537,25 МГц
Тўлқин узунлиги, c/ϕ	0,558 м
Тармоқ кенглиги, β	6 МГц
Узатгичдан нишонгача бўлган масофа, P_1	30 км
Нишондан қабул қилувчигача бўлган масофа, P_2	5 км
Электрон парамагнит резонанси нишон, σ	0,001 м ²
Қабул қилувчи антеннанинг кучайтирилган коэффиценти, Гр	100
Қабул қилувчи антеннанинг майдони, А	2,5 м ²
Қабул қилувчи қуввати	$2,18 \cdot 10^{-16}$ Вт
Қабул қилувчи томонидан қабул қилинган сигналнинг сигнал/шовқин нисбати	0,6
Аниқлаш чегарасига эришиш учун зарур бўлган сигнал/шовқин нисбати = 40	67

Телевизион миноранинг самарадорлигини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар 2-жадвалда келтирилган.

Рақамли телевидение сигнал узатгичи ёрдамида Оттава халқаро аэропорти атрофида пассив радар ёрдамида кичик ўлчамли дронларни аниқлаш:

2-жадвал

Узатгичнинг жойлашуви	Кэмп-Форчун, Квебек
Телевизион узатгичнинг қуввати, (ЭИИМ. СИНК) <i>(Самарали изотропик нурланиш қуввати)</i>	311 кВт
Видеосигнал частотаси, ϕ	537,25 МГц
Тўлқин узунлиги, c/ϕ	0,558 м
Тармоқ кенглиги, β	6 МГц
Узатгичдан нишонгача бўлган масофа, P_1	30 км
Нишондан қабул қилувчигача бўлган масофа, P_2	5 км
Электрон парамагнит резонанси нишон, σ	0,001 м ²
Қабул қилувчи антеннанинг кучайтирилган коэффиценти, Гр	100
Қабул қилувчи антеннанинг майдони, А	2,5 м ²
Қабул қилувчи қуввати	$2,18 \cdot 10^{-16}$ Вт
Шовқин кучи (олд қабул қилгич), η	$2,85 \cdot 10^{-14}$ Вт
Қабул қилувчи томонидан қабул қилинган сигналнинг сигнал/шовқин нисбати	$7,64 \cdot 10^{-3}$
Аниқлаш чегарасига эришиш учун зарур бўлган сигнал/шовқин нисбати = 40	5236

Учувчисиз учадиган аппаратларни аниқлашнинг яна бир усули улардан келаётган сигналлар орқали аниқлаш усули ҳисобланади. Ҳозирги вақтда мазкур ғоядан унумли фойдаланадиган ва бундай тизимларни ишлаб чиқадиган компанияларнинг тўлиқ рўйхати ҳам

шакллантирилган. Ҳаракат пайтида қабул қиладиган сигналнинг юқори кучи орқали учувчисиз учадиган аппаратлар сенсорларини аниқлаш радиочастотали нурланиш туфайли анча осонлашади. Бу эса ўз ўрнида, пассив радар тизимидаги шовқин ва сигнал бузилишининг олдини олишда жуда ҳам қўл келади. Радиочастотани аниқлаш бевосита радиочастота нурларини тарқатувчи объектга боғлиқ бўлади. Чунки тўғри йўналиш ҳамда фойдали маълумотларни тўплаш учун учувчисиз учадиган аппаратлар диспетчер билан мунтазам алоқада бўлиши керак. GPS координаталари ва видео ёзувлар ёрдамида маълум бир автоном учувчисиз учадиган аппаратлар йўналишларини дастурлаш мумкин бўлади. Энг асосийси улар радиочастота сигналларини чиқармайди.

Кузатув ва маълумот олишда кичик ҳажмли учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишнинг асосий афзаллиги шундаки, қисқа вақт оралиғида олинган тасвирлар ёрдамида кузатув остидаги объект ҳақида тезкор, аниқ ҳамда керакли маълумотларни олиш мумкин. Шунингдек, мазкур маълумотлардан фойдаланиб, тактик режаларни осонлик билан тузиш ва ундан унумли фойдаланиш мумкин.

Кичик ҳажмли учувчисиз учадиган аппаратлардан кузатув ва маълумот олишда фойдаланиш учун оператор ҳамда учувчисиз учадиган аппаратлар ўртасидаги ўзаро алоқани доимий равишда таъминлаш талаб этилади. Кузатув, маълумот олиш ва таҳдидларни аниқлашнинг самарали усулидан яна бири учувчисиз учадиган аппаратлар орқали радиочастота сигналлари ёрдамида аниқлашдир. Радиочастота сенсорлари ёрдамида радиочастота частоталарини аниқлаш мумкин. Портатив автомобил GPS оддий радиочастота сенсори туфайли радиочастота сигналларининг частотасини қабул қилиш имкониятига эга.

Радиочастотали аниқлаш усули, учувчисиз учадиган аппаратларни кузатиш ҳамда операторларнинг геолокациясини аниқ кузатиш имконини беради. 3-жадвалда операторга видео сигналининг узатувчи, эркин савдода бўлган оддий учувчисиз учадиган аппаратлар учун ҳисоб-китоб натижалари келтириб ўтилган. Хулоса қилиб айтганда, мазкур учувчисиз учадиган аппаратлардан чиқаётган сигналларни ушлаш ҳеч қандай қийинчиликлар туғдирмайди.

Учувчисиз учадиган аппаратлардан чиқадиган радиочастота сигнадини аниқлаш (оддий квадрокоптер мисолида).


3-жадвал

Узатгичнинг жойлашуви	Кэмп-Форчун, Квебек
Телевизион узатгичнинг қуввати, (ЭИИМ. СИНҚ) (Самарали изотропик нурланиш қуввати)	0,1 Вт
Видеосигнал частотаси, ϕ	5,8 ГГц
Тўлқин узунлиги, c/ϕ	0,055 м
Тармоқ кенглиги, β	17,5 МГц
Нишондан қабул қилувчига бўлган масофа, P	5 км
Қабул қилувчи антеннанинг кучайтирилган коэффициенти, Гр	4
Қабул қилувчи антеннанинг майдони, А	2,5 м ²
Қабул қилувчи қуввати	$2,21 \cdot 10^{-14}$ Вт
Шовқин кучи (олд қабул қилгич киритиш), η	$8,5 \cdot 10^{-14}$ Вт
Қабул қилувчи томонидан қабул қилинган сигналнинг сигнал/шовқин нисбати	0,26
Аниқлаш чегарасига эришиш учун зарур бўлган сигнал/шовқин нисбати = 40	154

Радиочастотани аниқлашнинг яна бир усули кичик ҳажмли дронларни аниқлаш ҳамда уларни кузатиш ҳисобланади. Нано-дронлар кафтдек ёки ундан ҳам кичикроқ ўлчамга эга бўлиши мумкин (1 ва 2 расмлар). Ушбу дронларнинг кичик қуш кўринишида бўлганлиги яшириниш, чалғитиш ва маневр қилиш учун жуда қулайдир. Бу эса мазкур дронларни излаш ва аниқлаш имконини қийинлаштиради.



1-расм. Осмондаги кичик қўз дрон.



2-расм. Нано-колибри.

Расмда кўрсатилган кичик дронларни кузатув ва маълумот олиш учун юқори аниқликка эга бўлган камералар билан жиҳозлаб, уларни масофадан бошқариш мумкин. Мазкур дронлар жуда ҳам кичик бўлганлиги сабабли, улар узоқ вақт давомида кузатув ўтказиш учун етарлича кучли қувват манбаига эга эмас. Улардаги қувват манбаи фақат маълум бир нуқтага етиб бориш ва орқага қайтиш учун етади. Лекин ушбу дронлар объектда кузатув ва маълумот олиш ишларини олиб бориш жараёнида дарахтларнинг кичик шохларига ва буталарга осон ўрнашиб олиши мумкин. Кузатув ва маълумот олишни ташкил қилиш учун операторга қулай жой топиш зарур.



3-расм. Дарахт шохига қўна оладиган оёқли дрон.

Нано-дронларни парвоз қилмаган вақтда ҳам аниқлаш мумкин. Аммо дарахт шохига жойлашиб олган нано-дронларни топиш бироз қийин бўлади. Чунки ушбу нано-дрон муҳитга мос ҳолда жойлашиб олган бўлади.

Сунъий йўлдош орқали бошқариладиган, нисбатан каттароқ ҳажмга эга бўлган учувчисиз учадиган аппаратларни радиочастотали нурланишини аниқлаш ва дроннинг ҳолатини кузатиш мумкин. Мазкур учувчисиз учадиган аппаратларнинг узатувчи антенналари катта йўналишга ҳамда сунъий йўлдошлар томонга йўналтирилган бўлса-да, агар биз “Iridium” сунъий йўлдош уяли алоқа тизимининг антеннасидан фойдалансак, уларнинг узатиш қуввати сезиларли даражада анча юқори, яъни тахминан 7 ватт бўлади³⁹.

Антеннадан сигнал тарқалиш қуввати ердаги сенсорлар томонидан аниқланиши учун етарли қувватга эга бўлади. Ҳозирги вақтда аксарият сенсорлар жуда сезгир масалан, йўлларда автотранспорт воситаларида қўлланиладиган GPSлар орқали сунъий йўлдошнинг фақат 10-16 ватт сигналини аниқлаш мумкин. Техника ва технологияларнинг ривожланиши натижасида замонавий сенсорларнинг сезгирлиги 10-19 ваттни ташкил қилди. Учувчисиз учадиган аппаратлардан сунъий йўлдошларга уланиш, одатий сунъий йўлдошли алоқа сигналларига қараганда бошқа частота диапазонида узатилади. Бу эса дронлар

³⁹ Р. Зҳасеми-Заргани, Н.В.Игнатенко, А.Н.Поликанин ва бошқ. “ИСП-HORAD огоҳлантириш тизимининг глобал самарадорлигини баҳолашга асосланган тизимлар ва аэрокосмик огоҳлантириш тизимларининг аниқ нусхаси”. // 2016 йил учун илмий ҳисоботи. 2021 йил.

томонидан узатиладиган сигналлар радиочастота детекторлари учун фарқ қилишини англатади. Учувчисиз учадиган аппаратларнинг операцион тизимини такомиллаштириш учун баъзи РИТ (Россиянинг интеграциялашган тизимлари) технологиялари ёрдамида керакли маълумотларни олиш имкониятини яратувчи манбага айлантириш мумкин. Радиочастотали аниқлаш усули учувчисиз учадиган аппаратларни ўз вақтида, тез фурсатда аниқлашни таъминлайди. Бу усул орқали “камикадзе дронлари”нинг зарар етказишини сезиларли даражада камайтириш мумкин. Радиочастотани аниқлаш барча турдаги ва ҳажмдаги учувчисиз учадиган аппаратлар кузатув ва маълумот олишга қарши самарали восита ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, радарлар ва радиочастоталарни аниқлаш усули яқин келажакда амалиётда қўлланилиши кутилаётган иккита самарали ёндашувдир. Шаҳар жойларда телевизион сигнал узатилишидан унумли фойдаланиб, хатто жуда кичик ҳажмдаги электрон парамагнит резонансли дронларнинг таҳдидларини аниқлаш усули истиқболли усуллардан бири ҳисобланади. Шунингдек, мазкур усул ёрдамида минимал операцион тизимлар билан кечаю-кундуз мониторинг қилиш имконияти мавжуд бўлади. Чунки, телевизион сигнал бизнинг ҳаётимизда анча вақтдан буён қўлланилади ҳамда бу умуман ортиқча ҳаракат ва маблағ талаб қилмайди. Ҳозирги даврда ишлаб чиқилган ва амалиётда қўлланилаётган замонавий пассив аниқлаш усули ёрдамида учувчисиз учадиган аппаратларнинг ҳолатини аниқлаш, электрон парамагнитли резонанслар орқали бир вақтнинг ўзида бир нечта бундай дронларни кузатишга имкон беради.

Бу ўз навбатида, учувчисиз учадиган аппаратларни зарарсизлантириш ва яқсон қилишни сезиларли даражада осонлаштиради. Деярли барча ўлчамдаги учувчисиз учадиган аппаратлар ўзидан сигнал чиқаради. Радиочастотани аниқлаш эса ушбу учувчисиз учадиган аппаратларни аниқлашнинг ишончли ва самарали усули ҳисобланади. Радиочастотали аниқлаш нафақат геолокация, балки бир нечта бошқа мақсадларни амалга ошириш учун ҳам хизмат қилади. Радиочастотани аниқлаш усулининг яна бир афзаллиги шундаки оператор кўзлаган мақсадига эришиши учун ҳеч қандай узатгич талаб

қилинмайди. Юқорида баён этилган усуллар ва фикрларни инобатга олиб, ушбу аниқлаш тизимлари анча содда ҳамда осондир, уни ўрнатиш ҳеч қандай куч ва вақт талаб қилмаслиги эса вазифани бажариш учун тез, аниқ ҳаракатланиш имконини яратади.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада кичик ва катта ҳажмли шунингдек, нано-дронлар ҳамда учувчисиз учадиган аппаратларга қарши курашиш усуллари юзасидан турли хил тенденцияларни ўрганиш натижалари келтирилган, радарларни ва радиочастоталарни аниқлаш асосан иккита самарали ёндашувдан иборат бўлиб, хусусан, телевизион сигнални узатишда фойдаланиладиган пассив радар, шаҳар шароитида, ҳаттоки жуда кичик ҳажмдаги электрон парамагнитли резонанс дронлар таҳдидларини аниқлаш усули энг истиқболли усуллардан биридир. Бу эса ўз навбатида, операцион ҳаражатларни камайтириб, узлуксиз, яъни кечаю-кундуз, 24/7 режимда мониторинг қилиш имконини беради, чунки телевизион сигналлар ҳозирги шароитда кенг оммалашган, бу ишлар самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

В данной статье также представлены результаты исследования различных тенденций по методам борьбы с малыми и крупномасштабными нано-дронами и беспилотными летательными аппаратами, обнаружение радаров и радиочастот состоит в основном из двух эффективных подходов, в частности, пассивный радар, используемый при передаче телевизионного сигнала, является одним из наиболее эффективных. Перспективные методы обнаружения угроз даже от очень малогабаритных беспилотных летательных аппаратов с электронным парамагнитным резонансом в, поскольку это позволяет осуществлять мониторинг в режиме 24/7, телевизионные сигналы стали широко популярны в современных условиях, были разработаны предложения и рекомендации по повышению эффективности этих работ.

This article also presents the results of a study of various trends in methods of combating small and large-scale nano-drones and unmanned aerial vehicles, radar and radio frequency detection consists mainly of two effective approaches, in particular, passive radar used in transmitting a television signal is one of the most effective. promising methods for detecting threats even from very small-sized unmanned aerial vehicles with electronic paramagnetic resonance, since this allows monitoring 24/7, television signals have become widely popular in modern conditions, proposals and recommendations have been developed to improve the effectiveness of these works.



Фарҳод АҲМЕДОВ,
*Наманган вилояти ИИБ Тезкор-қидирув хизматининг Жиноят-қидирув
бошқармаси бошлиғи, подполковник,*
Шерзод УБАЙДУЛЛАЕВ,
Малака ошириш институти Махсус фанлар цикли ўқитувчиси, майор

СУДЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ПРОФИЛАКТИКАНИНГ АҲАМИЯТИ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида мисли кўрилмаган ислохотлар амалга оширилди. Бунда давлат, жамият ва фуқароларнинг террорчилик, қўпоровчилик хуружидан, барча шаклдаги экстремизм, уюшган жиноятчилик каби жиноят кўринишларидан ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган тизимни шакллантириш, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гаровига айлантириш асосий мақсад қилиб қўйилди. Амалга оширилган ислохотлар натижасида аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, жиноий жазолар ижросини таъминлаш бўйича комплекс тадбирларни узлуксиз амалга ошириш имкониятига эга бўлган, халқимизнинг ҳаёт тарзи, маънавияти, қадриятлари ва менталитетига мос келадиган янги тизимга, яъни ички ишлар органлари таянч пунктларига асос солинди. Профилактика инспекторининг илгари судланган шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга хизмат қиладиган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, жамият ҳаётига татбиқ этилди. Бунинг натижасида улар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос тартиби ва принциплари қарор топди. Профилактика инспекторининг илгари судланган шахслар билан ишлаш фаолиятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси моддий-техникавий базаси ва инфратузилмаси йилдан-йилга яхшиланиб бормокда.

Профилактика фаолиятини малакали мутахассислар билан таъминлаш, бу борадаги ишларнинг сифатини ошириш борасида ҳам

тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада, бугунги кунга келиб профилактика инспектори томонидан илгари судланган шахслар билан ишлашда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш энг аввало, маҳаллалар, қишлоқлар, шаҳарчалар ва овулларда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг гаровига айланди. Ички ишлар органлари таянч пунктида ички ишлар органлари тегишли соҳавий хизматларининг ходимлари ўзаро, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоатчилик тузилмалари ҳамда давлат ҳокимиятининг бошқа органлари билан узвий ҳамкорликда хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги *“Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги ПФ-6196-сонли ҳамда 2021 йил 29 ноябрдаги *“Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги ПФ-27-сон фармонлари ички ишлар органлари профилактика инспекторларини илгари судланган шахслар билан профилактик ишларни ташкил этишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади⁴⁰⁴¹.

Бундай натижаларни қўлга киритишда, табиийки, республикамызда фаолият юритаётган профилактика инспекторининг ҳам ўрни катта. Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида ҳалқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифалар қўймоқда⁴². Бу эса мамлакатимиз ички ишлар органлари, хусусан уларнинг профилактика

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги *“Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги ПФ-6196-сонли Фармони // URL <http://www.lex.uz>.

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги *«Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»*ги ПФ-27-сон Фармони // URL <http://www.lex.uz>.

⁴² Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма / И. Исмаилов, М. З. Зиёдуллаев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2017. – 254 б.

инспектори илгари судланган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5005-сонли (2017 йил 10 апрель) фармонида назарда тутилган ички ишлар органлари фаолиятидаги жиддий камчилик ва муаммолар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хусусан ички ишлар органлари таянч пунктлари ва профилактика инспекторлари фаолиятини бошқариш соҳасига ҳам тўлиғича тааллуқлидир.

Биринчидан, асосий вазифа ва функцияларнинг республика даражасидаги ҳамда ўрта ва қуйи бўғинлардаги ички ишлар бўлинмалари ўртасида аниқ тақсимланмагани ҳар бир ходим фаолиятининг устувор йўналишларини, ишнинг пировард натижаси учун унинг шахсий жавобгарлигини белгилашни қийинлаштирмоқда.

Иккинчидан, амалдаги ташкилий-штат тузилмаларининг куч ва воситаларидан оқилона фойдаланиш таъминланмаётгани оқибатида марказий ва ўрта бўғиндаги баъзи хизматларда иш ҳажми етарли бўлмай туриб, керагидан ортиқча штат бирликлари сақланиб турган бир пайтда, қуйи бўлинмалар зиммасига ҳаддан зиёд хизмат вазифалари юкланмоқда.

Учинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахслари, шу жумладан профилактика инспекторларининг аҳоли билан мулоқоти йўлга қўйилмаган, фуқаролар билан муомала маданияти пастлигича қолмоқда, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик таъминланмаяпти.

Тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзаки кўриб чиқилмоқда, уларда кўтарилаётган масалалар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмаяпти, мурожаатларга расмийлик учунгина жавоб берилаётгани фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқармоқда, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва бошқа ташкилотларга шикоят билан мурожаат этишга мажбур қилмоқда.

Бешинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида ҳисобот бериб боришининг таъсирчан тизими, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмлари жорий этилмаган, бу эса ходимларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариши учун масъулиятини ошириш имконини бермаяпти.

Олтинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича ишлар асосан содир этилган ғайриқонуний қилмишларнинг оқибатларига қарши курашишдан иборат бўлиб қолмоқда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича тизимли ва самарали чоралар кўрилмаяпти.

Еттинчидан, ўсиб келаётган авлодни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилишга, ёшлар жиноий фаолиятга, авваламбор, терроризм ва диний экстремизмга жалб этилишининг олдини олишга етарли эътибор қаратилмаяпти, ички ишлар органларининг тарбиявий роли сезилмаяпти.

Саккизинчидан, ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими ҳозирги талабларга жавоб бермайди, порахўрлик ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳоллари ҳамон учраб турибди.

Тўққизинчидан, энг янги ахборот-коммуникация технологияларини тизимга жорий этиш, ички ишлар органларини замонавий техник восита ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш даражаси қониқарсизлигича қолмоқда⁴³. Бундан ташқари, ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг касбий тайёргарлиги билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, бу ана шу лавозимларда ишлаётган кўпчилик ходимларнинг илгари судланган шахслар билан ишлаш фаолиятини самарали ташкил этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, маъмурий-процессуал, жиноят-процессуал, тезкор-қидирув ҳамда жиноий жазолар ижросини таъминлаш

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрель ПФ-5005-сон «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони//URL:<http://www.lex.uz>.

фаолиятини талаб даражасида олиб бориш, бошқа соҳавий хизматлар, жамоатчилик тузилмалари, давлат органлари ва муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича малака ва тажрибага эга эмаслигида намоён бўлади.

Мазкур муаммоларни келтириб чиқараётган асосий омиллардан бири эса профилактика инспекторлари фаолиятини методик таъминлашга хизмат қилувчи ўқув, амалий ва методик қўлланмаларнинг етарли эмаслигидадир. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармонида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимига, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши белгиланди⁴⁴.

РЕЗЮМЕ

Илгари судланган шахслар билан олиб бориладиган якка ва махсус профилактиканинг аҳамияти, давлат, жамият ва фуқароларнинг террорчилик, қўпоровчилик хуружидан, барча шаклдаги экстремизм, уюшган жиноятчилик каби жиноят кўринишларидан ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган тизимни шакллантириш, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гаровига айлантириш, асосий мақсад қилиб ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг ўз вақтида ушбу таҳдидларни олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифалари мақолада ёритиб берилган.

Важность индивидуальных и специальных профилактических мер, проводимых с ранее судимыми, формирование системы, обеспечивающей надежную защиту государства, общества и граждан от террористических

⁴⁴ Мамлакатимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармони//URL:<http://www.lex.uz>.

актов, диверсий, всех форм экстремизма, организованной преступности, а также защиту прав и свобод личности, общественного порядка и безопасности граждан. Основная цель – сделать инспекторов-профилактики органов внутренних дел надежным залогом выполнения новых задач по своевременному предотвращению и устранению этих угроз.

The importance of individual and special preventive measures carried out with previously convicted persons, the formation of a system that ensures the reliable protection of the state, society and citizens from terrorist attacks, subversive attacks, all forms of extremism, organized crime, and the protection of individual rights and freedoms, public order and citizens' safety to become a surety. The main goal is the new tasks of preventive inspectors of internal affairs bodies to prevent and eliminate these threats in time.



Сардор АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси доценти,
Моҳигул ТУРДИБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Банк ва молия
Академияси магистранти

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ИНСОН ҚАДРИ

*Юртнинг кучи – бирликда,
қадрли эса тинчликдадир!*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Инсон камолга етиши учун ёшлигидан билим олиши ва касб-хунар эгаллаши шарт, илм-маърифат инсоннинг қадр-қимматида, маънавий камолотида ва жамият тараққиётида муҳим ўрин тутди. Илм эгаллаш ҳар бир ёш учун ҳам қарз, ҳам фарз. Инсон қадр-қиммати унинг “сийму зари” билан эмас, олган илму хунари билан баҳоланади. Бугунги кунда дунё ареналарида мамлакатимиз ҳақида сўз юритилганда “*Янги Ўзбекистон*” ва “*Учинчи Ренессанс*” деган ибораларни кўп эшитамиз. Бу мамлакатимиз сўнгги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйгани, ҳар соҳада эришадиган ютуқларимизнинг эътирофи, десак адашмаган бўламиз.

Инсоният яралибдики, унинг учун энг азиз неъмат, бу – қадр! Содда қилиб айтганда, қадрли бор одамнинг қадди тик бўлади. “Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат” деган ғоянинг амал қилиниши турли соҳаларда, хусусан, таълим тизимида олиб бориладиган ислохотларнинг бир кўринишидир.

Барча ислохотларнинг руҳи ва мазмунига давлатимиз раҳбарининг “*Инсон қадрли учун, эл-юрт бахти учун!*”⁴⁵ деган эзгу ғоялари чуқур кириб бораётганлиги албатта қувонарли ҳол. Жорий йил сентябрь ойидан пенсия ва нафақалар миқдори, октябрь ойидан эса бюджет ходимлари,

⁴⁵ Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон мустақиллигининг 33 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи”. <https://www.xabar.uz/jamiyat/shavkat-mirziyoyevning-ozbekiston-mustaqilligining>.

шифокорлар ва педагоглар маоши оширилиши ҳам юқоридаги фикримизнинг яққол исботидир.

“Ҳозирги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этишда асосий эътиборни бешта устувор йўналишга қаратмоқдамиз.

Булар, аввало, сифатли таълим тизimini йўлга қўйиш, бизнесни ривожлантириш, коррупциядан холи, адолатли суд тизimini яратиш, соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан яхшилаш, экологик барқарорликни таъминлашдан иборат.

Муаммоларимизнинг ечими, саволларимизнинг жавоби фақат ва фақат таълимда. Ҳамма эшикларни очадиган калит ҳам – фақат ва фақат таълим ва тарбиядир”,⁴⁶ – қайд қилган эди Президент.

Дарҳақиқат, ҳар қандай кадрнинг пойдевори – бу таълим, тарбия ва билимдир. Модомики, инсон кадр таълимда, тарбияда ва билимда ифода топар экан, демакки, унинг фаровон ҳаёти эртадан эмас, бугуннинг ўзидан бошланади.

Агарки, гап фарзандларимизнинг билимли бўлиши, яхши тарбия топиши ҳақидаги олий мақсад сари йўналар экан, бу жараёни ёш авлодсиз, миллий урф-одатларсиз ва азалий қадриятлар, миллий-маънавий муҳитсиз ва албатта, профессионал таълимдаги сифатли таълим-тарбиясиз тасаввур этиш қийин.

Аввало, таъкидлаб ўтиш керакки, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиздаги профессионал таълим дастурлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашмаганлиги, Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмаганлиги сабабли тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилаётган эди. Шу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимига асос солинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги *“Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижий давлатга кетаётган шахсларни ва банд бўлмаган аҳолини ўқитишни*

⁴⁶ Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 33 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <https://www.xabar.uz/jamiyat/shavkat-mirziyoyevning-ozbekiston-mustaqilligining>.

ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4962-сон қарор ижроси бўйича 14 та касбдан қисқа муддатли курсларининг ўқув режа ва модуллари, хом-ашё меъёрлари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилди⁴⁷.

Профессионал таълимни жорий этишнинг муҳим йўналиши таълим муассасаларини мавжуд иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг истиқболли талабларига, фан, маданият, техника ва технологияларнинг илғор ютуқларига жавоб бера оладиган юксак малакали бошқарув ва педагог кадрлари билан таъминлашдир. Бунда, педагог ва бошқарув кадрлари махсус танлашнинг самарали доимий фаолият кўрсатувчи тизимини яратиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш орқали бошқарув ва педагог кадрлар касбий савияси ва масъулиятини ошириш, инфратузилмани оқилона ташкил этиш, захира кадрлар билан таъминланганликни мустаҳкамлаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимлари фаолият кўрсатишининг таъсирчан механизмларини жорий этиш лозим.

Меҳнат бозорида ўрта бўғин кадрларга бўлган реал эҳтиёжни аниқлаш такомиллаштирилмоқда ва айнан иш ўринлари учун ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашнинг халқаро тажрибаларга асосланган янги механизмлари жорий этилмоқда.

Бу эса ўз навбатида барча манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг тизимли ҳамкорлигини ўрнатиш ва ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашда иштирокини кенгайтириш шунингдек, шахсларни “Ҳаёт давомида таълим олиш принципи” асосида ўқитиш, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишларига кўмак бериш талаб этилади. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистонда шаклан ва мазмунан мутлақо янги, узлуксиз профессионал таълим тизими барпо этилиши, мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб 3 та тоифадаги таълим муассасалари тармоғи фаолият кўрсатиши белгиланди.

⁴⁷ https://ipitvet.uz/yangilik_detail/3/.

2020 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун ҳужжатида таълим тизими, турлари ва шакллари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги янги қонуни таълим тизимининг трансформациясининг таъминлаш ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мазкур қонунда профессионал таълимни алоҳида моддалар билан ёритилганлиги жаҳон меҳнат бозорида ўрта бўғин кадрларга бўлган эҳтиёж доимий мавжудлигидан келиб чиқиб Ўзбекистон шароитида ҳам ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш долзарб масала бўлиб қолишини кўрсатмоқда.

Ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш борасида Япония, Австрия, Болгария, Германия, Буюк Британия, Корея Республикаси, Финландия, Саудия Арабистони, Франция, АҚШ ва Канада каби давлатларнинг илғор тажрибалари Ўзбекистон профессионал таълим тизимининг трансформациясини илмий ёндошувлар асосида жорий этишга хизмат қилади.

Аҳолининг бандлигини таъминлаш тарихий ва минтақавий, даврий-иктисодий мазмун касб этади. Таъкидлаш лозимки, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ички ва ташқи меҳнат бозорлари шаклланди, уларни глобал мазмун касб этишини инобатга олиб гуруҳларга ажратиш мумкин. Агарда, меҳнат бозори махсус касбий билимларни ўзлаштириш жараёнига тааллуқли бўлган ахборотни жамлаш учун ҳам хизмат қилишини инобатга олсак, бугунги кунда меҳнат бозорларининг турли моделлари шаклланганлигини кузатиш мумкин. Назарий жиҳатдан уларни АҚШ меҳнат бозорининг модели, Япония меҳнат бозорининг модели, Швеция меҳнат бозорининг модели, Россия Федерацияси меҳнат бозорининг модели тарзида кўрсатиб ўтиш мумкин.

АҚШ меҳнат бозори моделининг ижтимоий ва психологик жиҳати шундаки, унда меҳнат бозорининг субъектлари фаоллиги билан ажралиб туради. Давлат эса рақобатни қўллаб-қувватлайди. Меҳнатда индивидуал муваффақиятга алоҳида эътибор қаратиб, юқори меҳнат ҳақини олиш давлат, фан ва таълим ҳамда оммавий ахборот воситалари томонидан маданийлаштириб келинмоқда. Натижада америкалик фуқаро меҳнат

қилиб даромад топиш, уни кўпайтириш, акциялар сотиб олиш ва яна маблағини кўпайтириш билан “банд” бўлади. АҚШда ички ва ташқи меҳнат бозорлари шаклланган. Уларнинг фаолияти эса, ташкилий ва услубий жиҳатдан принципиал фарқ қилади. Тадбиркорлик ва ишчининг фаоллиги моддий рағбатлантирилади. Ишсизлик бўйича суғурта штатларнинг федерал қонуни асосида тартибга солинади. Япония меҳнат бозорининг ўзига хос, ижтимоий-маданий жиҳати шундаки, ишчиларни меҳнатга жалб этишда, яъни меҳнат фаолияти билан шуғулланиш корхоналар томонидан “*умрбод ёллаш тизими*”га амал қилади. Меҳнат ҳақини тўлашда ишчиларнинг меҳнат стажи ва ёши алоҳида инобатга олинади. Аммо, охириги пайтларда ишчиларнинг квалификациясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1974-1975 йиллар муддатида Япониядаги кризисдан сўнг “*умрбод ёллаш тизими*”да ўзгаришлар содир бўлиб, ёлланган ишчиларни ҳимоя этиш сусайиб, доимий бандларнинг улуши камайди. Хизмат кўрсатиш (учинчи сектор) ривожланиб, ташқи меҳнат бозори вужудга келди.

Швеция меҳнат бозорининг модели, бандлик сиёсатининг фаоллиги билан ажралиб туради. Бу меҳнат бозори давлат бозори механизмига эга эканлиги билан ажралиб, давлат томонидан тартибга келтириш доминантлик қилади. Бунинг учун сўнгги йилларнинг маълумотига кўра бандликнинг 70% ёки ички ялпи маҳсулотнинг 3,5% сарфланади⁴⁸.

Кадрлар тайёрлаш, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳонда тан олинган, тажрибада исботланган 4 та модели мавжуд. Булар АҚШ, Франция, Германия ва Япония мамлакатларининг моделлари дир. Улар гарчи, умумий қоида ва йўналишлар бўйича бир-бирига яқин бўлса-да, лекин мавжуд мамлакатларнинг ҳозирги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳолати, миллий хусусиятлари ҳамда фуқароларнинг яшаш шароитидан келиб чиқиб, фарқ қилади. Масалан, Япония таълим тизимида «Оила» омилига катта эътибор берилган. Америка ёки Францияда эса маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда пуллик мактаблар жорий этилган. Лекин айрим мамлакатларда ўзини оқлаган ва самара берган моделларни ўзга давлатлар учун тўғридан-тўғри қўллаб ёки татбиқ этиб бўлмайди. Шунинг

⁴⁸ С.У.Абдуллаев. “Аҳоли бандлигини оширишнинг ижтимоий механизмлари”. Социология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2021 йил.

учун ҳам ривожланган мамлакатлар тажрибалари чуқур ўрганилиб, миллий ҳамда Ўзбекистон республикасига хос бўлган хусусиятлар, шароитлар инобатга олинган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг янги модели ишлаб чиқилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳар бир давлат ўз фуқароларини билимли, ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, маънавий баркамол, бир сўз билан айтганда, комил инсон бўлиб вояга етиши ҳақида қайғуради. Бугунги кунда давлатимиз томонидан таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам мамлакатимизга аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кадрларни етиштириб чиқаришдан иборатдир.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мамлакатимизда сўнгги йилларда ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, янги иш ўринларининг яратилиши, профессионал таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда битирувчилари бандлигини таъминлаш масалалари таҳлил қилинган.

В статье анализируются социально-экономические реформы, реализованные в нашей стране в последние годы, создание новых рабочих мест, коренная реформа в сфере профессионального образования, а также вопросы обеспечения рабочими местами выпускников учреждений профессионального образования.

The article analyzes the socio-economic reforms implemented in our country in recent years, the creation of new jobs, a radical reform in the field of professional education, as well as issues of providing jobs for graduates of professional education institutions.

Алишер УСМАНОВ,
*Начальник цикла физической подготовки Институт повышения
квалификации, полковник*

**ОРГАНИЗАЦИЯ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ В
ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ
УЧРЕЖДЕНИЯХ МВД УЗБЕКИСТАНА**

Актуальность данного исследования обусловлена тем, что физическая подготовленность сотрудника органов внутренних дел, должная степень развития определенных физических качеств являются основным компонентом успешного решения служебно-оперативных задач. Неуклонный качественный и количественный рост преступности детерминирует необходимость повышения уровня физической подготовленности сотрудников ОВД и эффективной правоохранительной деятельности. Современный криминалитет в своем арсенале нередко использует насильственные методы совершения преступлений (физическую силу, огнестрельное оружие), поэтому недооценка значимости физической подготовленности личного состава органов внутренних дел на практике приводит к неоправданно высоким травматизмам и что более печально к людским потерям.⁴⁹ Очевидно, что в ходе осуществления служебной деятельности сотрудники подвергаются высоким психофизиологическим нагрузкам, сталкиваются с реальной угрозой физического насилия и одновременно должны быть готовы сами применить физическую силу в установленных законодательством случаях. Преодоление указанных проблем лежит в плоскости совершенствования навыков применения физической силы и боевых приемов борьбы, поскольку в экстремальных ситуациях сотрудники правопорядка нередко теряют самообладание и способность критически оценить обстановку, что негативно отражается на эффективности пресечения правонарушения. В этой связи физическая подготовка является одной из ключевых компетенций, приобретаемых будущих сотрудников органов внутренних

⁴⁹Карданов А. А. Готовность к силовому задержанию правонарушителя: современные требования к подготовке сотрудника полиции // Пробелы в российском законодательстве. 2021 Т. 14 № 5. с. 96-97

дел в ходе профессионального обучения. В дальнейшем эта компетенция должна поддерживаться и развиваться в процессе служебной подготовки работников правопорядка.

Для достижения цели исследования необходимо решить следующие задачи:

- проанализировать проблемы современного состояния организации физической подготовки в образовательных учреждениях МВД;
